

**МИР  
НАСЕКОМЫХ  
УЗБЕКИСТАНА**

**ЎЗБЕКИСТОН  
ҚАШАРОТЛАР  
ДУНЁСИ**



28.691.8

592

M 74

**МИР  
НАСЕКОМЫХ  
УЗБЕКИСТАНА**

---

(Мир насекомых и  
других членистоно-  
гих)

**ЎЗБЕКИСТОН  
ҲАШАРОТЛАР  
ДУНЁСИ**

---

(Ҳашаротлар ва бош-  
қа бўғимоёқлилар  
дунёси)





**КЛАСС  
НАСЕКОМЫЕ**

**ҲАШАРОТЛАР  
СИНИФИ**



**КЛАСС  
ПАУКООБРАЗНЫЕ**

**УРГИМЧАКСИМОНЛАР  
СИНИФИ**



**КЛАСС  
МНОГОНОЖКИ**

**КУП ОЕҚЛИЛАР  
СИНИФИ**


**В. А. МОИСЕЕВ  
А. Г. ДАВЛЕТШИНА**

# **МИР НАСЕКОМЫХ УЗБЕКИСТАНА**

(Мир насекомых и  
других членистоно-  
гих)

# **ЎЗБЕКИСТОН ҲАШАРОТЛАР ДУНЁСИ**

(Ҳашаротлар ва бош-  
қа бўғимоёқлилар  
дунёси)



Составитель и автор слайдов **В. А. Моисеев.**

Введение и текст к слайдам написаны кандидатом биологических наук **А. Г. Давлетшиной.**

Ответственный редактор — доктор биологических наук **М. К. Кадырова.**

Рецензенты: кандидаты биологических наук **Т. Н. Азимов** и **Г. А. Аванесова.**

Данная книга является первой попыткой познакомить широкий круг читателей с удивительным миром насекомых Узбекистана, красота и изящество которых никого не оставят равнодушным; рассказать об их богатстве и разнообразии и воспитать бережное к ним отношение. В ней вы познакомитесь с наиболее характерными, интересными и редкими насекомыми, которые встречаются в нашей республике, а также в прилегающих регионах.

Тузувчи ва рангли расмлар муаллифи **В. А. Моисеев.**

Киришни ва рангли расмлар текстини биология фанлари номзоди **А. Г. Давлетшина** ёзган.

Тақризчи биология фанлари доктори, профессор **О. Мавлонов.**

Ушбу китоб кенг китобхонлар оммасини Ўзбекистоннинг ажойиб ҳашаротлар дунёси билан таништиришдаги илк бор уринишдир. Ҳашаротларнинг чиройлилиги ва хушбичимлиги ҳаммани ўзига жалб қилади. Шунга кўра, уларнинг қўплиги ва хилма-хиллиги ҳақида сўзлаб бериш, ҳашаротларга эҳтиётлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш керак. Унда сиз республикамизда, шунингдек унга чегарадош булган давлатларда тарқалган энг характерли ажойиб ва ноёб ҳашаротлар билан танишасиз.

М  $\frac{1907000000 - 18}{353(04) - 97}$  3-92

ISBN 5-645-01124-1

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1997.

## Введение

Насекомые составляют особый класс — Insecta, включающий всех трахейнодышащих шестиногих. Класс насекомых подразделяется на отряды, семейства, роды и виды.

Мир насекомых удивляет нас разнообразием окраски, строения тела и образа жизни. Существуют они почти 300 миллионов лет. Сейчас в мире известно более одного миллиона видов насекомых, и распространены они всюду. Это наземные членистоногие. Места обитания их различны — почва, древесная и травянистая растительность и даже жилище человека.

Размеры тела насекомых от 0,2 мм до 7,0—7,5 см; покрыто оно твердой кутикулой — хитином и состоит из трех отделов: головы, груди и брюшка. Голова несет ротовые органы, сложные глаза и усики. Грудь состоит из трех члеников, к которым прикрепляются три пары ног и крылья. У большинства насекомых две пары крыльев. Брюшко лишено ног, но может нести на конце различные придатки — церки, грифельки, яйцеклад.

Насекомые размножаются в основном половым путем: самки откладывают оплодотворенные яйца. Только у некоторых насекомых наблюдается партеногенез — откладка яиц и живорождение без оплодотворения (тли, хермесы и др.). В развитии насекомых различают два периода — в яйце и после выхода из яйца и три или четыре фазы: яйцо, личинка, куколка и взрослая особь. Такое развитие у насекомых называется *метаморфозом*. Различают два типа метаморфоза — с неполным (саранчовые, клопы, трипсы и др.) и полным (бабочки, жуки и др.) превращением. У насекомых с неполным превращением фаза куколки отсутствует, и личинки выходят из яиц похожими на взрослую особь. Насекомые с полным превращением в своем развитии после личиночной проходят фазу куколки, и весь цикл развития завершается фазой взрослой особи. Причем у насекомых с полным превращением личинки мало похожи на взрослую особь. У большинства видов насекомых весь цикл развития проходит в течение одного года. Некоторые виды успевают за этот период дать два и более поколений. Существуют виды, у которых развитие продолжается больше года. Зимуют насекомые в разных

фазах — яйца, личинки, куколки и взрослой особи.

Богат и разнообразен мир насекомых Узбекистана. Он насчитывает более 10 тысяч видов, населяющих пустыни и горы, встречающихся в пещерах и развивающихся в тканях растений, в теле животных. Питаются насекомые в основном растительной пищей — листьями, цветками, плодами и корнями растений. Некоторые виды употребляют животную пищу. Велика роль насекомых в опылении растений, в почвообразовательном процессе. Большую пользу человеку приносят такие насекомые, как медоносная пчела, тутовый шелкопряд. Многие виды насекомых — антофаги — являются полезными, так как уничтожают огромное количество вредителей сельскохозяйственных растений.

Известны также растительноядные насекомые, которые наносят серьезный вред культурным растениям.

Характерной особенностью насекомых Узбекистана является то, что многие роды и виды встречаются только в определенных ландшафтах, данном регионе и являются эндемиками. Большинство из них ведут скрытый образ жизни: зарываются в песок, устраивают норки, развиваются внутри растений и т. п. Днем они прячутся в укрытиях и только ночью выходят на охоту.

Насекомые всюду сопровождают человека — вместе с ним живут в домах, поедают его пищу, одежду (термиты, тараканы, моли, точильщики).

Красота и разнообразие форм делают насекомых интересными объектами для наблюдений, придавая познавательный и эстетический смысл.

Биология многих видов до сего времени остается неизвестной. За последние десятилетия численность многих насекомых значительно сократилась, и они стали редкими. Все это произошло в результате того, что человек, осваивая большие пространства целинных земель, лишил многие виды насекомых их обычных мест обитания, размножения и питания. Кроме того, в результате бессистемного применения ядохимикатов в сельскохозяйственном производстве, а также хищнического сбора коллекционерами редких и красивых видов насекомых (бабочек, жуков и др.) численность их заметно сократилась.

Чтобы сохранить прекрасный мир насекомых, необходимо бережно к ним относиться. Все редкие, эстетически красивые, полезные насекомые подлежат охране. Многие редкие и исчезающие виды насекомых уже занесены в Красные книги ряда стран. Такая книга готовится и в нашей республике. Одна из мер сохранения в природе редких видов насекомых — это устранение бесконтрольного их коллекционирования, особенно исчезающих видов. В природе надо охотиться за редкими насекомыми только с фотоаппаратом.

В этой книге все насекомые сняты с натуры в местах их обитания или питания.





## Кириш

Ҳашаротлар алоҳида синф — Insecta бўлиб, трахеяси орқали нафас олувчи ҳамма олти оёқлиларни ўз ичига олади. Бу синф ўз навбатида туркумларга, оилаларга, авлод ва турларга бўлинади.

Ҳашаротлар хилма-хил ранги, тана тузилиши ва ҳаёт тарзи билан кишини ҳайратлантиради. Улар қарийб 300 миллион йил давомида яшаб келмоқда. Ҳозир дунё бўйича ҳашаротларнинг 1 млн дан ортиқ тури маълум бўлиб, улар ер юзиде ҳамма жойда тарқалган. Улар ерда яшовчи бўғимёқдилардир. Улар ҳар хил жойда: тупроқда, дарахтларда, ўт-ўланлар орасида ва ҳатто, одам яшайдиган жойларда ҳам яшайди.

Ҳашаротлар танасининг ўлчами 0,2 мм дан 7,0—7,5 см гача бўлиб, усти қаттиқ кутикула — хитин билан қўшланган ва уч бўлимдан: бош, кўкрак ва қорин қисмдан иборат. Бошида оғиз органи, мураккаб қўзи ва мўйловлари жойлашган. Кўкраги учта бўғимдан иборат бўлиб, уларга уч жуфт оёқлари ва қанотлари бириккан. Кўпчилик ҳашаротларнинг қаноти икки жуфт бўлади. Қорин қисмида оёқлар бўлмайди, лекин охирида турли хил ўсиқлар — перкалари, грэфелькилари, тухум қўйғичи бўлади.

Ҳашаротлар асосан жинсий йўл билан кўпаяди. Урғочилари уруғланган тухум қўяди. Фақат айрим ҳашаротларда партеногенез йўли билан кўпайиш кузатилади, яъни улар уруғланмасдан тухум қўяди ва тирик туғади. (Шира, хермеслар ва бошқалар.) Ҳашаротлар ривожланишининг икки даври: тухумлик ва тухумдан чиққандан кейинги давр, шунингдек, уч ёки тўртта: тухумлик, қуртлик, ғумбаклик ва вояга етган индивид босқичи фарқ қилинади. Ҳашаротларнинг бу хилдаги ўзгариш билан ривожланиши *метаморфоз* деб юритилади. *Метаморфоз* ҳам икки хил: чала ўзгариш билан ривожланиш (чигирткалар, қандалалар, трипслар ва бошқалар) ва тўлиқ ўзгариш билан ривожланиш (капалаклар, қўнғизлар ва бошқалар) босқичи бўлади. Чала ўзгариш билан ривожланувчи ҳашаротларда ғумбаклик босқичи бўлмайди ва тухумдан вояга етган ҳашаротга ўхшаш личинка (қурт) чиқади. Тўла ўзгариш билан ривожланган ҳашаротлар ривожланиши даврида личинкалик босқичидан кейин ғумбаклик босқичини ўтайди ва бутун ривожланиш цикли вояга етган ҳашарот босқичи билан тугайди. Лекин чала ўзгариш билан ривожланган ҳашаротларнинг қурти вояга етган ҳашаротга жуда кам ўхшайди. Ҳашаротларнинг кўп турида бутун ривожланиш цикли бир йил давомида тугайди. Айрим турлари ана шу давр мобайнида икки марта ва ундан кўпроқ насл беришга улгуради. Шундай турлар ҳам борки, уларнинг ривожланиши бир йилдан ҳам узоққа чўзилади. Ҳашаротлар турли хил ривожланиш босқичида: тухумлик, қуртлик, ғумбаклик ва вояга етган индивид босқичида қишлайди.

Ўзбекистоннинг ҳашаротлар дунёси ниҳоятда бой ва хилма-хилдир. Уларнинг 10 мингдан ортиқ тури бўлиб, чўлларда ва тоғли зоналарда тарқалган. Уларни ҳатто ғорларда, ўсимликлар тўқималарида, ҳайвонлар танасида учратиш мумкин. Ҳашаротлар асосан ўсимлик озиқлар — ўсимликларнинг барги, гули, меваси ва илдизи билан озиқланади. Айрим турлари ҳайвонот озиқларни истеъмол қилади.

Ўсимликларнинг чангланishiда, тупроқ ҳосил бўлишида ҳам ҳашаротларнинг роли ниҳоятда катта. Асалари, тут ипақ қурти каби ҳашаротлар одамга катта фойда келтиради. Ҳашаротларнинг қўн тури (энтомофаглар) фойдали ҳисобланади, чунки улар қишлоқ хўжалик ўсимликларининг жуда кўп зараркундаларини қиради.

Шу билан бир қаторда маданий ўсимликларга жиддий зарар етказадиган ўсимликхўр ҳашаротлар ҳам бор.

Биздаги ҳашаротларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, кўпчилик туркум ва турлари фақат маълум бир ландшафтда, мазкур регионда учрайди ва эндемик ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги яширин ҳаёт кечиради: қумга кўмилиб олади, ин қуради, ўсимликлар органи ичида ривожланади ва ҳоказо. Қундуз кунлари пана жойларга яшириниб олади ва фақат тунда овга чиқади.

Ҳашаротлар ҳамма вақт одам билан бирга бўлади, яъни улар яшайдиган уйларида бўлади, уларнинг овқатига шерик бўлади, кийим-бошини ва бошқаларни ишдан чиқаради (масалан, термитлар, сувараклар, куя капалаклар, ёғоч қуртлари).

Ҳашаротлар гўзаллиги ва шаклининг хилма-хиллиги туфайли билим бериш ҳамда эстетик жиҳатдан кузатиш учун қизиқарли объект ҳисобланади.

Ҳашаротлар кўп турларининг биологияси ҳозиргача номаълум бўлиб қолмоқда. Кейинги ўн йилликлар давомида кўпчилик ҳашаротлар сони бир мунча камайиб кетди ва улар ноёб турларга айланиб қолди. Буларнинг ҳаммаси одам томонидан қўриқ ерларнинг қўшлаб ўзлаштирилиши натижасида ҳашаротларнинг кўп турлари яшаш жойидан, кўпайиш ва озиқланиш жойидан маҳрум бўлишига олиб келди. Булардан ташқари, қишлоқ хўжалигида хилма-хил захарли моддаларни тартибсиз ишлатиш, шунингдек, ҳашаротларнинг ноёб ва чиройли турларини (капалаклар, қўнғизлар ва бошқаларни) коллекция тузиш мақсадида тутиш оқибатида уларнинг сони кескин камайиб кетди.

Шунга қўра, ажойиб ҳашаротлар олами сақлаб қолиш учун уларга жуда эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш керак. Ҳашаротларнинг ноёб, чиройли ва фойдали барча турларини муҳофаза қилиш керак. Уларнинг ноёб ва йўқолиб бораётган кўп турлари бир қатор мамлакатларнинг Қизил китобига киритилган. Бу хилдаги китобни бизнинг жумҳуриятда ҳам нашр этишга тайёргарлик кўриломоқда. Қимки табиатни севар экан ва унинг гўзаллиги ҳақида қайғурар экан, «планетадаги қўшнилариимиз», яъни ҳашаротларга ва бошқа ҳайвонларга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши керак. Табиатдаги ноёб турлар билан фақат фотоаппарат орқали муносабатда бўлиш керак.

Мазкур китобда берилган барча ҳашаротлар ўзи яшайдиган ёки озиқланадиган жойида расмга олинган.





## Класс Насекомые — Insecta

### Насекомые с неполным превращением — Hemimetabola

#### Отряд Стрекозы — Odonoptera

Один из древнейших отрядов насекомых. Насекомые крупные, со стройным вытянутым, яркоокрашенным или блестящим туловищем. Голова большая, подвижная. Глаза огромные, фасеточные. Усики тонкие, короткие. Ротовые органы грызущего типа. Крыльев две пары — больших, прозрачных, с сетчатым жилкованием. Насекомые связаны с водной средой. Размножаются половым путем. Яйца откладывают в воду или на водные растения. Превращение неполное. В отличие от других насекомых развитие личинок длится долго — от 3—4 месяцев до 3—4 лет. Личинки живут в воде, а взрослые особи — на суше. Активные хищники, прекрасные летуны. Взрослые стрекозы ловят насекомых на лету, а личинки уничтожают в воде личинок комаров, мошек и других насекомых, мальков рыб и головастиков. Деятельны в теплое время дня, на солнце. В Узбекистане известно около 100 видов.

## Хашаротлар синфи — Insecta

### Чала ўзгариш билан ривожланадиган хашаротлар — Hemimetabola

#### Ниначилар туркуми — Odonoptera

Хашаротларнинг қадимги туркумларидан бири. Мазкур туркумга мансуб хашаротлар йирик, танаси узун, келишган, ранги тиниқ, ялтироқ бўлади. Боши катта, ҳаракатчан. Қўзи йирик, фасеткали. Мўйлови ингичка калта. Оғиз аппарати кемирувчи типда. Қанотлари икки жұфт, катта, шаффоф бўлиб, томирлари қалин тўр ҳосил қилади. Хашаротлар сув муҳити билан боғлиқ ҳолда яшайди. Жинсий йўл билан кўпаяди. Тухумини сувга ёки сув ўтларига қўяди. Чала ўзгариш билан ривожланади. Ниначилар бошқа хашаротлардан фарқ қилиб, қуртлари (личинкаси) узоқ вақт, яъни 3—4 йилгача ривожланади. Қуртлари сувда, вояга етган индивидлари қуруқда яшайди. Ниначилар яхши учади, актив йиртқич ҳисобланади. Вояга етган ниначилар ҳавода учиб юриб, ўлжасини тутиб олади, қуртлари эса сувда, пашша, чивин ва бошқа хашаротларнинг қуртларини, майда балиқларни ва итбалиқларни ейди. Куннинг иссиқ вақтида ва серқуёш кунда актив бўлади. Ўзбекистонда ниначиларнинг 100 га яқин тури маълум.



#### Семейство Лютки — Lestidae

##### Лютка — *Lestes dryas* Kby

Самая мелкая из стрекоз со стройным узким брюшком длиной 26—30 мм. Тело зеленоватое с бронзовым отливом. Размножается откладкой яиц в ткани водных растений. Личинки ее обитают в воде и резко отличаются

#### Митти йиртқичлар оиласи — Lestidae

##### Митти йиртқич ниначи — *Lestes dryas* Kby

Ниначилар орасида энг майдаси, узунлиги 26—30 мм келади, қорин қисми энсиз ва келишган. Сув ўтлари тўқималарига тухум қўйиб кўпаяди. Қуртлари сувда яшайди ва вояга етган ниначидан кескин фарқ қилади. Сувдаги



ся от взрослых стрекоз. Питаются водными беспозвоночными животными. Взрослые стрекозы — хищники, ловят мелких летающих насекомых, в том числе много кровососущих комаров, слепней, мух. Личинки стрекоз служат кормом для рыб и водоплавающих птиц.

Распространена повсеместно.

умуртқасиз ҳашаротлар билан озиқланади. Вояга етган йиртқич ниначилар учиб юрувчи майда ҳашаротларни тутиб ейди, шу жумладан, кўплаб қон сўрувчи пашша, сўна, чивинларни овлайди. Лекин уларнинг қурти балиқлар ва сувда сузувчи паррандалар учун озиқ ҳисобланади.

Ҳамма жойда тарқалган.



**Симпикна — *Sympycna fusca* Lind.**

Стройная стрекоза. Тело у нее бронзово-бурое, длина брюшка 27—30 мм. Размножается, как и лютка, откладкой яиц на водные растения. Личинки, прожив в водоеме три года и перелиняв несколько раз, выбираются из воды по торчащему стеблю наружу, где постепенно обсыхают. Высохшая на личинке шкурка лопается, и из нее выбирается вполне взрослая стрекоза. Уничтожая массу вредных насекомых (тлей, комаров, слепней), стрекоза приносит большую пользу.

Обитает в Средней Азии вблизи озер

**Симпикна — *Sympycna fusca* Lind.**

Чиройли ниначи. Танаси қўнғир-бронза рангда, қорин қисмининг узунлиги 27—30 мм. Мазкур ҳашарот ҳам лютка сингари, тухумини сув ўтларига қўйиш йўли билан кўпаяди. Қуртлари сув ҳавзаларида уч йил яшайди, бир неча марта туллайди, кейин сувдан чиқиб турган пояга ўтиб олиб, у ерда секин-аста қурийдди. Қуриб қолган қуртнинг териси ёрилади ва ундан тўла вояга етган ниначи чиқади. Ниначилар кўплаб зарарли ҳашаротларни (шира, чивин, сўналарни) қириб, катта фойда келтиради. Ўрта Осиёда дарё яқинида яшайди.



**Семейство Стрелки — *Coenagrionidae***

**Стрелка изящная — *Ischnura elegans* V. d. L.**

Мелкая изящная стрекоза. Личинки развиваются в слабопроточных водах, лужах, канавах. Размножается, как и все стрекозы, откладкой яиц на водные растения. Личинка питается мелкими водными насекомыми.

Распространена в Средней Азии. Обитает на равнинах и в горных районах (в речных долинах).

**Найзасимон ниначилар оиласи — *Coenagrionidae***

**Найзасимон нозик ниначи — *Ischnura elegans* V. d. L.**

Нозик, майда ниначи. Қуртлари секин оқадиган сувларда, кўлмақда, ариқларда ривожланади. Бу ҳам, ҳамма ниначилар сингари, тухумини сув ўтларига қўйиш йўли билан кўпаяди. Қуртлари майда сув ҳашаротлари билан озиқланади.

Ўрта Осиёда тарқалган. Текисликларда ва тоғли районларда (дарёлар соҳилида) яшайди.

**Стрелка голубая — *Enallagma cyathigerum* Charp.**

Мелкая изящная стрекоза. Брюшко длиной 18—27 мм. У самцов оно голубое с черным узором, у самок — светло-бурое. Яйца откладывает в ткани водных растений. Личинки, как и у других видов стрекоз, уничтожают личинок комаров, мокриц и др. В свою очередь сами они служат кормом для рыб и водоплавающих птиц.

Встречается на прибрежных растениях.

Распространена в Средней Азии.

**Зангори найзасимон ниначи — *Enallagma cyathigerum* Charp.**

Нозик, майда ниначи. Қорнининг узунлиги 18—27 мм. Эркагининг қорни зангори, қора нақшли, урғочисиники оч қўнгир тусда. Сув ўтлари тўқимасига тухум қўяди, Қуртлари, ниначиларнинг бошқа турлариники каби чивин, эшакқурт ва бошқалар личинкасини қиради. Ўз навбатида улар ҳам балиқлар ва сувда сузувчи бошқа паррандалар учун озиқ ҳисобланади.

У қирғоқ бўйи ўсимликларида учрайди. Ўрта Осиёда тарқалган.



**Семейство Коромысла — *Aeschnidae***

**Коромысло камышовое — *Aeschna juncea* L.**

Стрекоза крупных размеров, пестроокрашенная. Брюшко длиной 52—59 мм. У самок оно бронзовое, у самцов — черное с голубым и белым рисунком. Личинки крупные, с удлинённым телом. Чаще обитают в стоячих водоемах и реже — в проточных, заросших камышом. Личинки и взрослые насекомые — хищники.

Встречается среди береговой растительности.

**Обкаш ниначилар оиласи — *Aeschnidae***

**Қамиш обкашчиси — *Aeschna juncea* L.**

Бу ниначи йирик, ранги олачипор. Қорнининг узунлиги 52—59 мм. Урғочисининг қорни бронза тусда. Эркагиники қора, нақши зангори ва оқ. Қуртлари йирик, танаси узун, кўшинча оқмай диган қўлмак сувларда, камдан-кам ҳолда қамиш босган оқар сувларда яшайди. Қуртлари ва вояга етган ниначилар йиртқич ҳисобланади.

У қирғоқ бўйи ўсимликларида учрайди. Ўрта Осиёда тарқалган.



**Коромысло синее — *A. cyanea* Müll.**

Очень крупное и сильно подвижное насекомое, хорошо летает. Брюшко (длиной 52—60 мм) синее, крылья зеленовато-голубые. Ночь обычно проводит в застывшем, вялом состоянии на ветке растения. Ловит добычу на лету. Яйца откладывает в воду, в мягкие ткани водных растений, на коряги и другие предметы в воде. Личинки уничтожают в массе личинок комаров, мокрецов, мошек и других насекомых.

Вид широко распространен в Средней Азии.

**Кўк обкашчи — *A. cyanea* Müll.**

Жуда йирик, серҳаракат ҳашарот, яхши учади. Қорин қисми (узунлиги 52—60 мм) кўк, қанотлари яшил-кўк. Тунни ўсимлик шоҳларида бўшашган ва қотиб қолган ҳолда ўтказди. Ўлжасини ҳавода учиб юрган вақтда тутди. Тухумини сувга, сув ўтларининг юмшоқ тўқималарига, сувга ботиб турган тўнқаларга ва бошқа нарсаларга қўяди. Қуртлари чивин, эшакқурт, майда пашша ва бошқа ҳашаротларнинг кўплаб қуртини еб йўқотади.

Мазкур тур Ўрта Осиёда кенг тарқалган.



**Коромысло зеленое — *A. viridis* Ev.**



Крупная стрекоза (длина брюшка 48—54 мм). Грудь с боков зеленая, крылья слабо зеленоватые. Личинки обитают в стоячих водоемах. Лет стрекоз наблюдается в июне-июле. Хорошие летуны, уничтожают большое количество водных и наземных насекомых.

Распространена в северных районах Средней Азии.

**Яшил обкашчи — *A. viridis* Ev.**

Йирик ниначи (қорнининг узунлиги 42—54 мм). Қўқрагининг ён томонлари яшил, қанотлари оч яшил. Қўртлари оқмайдиған кўлмақ сувларда яшайди. Ниначи июнь — июль ойлариди ушиб чиқади. Яхши учади, ер юзасида ва сувда яшайдиган кўплаб ҳашаротларни қиради.

Мазкур ниначи Ўрта Осиёнинг шимолий районларида тарқалган.

**Дозорщик — *Anax* sp.**



Крупная стрекоза. Верх брюшка с темной, продольной, зигзагообразной полосой. Обитает в стоячих водоемах. Яйца откладывает в ткани растения.

Распространена в пустынных районах Средней Азии.

**Назоратчи ниначи — *Anax* sp.**

Йирик ниначи. Қорнининг юқори қисмида қорамтир, чўзиқ, зигзагсимон йўллари бор. Оқмайдиған сув ва ҳавзаларида яшайди. Ўсимликлар тўқимасига тухум қўяди.

Ўрта Осиёнинг даштли районларида тарқалган.

**Семейство Кордулегастры — *Corduligasteridae***

**Булавобрюх заметный — *Corduligaster insignis* Sch.**



Очень крупная яркоокрашенная стрекоза с изменчивым в деталях черным рисунком по желтому полю брюшка. Обитает вблизи горных рек и рек с чистой водой. Лет отмечается с конца мая до конца июля.

Распространена в Средней Азии. Вид редкий, нуждается в охране.

**Кордулегастрлар оиласи — *Corduligasteridae***

**Тўғнағичқорин ниначи — *Corduligaster insignis* Sch.**

Ёрқин рангли, жуда йирик ниначи, қорин қисмининг сариқ рангли юзаси бўйлаб ўтган қоранакши ўзгарувчан. Тоққа яқин дарёларда ва тоза сувли дарёларда яшайди. У май ойи охиридан бошлаб июлнинг охиригача ушиб юради.

Ўрта Осиёда тарқалган. Кам учрайдиған тур. Муҳофаза қилинади.

**Семейство Настоящие стрекозы — *Libellulidae***

**Стрекоза плоская — *Libellula depressa* L.**

Средних размеров; брюшко плоское, красно-бурого цвета. На крыльях большие коричневые пятна. Яйца откладывает на

**Асл ниначилар оиласи — *Libellulidae***

**Яссиқорин ниначи — *Libellula depressa* L.**

Ўртача катталиқда, қорни япалоқ, ранги қизғиш-қўнғир. Қанотларида йирик жигар ранг ҳоллари бор. Сув ўтларига тухум

водные растения. Личинки развиваются в стоячих, слабо проточных водах. Обитает вблизи речек, прудов, небольших озер. Полезна как истребитель вредных кровососов.

Распространена в горных районах.

қўяди. Қуртлари оқмайдиған, секин оқадиган сувларда ривожланади. Кичик дарёлар, ҳовузлар, кичик қўллар яқинида яшайди. Зарарли қон сўрувчиларни қирувчи сифатида фойдали ҳашарот ҳисобланади.

Тоғли районларда тарқалган.



**Ортэтрум — Orthetrum brunneum L.**

Стрекоза средних размеров, с уплощенным и более широким брюшком, без металлического блеска. Яйца откладывает в полете, сбрасывая в воду. Лет стрекоз наблюдается с мая по ноябрь.

Широко распространенный вид в Средней Азии. Обитает в долинах, вдоль горных речек, поднимается даже в горы.

**Ортэтрум ниначиси — Orthetrum brunneum L.**

Ўртача катталиқдаги ниначи, қорин қисми яссиланган ва энига кенг, металл каби ялтироқ эмас. Тухумини учиб юриб сувга ташлайди. Бу ниначининг учиши майдан бошлаб ноябрь ойларида кузатилади.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган тур. Водийларда, тоғ дарёлари бўйлаб яшайди, ҳатто тоғларгача кўтарилади.



**Стрекоза обыкновенная — Sympetrum vulgatum L.**

Окраска тела разнообразная, но не бывает голубой. Личинки обитают в стоячих водах. Крылья буроватые, у основания заднего крыла с небольшим желтым пятном. Лет — с мая по октябрь.

Встречается в долинах рек.

**Оддий ниначи — Sympetrum vulgatum L.**

Танасининг ранги хилма-хил, лекин ҳаворангда бўлмайди. Қуртлари қўлмақ сувларда яшайди. Қанотлари оч қўнғир, орқа қанотининг асосида кичкина сариқ ҳоли бор. Майдан бошлаб то октябрь ойи ичида учиб юради.

Дарё сохилларида учрайди.



**Стрекоза желтоватая — S. flaveolum L.**

Окраска тела желто-бурая. Крылья у основания буроватые с одним желтым пятном у заднего крыла. Личинки обита-

**Сариқ ниначи — S. flaveolum L.**

Танасининг ранги сарғиш-қўнғир. Қанотларининг асоси қўнғир бўлиб, орқа қанотида битта сариқ холи бор. Қуртлари







ют в стоячих и медленно текущих водах, истребляют личинок водных насекомых.

Распространена в Средней Азии. Встречается всюду.

оқмайдиған ва секин оқадиган сувларда яшайди, сув ҳашаротларининг қуртларини қириб йўкотади.

Ўрта Осиёда тарқалган, ҳамма ерда учрайди.



**Стрекоза перевязанная — *S. pedemontanum* All.**

Тело средних размеров; брюшко у самок бурого цвета, у самцов — красное. На вершине передних и задних крыльев желто-бурые перевязи. Личинки и взрослые насекомые — хищники.

Распространена в Средней Азии. Обитает вблизи горных рек.

**Боғичли ниначи — *S. pedemontanum* All.**

Танаси ўртача катталиқда. Ургочисининг қорин қисми қўнғир тусда, эркагиники қизил бўлади. Олдинги ва орқа қанотларининг учида сариқ-қўнғир тусли боғлами бўлади. Қуртлари ва вояга етган ҳашаротлар йиртқичдир.

Ўрта Осиёда тарқалган.

Тоғли дарёлар яқинида яшайди.



**Стрекоза кроваво-красная — *S. sanguineum* Mill.**

Одна из красивых стрекоз. Брюшко толстое, приплюснутое, красно-бурое. Крылья ярко окрашены. Личинки тоже ярко окрашены в красный цвет. Лет взрослых стрекоз наблюдается в мае-августе вблизи горных рек и озёр. Активный хищник.

Распространена в Средней Азии.

**Қизил ниначи — *S. sanguineum* Mill.**

Чиройли ниначилардан бири. Қорин қисми йўғон, япалоқ, қизил-қўнғир тусда. Қанотларининг ранги ёрқин. Қуртлари ҳам очиқ қизил рангда. Вояга етган ниначилар май — август ойларида тоғ дарёлари ва кўлларда учиб юради. Актив йиртқич.

Ўрта Осиёда тарқалган.

**Отряд Таракановые — *Blattoptera***

Насекомые с сильно уплощенным телом средних размеров и плотным наружным покровом. Брюшко удлиненное, 8—10-члениковое, с мягким покровом и на конце несет длинные, обычно членистые перки. Окраска тела от светло-желтой до коричневой. Ротовые органы грызущие. Усики многочлениковые, щетинковидные.

**Сувараклар туркуми — *Blattoptera***

Танаси жуда ясси, ўртача катталиқда, усти қаттиқ қобиқ билан қопланган ҳашарот. Қорин қисми узун, 8—10 бўғимли, усти юмшоқ қоплам билан қопланган ва учида узун, бўғимларга бўлинган церкиларибор. Танасининг ранги оч сариқдан жигар ранггача. Оғиз аппарати кемирувчи типда. Мўйлови кўп бўғимли. қилси-

Ноги бегательные. Крыльев две пары: передние — кожистые, задние — перепончатые. У самок крылья укорочены или отсутствуют. Самцы крылатые, хорошо летают. Размножается самка откладкой оплодотворенных яиц в особые яйцевые мешки (капсулы) — оотеки, которые вынашивает на конце своего брюшка. Тараканы — ночные насекомые. Днем они прячутся в щелях, ведут скрытый образ жизни. Плохо переносят низкие температуры. Одни виды обитают в дикой природе, другие — приспособились жить в жилище человека; уничтожают продукты питания, портят кожаные изделия и являются разносчиками возбудителей инфекционных и других заболеваний.

Очень древняя группа насекомых. В Узбекистане встречается около 20—25 видов таракановых.

мон. Оёқлари югурувчи. Қанотлари икки жуфт: олдингилари қалин терили, орқадагилари пардали. Урғочиларининг қаноти калта ёки бутунлай бўлмайди. Эркаклари қанотли бўлиб, яхши учади. Урғочилари уруғланган тухумини махсус тухум халтачаси (капсулалар)га — оотекага қўйиш йўли билан қўпаяди; халтачаси қорнининг учки қисмида жойлашган. Сувараклар тунги ҳашарот. Кундуз кунлари тирқишларга яшириниб олиб ҳаёт кечиради. Паст ва юқори температурага чидамсиз. Баъзи турлари ёввойи табиатда ҳаёт кечирса, бошқалари турар жойларда хонадонларга мослашиб олиб, озиқ-овқатни йўқ қилади, теридан ишланган буюмларни ишдан чиқаради ва юқумли ҳамда бошқа касаллик қўзғатувчиларни тарқатади.

Ҳашаротларнинг энг қадимги группаси ҳисобланади. Ўзбекистонда суваракларнинг 20—25 га яқин тури учрайди.



### Египетский таракан — *Polyphaga saussurei* Pall.

Характерная особенность этого вида — плоское яйцевидное тело, внешне напоминающее миниатюрных черепашек. Самки бескрылые, коричневой окраски. Длина тела 25—34 мм.

Распространен в Средней Азии. Обитает в пустынях и полупустынях, играет большую роль в пустынных биоценозах. Питается органическими остатками растений и животных. Живет часто в норах грызунов, под кустарниками.

### Миср сувараги — *Polyphaga saussurei* Pall.

Бу суваракнинг ўзига хос хусусияти танасининг ясси тухумсимонлигидир. Ташқи кўринишдан кичкинагина тошбақани эслатади. Урғочилари қанотсиз, жигарранг тусда. Танасининг узунлиги 25—34 мм.

Ўрта Осиёда тарқалган. Чўл ва чала чўлларда яшайди; чўл биоценозида катта роль ўйнайди. Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг органик қолдиғи билан озиқланади. Улар кўпинча кемирувчилар инида ва бугалар тагида яшайди.



### Черный таракан — *Blatta orientalis* L.

Тело длиной 18—30 мм, черное или черновато-бурое, как будто лакированное. Размножается половым путем. Самки таракана выделяют пахучие вещества — феромоны, которыми привлекают самцов, после чего происходит спаривание. Часто спариванию предшествуют брачные танцы. Яйца откладывает в

### Қора суварак — *Blatta orientalis* L.

Танаси (узунлиги 18—30 мм) қора ёки қорамтир-қўнғир, худди лак суртилганга ўхшайди. Жинсий йўл билан қўпаяди. Урғочи сувараклар ҳидли модда — феромонлар ажратади, бу ҳид эркак суваракларни ўзига жалб этади, шундан кейин улар жуфтлашади. Кўпинча бу хилдаги жуфтлашишдан олдин «никоҳ






особые хитиновые капсулы — оотеки. В течение года дает большое число поколений. Личинки растут очень медленно — до 4-х лет. Всеяден. Ведет ночной образ жизни, теплолюбив. Обитает в жилище человека.

Встречается в Средней Азии и южных районах Казахстана.

Ўйинлари» бўлади. Ургочи сувараклар махсус хитинли капсуласига — оотекага тухум қўяди. Ёил давомида сувараклар жуда қўп насл беради. Қуртлари жуда секин — 4 йилгача ўсади. Ҳаммахўр ҳашарот. Иссиқсевар, тунда ҳаёт кечиради. Хонадонларда яшайди.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистоннинг жанубий районларида учрайди.



**Прусак, или Рыжий таракан — Blatella germanica L.**

Один из широко распространенных и встречающихся повсеместно видов тараканов буровато-рыжего цвета с двумя темными полосками на переднеспинке, длиной 10—13 мм. Теплолюбив и не переносит пониженных температур. Обитает в жилище человека, в столовых, пекарнях и других местах. Всеяден. Питается остатками хлеба, овощей, сахара, масла и других продуктов; повреждает кожаные изделия, обои, переплеты книг и др. Яйца откладывает в особые мешочки — оотеки. Ведет скрытый образ жизни. Является разносчиком возбудителей некоторых болезней.

**Сариқ суварак (прус) — Blatella germanica L.**

Суваракларнинг кенг тарқалган ва ҳамма жойда учрайдиган турларидан бири. Ранги оч қўнғир-сариқ, орқасининг олди қисмида 10—13 мм узунликдаги иккита тўқ тусли йўли бор. Иссиқсевар, паст температурага чидамайди. Хонадонларда ошхоналарда, новвойхоналарда ва бошқа жойларда яшайди. Ҳаммахўр ҳашарот. Нон, сабзавот, қанд, ёғ ва бошқа маҳсулотлар қолдиғи билан озиқланади. Теридан тайёрланган буюмларни, гул қоғозларни, китобларнинг муқоваси ва бошқаларни ишдан чиқаради. Махсус халтачасига — оотекага тухум қўяди. Яширин ҳаёт кечиради. Баъзи касалликлар қўзғатувчиларини ташувчи ҳисобланади.



**Отряд Богомолы — Mantoptera**

Древняя, довольно крупная группа насекомых. Тело у них удлиненное, своеобразного строения. Очень подвижная голова с большими выпуклыми глазами почти треугольной формы. Ротовой аппарат грызущий, направлен вниз и немного назад. Усики чаще нитевидные, встречаются еще перистые или гребенчатые. Две пары крыльев хорошо развиты и в покое складываются плоско на спине. Передняя часть груди очень развитая, несет хватательные ноги (бедро и голень, складываясь вместе, образуют

**Бешиктерватлар туркуми — Mantoptera**

Ҳашаротларнинг қадимги анча катта группаси. Танаси узун, ўзига хос тузилган. Боши ўта ҳаракатчан, деярли учбурчак шаклдаги катта қўзлари бўртиб чиққан. Оғиз аппарати кемирувчи типда, пастга ва бир оз орқа томонга йўналган. Мўйловлари кўпинча ипсимон бўлади, шунингдек, патсимон ёки тароқсимонлари ҳам учрайди. Икки жуфт қаноти яхши ривожланган ва тиним ҳолатида уларни орқа томонига ясси қилиб йиғиб олади. Қўкрагининг олди қисми жуда ривожланган, унга тутқич оёқ-

мощный хватательный аппарат, действующий по типу ножниц). Свое название богомолы получили от характерной позы — в покое передние ноги приподняты вверх, прижаты к груди как бы в молитве, голени вложены в бедра наподобие лезвия перочинного ножа. Размножаются половым путем. Самка откладывает яйца в пенный секрет — яйцевой мешок (оотеку), который застывает на воздухе, и прикрепляет его на ветки деревьев. Развитие происходит с неполным превращением.

Богомолы — активные хищники: охотятся за насекомыми, пауками, поджидая их в засаде.

В Узбекистане известно около 18—20 видов богомолов.

**Обыкновенный богомол — *Mantis religiosa* L.**

Крупное насекомое ярко-зеленой, желтой или бурой окраски, которая меняется в зависимости от субстрата. Тело вытянутое, длиной 48—76 мм. Характерной особенностью являются передние хватательные ноги. Размножается откладкой яиц в оотеку, которую прикрепляет на коре и ветках растений. Личинки и взрослые богомолы — хищники, истребляют большое количество вредных насекомых (тлей, саранчовых и др.) и клещей.

Встречается в Средней Азии и Казахстане. Обитает преимущественно в лесах, на лугах и в поймах рек.

**Коротконадкрылый богомол — *Bolivaria brachyptera* Pall.**

Тело длиной 35—45 мм, буровато-серой окраски. Надкрылья короточенные, крылья дымчатые с черно-фиолетовой каймой по

лари бириккан (сон ва болдири биргаликда қайчи типиди таъсир қиладиган тутиш аппаратини ҳосил қилади). Бешиктерватларнинг номи гавдасининг ҳолатига қараб берилган, яъни тиним ҳолатида олдинги оёқлари юқорига кўтарилган, худди номоз ўқиётган сингари кўкрагига босилган, болдири сони билан қаламтарошга ўхшаш ҳолатни эслатади. Жинсий йўл билан кўпаяди. Урғочиси кўшиксимон секретри — тухум халтачасига (оотекага) тухум қўяди, оотека совигандан кейин ҳашарот уни дарахтлар шохига бириктириб қўяди. Тўлиқ ўзгармасдан ривожланади.

Бешиктерватлар актив йирткич: ҳашаротларни, ўргимчакларни овлайди. Уларни яшириниб пойлайди.

Ўзбекистонда бешиктерватнинг 18—20 га яқин тури маълум.

**Оддий бешиктерват — *Mantis religiosa* L.**

Тиниқ яшил, сариқ ёки қўнғир тусли йирик ҳашарот. Уларнинг ранги субстратга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Танаси чўзиқ, узунлиги 46—76 мм. Олдинги оёқлари тутқич оёқлар эканлиги ўзига хос хусусиятидир. Оотекага тухум қўйиб кўпаяди, уларни ўсимликлар пўстлогига ёки шохчаларига бириктириб қўяди. Қуртлари ва воёга етган индивидлари йирткич бўлади, кўшлаб зарарли ҳашаротларни (шира, чигиртка ва бошқаларни), каналарни қиради.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда учрайди. Асосан ўрмонларда ва ўтлоқларда, шунингдек дарёларнинг соҳилларида яшайди.

**Калтақанот бешиктерват — *Bolivaria brachyptera* Pall.**

Танасининг узунлиги 35—45 мм, оч қўнғир-кулранг. Қанотқалқони калта, қанотлари чети қора-бинафша ранг





краю. Хищник, питается различными видами насекомых и других членистоногих. Численность этого вида сильно сокращается. Подлежит охране.

Распространен в Средней Азии. Обитает в злаковополевой и солянковой ассоциациях.

хошияли сурма ранг. Йиртқич. турли ҳашаротлар ва бошқа бўғимоёқлилар билан озиқланади. Мазкур турнинг сони кескин камайиб бормоқда. Муҳофаза қилишга лойиқ.

Ўрта Осиёда тарқалган. Бошоқли галла ўсимликлари, шувоқ ва шўралардан иборат ўтлоқларда яшайди.



### **Древесный богомол — *Hierodula tenuidentata* Sauss.**

Один из крупных видов богомолов с ярко-зеленой окраской тела. Крылья хорошо развиты. На каждом надкрылье имеется резкое непрозрачное белое пятно. Зимует в фазе яйца в оотеках на деревьях. Личинки появляются в середине мая и питаются тлями, клопами и другими мелкими насекомыми. Взрослые нападают на более крупных насекомых — клопов, двукрылых и прямокрылых.


Распространен на юге Узбекистана, Туркменистана и Казахстана. Обитает в поймах рек, тугаях с зарослями туранги, джиды, тополя. Редкий вид, подлежит охране.

### **Дарахт бешиктервати — *Hierodula tenuidentata* Sauss.**

Танаси тиниқ яшил рангли, бешиктерватлар ичида энг йирикларидан бири ҳисобланади. Қанотлари яхши ривожланган. Ҳар қайси қаноти устлигида кескин кўзга ташланадиган тиниқ оқ холи бор. Бу ҳашарот тухумлик даврида оотекасида дарахтларда қишлайди. Май ойининг ўрталарида қурти пайдо бўлиб, шира, қандала ва бошқа майда ҳашаротлар билан озиқланади. Етук қуртлари бирмунча йирик ҳашаротларга — қандала, қўш қанотлилар ва тўғри қанотлиларга ҳам ҳужум қилади.

Ўзбекистон, Туркменистон ва Қозоғистоннинг жанубида тарқалган. Дарё қайирларида, турангил, жийда, теракзордан иборат тўқайларда яшайди. Ноёб тур, муҳофаза қилинади.





### **Эмпуза перистоусая — Empusa pennicornis Pall.**

Окраска тела зеленая или желто-зеленая. У самцов усики гребенчатые; на голове между глазами имеется длинный конусовидный отросток. Прозорливый хищник. Питается крупными насекомыми, которых поджидает в засаде.

Распространена в горах Средней Азии, на юге Казахстана. Украшающий природу вид.

### **Патмўйлов эмпуза — Empusa pennicornis Pall.**

Танаси яшил ёки сариқ-яшил рангда. Ургочиларининг мўйлови тароқсимон, кўзлари ўртасида узун конуссимон ўсиқ жойлашган. Жуда очофат йирткич. Йирик ҳашаротлар билан озиқланади, уларни яшириниб пойлаб ўтиради.

Ўрта Осиёдаги тоғларда, Қозоғистоннинг жанубида тарқалган. Табиатни безайдиган тур ҳисобланади.



### **Отряд Термиты — Isoptera**

Термиты — древняя группа насекомых, имеющих средние размеры. Тело удлиненное, с мягкими покровами. Ротовые органы грызущие. Усики короткие. Две пары крыльев — длинные, сетчатые, одинаково развитые и имеются у самок и самцов только в период брачного лета. Окраска тела бело-кремовая.

Термиты — общественные насекомые, по образу жизни напоминающие муравьев. Живут большими колониями (по нескольку десятков тысяч особей), устраивая гнезда, состоящие из множества камер и ходов, в почве в виде холмов. В их семьях различают самку («царицу»), самца («царя»), множество рабочих особей, у которых недоразвиты глаза или вовсе отсутствуют и недоразвиты половые органы, и солдат, охраняющих гнездо, для которых характерны крупная голова и сильно развитые челюсти, а также кормилиц личинок термитов. Питаются термиты растительной пищей — древесной, сухими листьями и др. Размножается в колонии только одна «царица», откладывающая несколько сот тысяч яиц.

Термиты — обитатели тропических и субтропических стран. В Узбекистане встречаются три вида. Все они причиняют огромный вред, разрушая деревянные постройки, железнодорожные шпалы

### **Термитлар, яъни оқ чумоллар туркуми — Isoptera**

Термитлар ўртача йирик ҳашаротларнинг қадимги группаси. Танаси узун, тери қопламаси майин. Оғиз аппарати кемирувчи типда. Мўйлови калта. Икки жуфт — узун, тўрсимон, бир хилда ривожланган қаноти ургочи ва эркаклариде фақат улар жуфтлашиш учун учган даврда бўлади. Танаси оқоч сариқ рангда.

Термитлар жамоа бўлиб яшайди ва ҳаёт тарзи худди чумолларникига ўхшайди. Катта-катта (бир неча минг индивиддан иборат) колония ҳосил қилади, ўзига кўп хоналардан ва йўллардан иборат, тунроқ дўнглигига ўхшаш инқуради. Улар оиласида ургочиси («малика»), эркаги («подшоҳ») ва кўплаб ишчи термитлар ва солдатлар фарқ қилинади. Ишчи термитларнинг кўзи яхши ривожланмаган ёки умуман кўзи йўқ ва жинсий органлари ривожланмаган: солдатларининг боши катта, жағлари яхши ривожланган бўлади, улар термитлар қуртини боқувчи ҳисобланади. Термитлар ўсимлик озиқлар — ёғоч, қуриган барглари ва бошқалар билан озиқланади. Колонияда фақат битта «малика» кўпайди, у бир неча юз минглаб тухум қўяди.

Термитлар асосан тропик ва субтропик мамлакатларда яшайди. Ўзбекистонда фақат учта ту-



лы, телеграфные столбы и другие конструкции. Для предохранения от повреждений термитами все эти деревянные конструкции пропитывают ядохимикатами.

ри учрайди. Уларнинг ҳаммаси ёғочдан қурилган иморатларни, темир йўл шпаллари, телеграф симёғочлари ва бошқа конструкцияларни ишдан чиқариб, жуда катта зарар етказади. Термитлардан муҳофаза қилиш мақсадида ёғоч конструкцияларнинг ҳаммасига заҳарли химикатлар шимдирилади.



**Туркестанский термит — Anacanthofermes turkestanicus Jacobs.**

Живет большими колониями в несколько десятков тысяч особей; гнезда устраивает в почве, и они незаметны снаружи. Их можно найти по большим круглым плешинкам на зеленом фоне травы. В природе питается сухими растениями. В городах и других поселениях сильно повреждает деревянные постройки, железнодорожные шпалы, телеграфные столбы, в домах — мебель, книги, одежду и др.

Распространен в Средней Азии. В Узбекистане встречается повсеместно — в пустынях, полупустынях, городах и поселках (в Намангане, Ферганской области, Джизаке, Қарши, Термезе).

**Туркистон термити — Anacanthofermes turkestanicus Jacobs.**

Бир неча ўн минг индивиддан иборат катта-катта колония бўлиб яшайди, инини ерга қуради, у устки томондан деярли сезилмайди. Уларни ўтларнинг яшил фонидаги айлана шаклдаги очиқ жой бўйича топиш мумкин. Улар қуриган ўсимликлар билан озиқланади. Шаҳарларда ва бошқа манзилгоҳларда ёғочдан қурилган биноларга, темир йўл шпалларига, телеграф симёғочларига, уйларда мебель, китоблар, кийим-бош ва бошқа буюмларга жиддий зарар етказиши.

Ўрта Осиёда тарқалган. Ўзбекистонда ҳамма жойда — чўл, чала чўлларда, шаҳарлар ва бошқа манзилгоҳларда (Наманганда, Фарғона водийсида, Жиззах ва Қаршида, Термизда) учрайди.



**Отряд Прямокрылые — Orthoptera**

Насекомые с неполным превращением, прыгающие и летающие. Тело у них удлинённое, ротовой аппарат грызущего типа. Передние крылья кожистые, плотные; задние — широкие, перепончатые, с хорошо развитым продольным жилкованием, сетчатые, складываются веерообразно. Задние ноги прыгательного типа. У самок на конце брюшка имеется яйцеклад. У некоторых видов передние ноги копательные (у медведок). У прямокрылых насекомых развиты слуховые и звукопроизводящие органы. Слуховой аппарат располагается на голених передних ног. Звуки происходят от тре-

**Тўғри қанотлилар туркуми — Orthoptera**

Чала ўзгариш билан ривожланадиган, сакраб-сакраб юрадиган ва учадиган ҳашарот. Танаси узун, оғиз аппарати кемирувчи типда. Олдинги қанотлари қалин, пишиқ, орқа қанотлари эса кенг, пардасимон бўлиб, узунасига кетган томирлари яхши ривожланган, тўрли, елпигичсимон йиғилади. Орқа оёқлари сакровчи типда. Урғочилари қорин қисмининг учиди тухум қўйгичи бўлади. Айрим турларида олдинги оёқлари қазувчи типда (бузоқбошда). Тўғри қанотли ҳашаротларнинг эшитиш ва товуш чиқариш органлари яхши ривожланган. Эшитиш аппарати олдинги

ния надкрылий (у кузнечиков и сверчков) или надкрылий и бедер задних ног (у саранчовых). Размножаются половым путем. Большинство видов растительноядные, некоторые употребляют как растительную, так и животную пищу.

Прямкрылые подразделяются на два подотряда — длинноусых и короткоусых и четыре надсемейства: кузнечиковые, сверчковые, триперстовые и саранчовые. В Узбекистане встречается более 300 видов прямокрылых насекомых.

оёқларининг болдирида жойлашган. Товуш эса қанот қалқонларининг (чигиртка ва чирилдоқларда) ёки қанот қалқонлари билан орқа оёқларининг ишқаланишидан (чигирткаларда) ҳосил бўлади. Жинсий йўл билан кўпаяди. Кўпчилик тури ўсимликхўр бўлиб, айримлари ҳам ўсимлик, ҳам ҳайвонот озиги билан озиқланади.

Тўғри қанотлилар иккита кенжа туркумга — узун мўйловлилар ва калта мўйловлиларга ҳамда тўртта катта оилага: темирчаклар, чирилдоқлар, учбармоқлилар ва чигирткаларга бўлинади.

Ўзбекистонда тўғри қанотлиларнинг 300 дан ортиқ тури учрайди.



## Надсемейство кузнечиковые — Tettigonioidae

**Зеленый кузнечик — Tettigonia viridissima L.**

Довольно крупный вид, с длинными усиками и мягкими надкрыльями. Размножается откладкой яиц на поверхность растений или внутрь их. Характерная особенность кузнечиков — длинные нитевидные усики и наличие звукового аппарата — органа стрекотания, расположенного у основания надкрылий. Питается как растительной, так и животной пищей. Известен как вредитель многих сельскохозяйственных культур.

Распространен в Средней Азии. Обитает в предгорной, равнинной зонах среди травянистой растительности.

## Темирчаклар катта оиласи — Tettigonioidae

**Яшил темирчак — Tettigonia viridissima L.**

Анча йирик, мўйлови узун ва қанот қалқонлари юмшоқ тур. Ўсимликлар устига ва уларнинг ичига тухум қўйиш йўли билан кўпаяди. Унинг ўзига хос хусусияти мўйловининг узун ипсимон бўлиши ва товуш чиқарувчи аппарати — қанот қалқони асосида жойлашган чириллаш органининг мавжудлигидир. Ўсимлик озиқлар билан ҳам, ҳайвонот озиқлар билан ҳам озиқланади. Жуда кўп экинлар зараркунадаси сифатида маълум.

Ўрта Осиёда тарқалган. Тоғ этакларида ва текисликларда ўтлар орасида яшайди.



**Серый кузнечик — Decticus verrucivorus L.**

Крупный вид. Тело длиной 29—39 мм, темно-зеленого цвета с большим количеством бурых пятен. Размножается откладкой яиц (по 50—70 штук) на различных частях стебля растений. Всеяден:

**Кулранг темирчак — Decticus verrucivorus L.**

Йирик ҳашарот. Танасининг узунлиги 29—39 мм, ранги тўқ яшил, қўнғир рангдаги ҳоллари кўп. Тухумини (50—70 тадан қилиб) ўсимликларнинг ҳар хил поясига қўйиш йўли билан



питаются травой и мелкими насекомыми. Иногда наносит вред виноградникам, садам и огородно-полевым культурам.

Встречается в равнинной, предгорной и горной зонах. Селится на открытых освещенных местах — на лугах, лесных полянах, в садах.

кўпаяди. Ҳаммахўр: ўтлар ва майда ҳашаротлар билан озиқланади. Баъзан тоқзорларга ва боғларга ҳамда дала экинларига зарар етказиши.

Текисликларда, тоғ этакларида ва тоғли зоналарда тарқалган. Ёруғ тушиб турадиган очик жойларда — ўтлоқлар, ўрмон ялангликлари ва боғларда ҳам яшайди.



#### **Короткокрылый кузнечик — *Metrioptera* sp.**

Небольшой кузнечик (длиной 12—18 мм) бурого цвета. Надкрылья укороченные, обычно двухцветные — зеленые с бурым. Крылья у самки отсутствуют.

Распространен в горных районах Средней Азии в местобитаниях со злаково-эфемеровой растительностью.

#### **Калтақанот темирчак — *Metrioptera* sp.**

Танасининг узунлиги 12—18 мм, ранги қўнғир бўлган ўртача йирик ҳашарот. Қанот қалқони калта, одатда, икки хил рангда — қўнғир ва яшил. Ургочисининг қаноти бўлмайди. Ўрта Осиёдаги тоғли районларда тарқалган бўлиб, бошоқли-эфемер ўсимликлар орасида яшайди.



#### **Надсемейство сверчковые — *Grylloidea***

#### **Сверчок степной — *Gryllus desertus* Pall.**

Насекомое длиной 20—25 мм, темноокрашенное: голова и тело черные, надкрылья буро-черные. Бедра задних ног утолщенные. Живет на поверхности земли или в норках. Размножается откладкой до 500 яиц в землю. Питается стеблями огородных, полевых и бахчевых культур, нанося тем самым значительный вред, а также дикорастущих растений. У этого сверчка имеется звуковой аппарат, располагаемый на надкрыльях. Звук происходит в результате трения правого надкрылья (как смычком) о левое. Поют самцы.

Встречается в Средней Азии повсеместно — на поливных землях, в пустыне, степях и лугах.

#### **Чирилдоқлар, яъни қора чигирткалар катта оиласи — *Grylloidea***

#### **Чўл чирилдоғи — *Gryllus desertus* Pall.**

Тело у него длиной 11—14 мм, продолговато-овальное, цвет изменчивый — от буроватого до красно-бурого. Боковые углы переднеспинки острые, вытянутые и приподнятые. Питается злаковыми, люцерной, дикой растительностью. Размножается, как и все другие виды щитников, откладкой яиц на кормовых растениях. Повреждает зерновые, овоще-бахчевые культуры, люцерну.

Встречается в Средней Азии, Казахстане — в равнинной и предгорной зонах.

**Ўткирелка қандала — *Carpocoris fuscispinus* Boh.**

Танасининг узунлиги 11—14 мм, чўзиқ овалсимон шаклда, ранги ўзгарувчан — оч қўнғирдан қизил-қўнғиргача. Орқасининг олдинги ён қирралари ўткирлашган, чўзиқ ва юқорига кўтарилган. Ғалладошлар, беда ва бошқа бегона ўтлар билан озиқланади. Бошқа барча қалқондорлар сингари тухумини емхашак ўсимликларига қўйиш йўли билан кўпаяди. Бошоқли ғалла сабзавот-полиз экинлари, бедага зарар етказади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон — текисликларда ҳам тоғ олди зоналарида учрайди.

**Древесный клоп — *Aphodius integriceps* Horv.**

Тело у него длиной 16—18 мм, продолговатое, окрашено под цвет коры деревьев — от желтоватого до бурого. Яйца откладывает на деревьях и кустарниках. Питается соками листьев и молодых побегов деревьев — тополя, ивы, джиды, чинары.

Распространен в Средней Азии. Эндемик туранской фауны. Характерные места обитания — древесно-кустарниковая растительность, плодовые сады, тугай.

**Дарахт қандаласи — *Aphodius integriceps* Horv.**

Танасининг узунлиги 16—18 мм, чўзиқ, дарахт пўстлоғи рангида, яъни сарғишдан то қўнғир тусгача. Дарахт ва буталарга тухум қўяди. Дарахтларнинг — терак, тол, жийда, чинорнинг барги ва ёш новдалари билан озиқланади.

Ўрта Осиёда тарқалган. Турон фаунасининг эндемик тури ҳисобланади. Характерли яшаш жойи дарахт-буталар, мева боғлари ва тўқайлардир.



**Отряд жесткокрылые, или Жуки — *Coleoptera***

Отряд объединяет самое большое количество видов насекомых. Передние крылья, или надкрылья, у жуков плотные и жесткие (хитинизированные). Крылья второй пары перепончатые, используются для полета (в свободном состоянии сложены под надкрыльями). Ротовые органы грызущего типа. Окраска тела яркая и красивая (преобладают металлически синие или зеленые тона). Превращение полное (различают фазы яйца, личинки, куколки и взрослой особи). Размножаются только половым путем. Откладывают оплодотворенные яйца. Питаются как растительной, так и животной пищей. Личинки развиваются в воде, почве, тканях и корнях растений. Некоторые виды являются хищниками — поедают насекомых, клещей; другие — потребляют разлагающиеся органические вещества, навоз, трупы; паразитируют на насекомых и позвоночных животных, питаются пылью на цветках. Активны днем, в сумерках и ночью. Зимуют в разных фазах: яйца, личинки, куколки и взрослой особи.

В Узбекистане встречаются 2700 видов жуков, объединенных в 60 семейств.

**Қаттиқ қанотлилар, яъни қўнғизлар туркуми — *Coleoptera***

Мазкур туркумга ҳашаротларнинг жуда кўп турлари бирлашган. Қўнғизларнинг олдинги қанотлари, яъни қанот қалқонлари пишиқ ва қаттиқ (хитинлашган) бўлади. Иккинчи жуфт қанотлари пардасимон бўлиб учигга хизмат қилади (бўш вақтида улар қанот қалқони остига йиғилиб туради. Оғиз органлари кемирувчи типда. Танасининг ранги тиниқ ва жуда чиройли (кўпинча металл сингари кўк ёки яшил товланади). Тўлиқ ўзгариш билан ривожланади. Фақат жинсий йўл билан кўпаяди. Уруғланган тухум қўяди. Ўсимлик озиқ билан ҳам, ҳайванот озиқ билан ҳам озиқланади. Қуртлари сувда, тупроқда, ўсимликлар тўқимасида ва илдизида ривожланади. Айрим турлари ҳашаротлар, каналар ва бошқаларни қиради: бошқалари чириётган органик моддалар, гўнг, ўлимтиқлар билан озиқланади; ҳашаротларда ва умуртқали ҳайвонларда паразитлик қилади, ўсимлик гулининг чанги билан озиқланади. Кундузи, кечқурун ва тунда актив бўлади. Тухумлик, қуртлик, гумбаклик ва етилган босқичида қишлайди.

Ўзбекистонда қўнғизларнинг 2700 тури учрайди, улар 60 та оилага бирлаштирилган.





**Подотряд Плотоядные жуки — Aderphaga**

**Семейство Жужелицы — Carabidae**

**Красотел пахучий — *Calosoma sycophanta* L.**

Красивый жук сине-зеленой окраски с металлическим отливом. Длина тела 24—32 мм. Размножается откладкой оплодотворенных яиц в почву. Личинки и жуки питаются гусеницами непарного шелкопряда, златогузки и других чешуекрылых. Этот вид полезен, так как уничтожает большое количество гусениц вредных чешуекрылых, особенно непарного шелкопряда. Численность этого вида с каждым годом значительно сокращается.

Встречается в лесных насаждениях, горных садах. Нуждается в охране.

**Этхўр кўнғизлар кенжа туркуми — Aderphaga**

**Визилдоқ кўнғизлар, яъни тошқоллар оиласи — Carabidae**

**Ҳидли сулув кўнғиз — *Calosoma sycophanta* L.**

Металл сингари товланадиган кўк-яшил тусли жуда чиройли кўнғиз. Танасининг узунлиги 24—32 мм. Уруғланган тухумини тупроққа қўйиш йўли билан кўпаяди. Қуртлари ва кўнғизлари ток ипак қуртлари, тилла кўнғиз ва бошқа тангақанотлилар билан озиқланади. Бу ҳашарот фойдали, чунки кўплаб зарарли тангақанотли кўнғизларнинг қуртларини, айниқса ток ипак қуртларини қириб йўқотади. Унинг сони йил сайин камайиб кетмоқда.

Ўрмон дарахтзорларида, тоғдаги мева боғларида учрайди. Муҳофаза қилинади.



**Красотел пустынный — *C. deserticola* Sem.**

Красивый жук темно-бронзового цвета с металлическим отливом. Длина тела 20—22 мм. Личинки и взрослые жуки охотятся за гусеницами совок, личинками жуков, клопами и другими насекомыми. Приносят большую пользу, уничтожая вредные виды насекомых и поддерживая баланс в природе. Численность этого вида также сильно сократилась. Подлежит охране.

Эндемик пустынь Средней Азии. Характерен для закрепленных песков, хотя отмечается и на более плотных почвах.

**Сахро сулув кўнғизи — *C. deserticola* Sem.**

Металл сингари товланадиган тўқ бронза рангли чиройли кўнғиз. Танасининг узунлиги 20—22 мм. Қуртлари ва воёга етган индивидлари тунламлар ғумбаги, кўнғизлар қуртини, каналар ва бошқа ҳашаротларни овлайди. Кўплаб зарарли ҳашаротларни қириб, фойда келтиради ва табиатда ҳашаротлар балансини бир хилда сақлайди. Бу турнинг сони ҳам кескин камайиб кетмоқда. Шунга кўра уни муҳофаза қилиш керак.

Ўрта Осиё чўлларидаги эндемик тур ҳисобланади. Анча зич тупроқли ерларда учрашига қарамай, мустаҳкамланган қумликлар учун хос бўлган ҳашаротдир.

**Скарит песчаный — *Scarites bucida* Pall.**

Крупный черный жук с длинным телом (32—41 мм) и приспособленными к рытью передними ногами (копательными). Голова

**Қум скарити — *Scarites bucida* Pall.**

Танаси узун — 32—41 мм бўлган ва олдинги оёқлари ер қазишга мослашган қора рангли йирик кўнғиз. Боши жуда катта,

очень большая с сильными жвалами. Днем прячется в вырытой в песке норке, а ночью выходит на охоту. Личинки и взрослые жуки — активные хищники, уничтожающие большое количество вредных насекомых и других членистоногих.

Распространен в Средней Азии — в пустынях Кызылкум и Каракумы.

юқориги жағлари яхши ривожланган. Кундузи қумларни қовлаб қурган инида яшириниб ётади, тунда овга чиқади. Қуртлари ва вояга етган қўнғизлари актив йиртқич бўлиб, қўплаб зарарли ҳашаротларни ва бошқа бўғимоёқдиларни қиради.

Ўрта Осиёда — Қизилқум ва Қорақумда тарқалган.



**Скарит степной — *Scarites terricola* Bon.**

Довольно крупный жук с удлиненным телом (28—40 мм), черного цвета. Голени передних ног копательные, с зубцами по краям. Активный хищник, уничтожает много видов насекомых.

Встречается в Средней Азии, Казахстане — на песчаных почвах.

**Чўл скарити — *Scarites terricola* Bon.**

Танасининг узунлиги 28—40 мм бўлган, ранги қора, йирик қўнғиз. Олдинги оёқларининг болдири қиррасида жойлашган тишлари билан ер қазिशга мослашган. Актив йиртқич, қўплаб ҳашарот турларини қиради.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда қумли ерларда учрайди.



**Жужелица гигантская — *Anthia mannerheimi* Chaud.**

Одна из крупных жужелиц (длина тела 40—53 мм), блестяще-черной окраски. На передней груди и надкрыльях у нее по два крупных белых пятна. Уничтожает саранчовых, клопов, жуков и других членистоногих.

Эндемик песчаных пустынь (Каракумов и Кызылкума) Средней Азии. Редкий, исчезающий вид, подлежит охране.

**Катта визилдоқ қўнғиз — *Anthia mannerheimi* Chaud.**

Йирик визилдоқ қўнғизлардан бири (танасининг узунлиги 40—53 мм), ялтироқ қора рангли. Олд кўкрагида ва қанот қалқони устида иккитадан йирик оқ рангли холи бор. Чигиртка, қандалаларни, қўнғизлар ва бошқа бўғимоёқдиларни қиради.

Ўрта Осиёнинг қумли чўллари (Қорақум ва Қизилқум)даги эндемик тур. Сони камайиб бораётган ноёб тур. Уни муҳофаза қилиш керак.



**Карабус — *Carabus* sp.**

Жук средних или крупных размеров, черной окраски, с металлическим блеском. Крылья недоразвиты, поэтому не летает. Активен в сумерках и ночью.

Большинство видов (около 100) — обитатели гор Средней Азии.

**Карабус визилдоғи — *Carabus* sp.**

Йирик ёки ўртача йирик, ранги қора, металл каби ялтироқ қўнғиз. Қанотлари тўлиқ ривожланмаган, шунинг учун учмайди. Кечқурун ва тунда актив бўлади.

Қўпчилик (100 га яқин) тури Ўрта Осиёдаги тоғларда яшайди.





**Феруловая жужелица — *Machozethus lehmani* Men.**

Крупная жужелица (длина тела 42—49 мм), черно-бурого цвета, с большой головой, продолговатой формы. Жизнь и развитие этого вида проходит в почве, в особых норках, на глубине до 10 см. В норки жук откладывает яйца и затаскивает семена для кормления будущих личинок. Питается семенами ферулы, тем самым препятствует возобновлению этих растений.

Обитает в пустынях и горах, где произрастает крупное зонтичное растение — ферула (каврак). Эндемик Средней Азии.

**Коврак визилдоғи — *Machozethus lehmani* Men.**

Танасининг узунлиги 42—49 мм, қора-қўнғир рангдаги боши катта ва чўзиқ бўлган йирик визилдоқ қўнғиз. Бу турнинг ҳаёти ва ривожланиши тупроқда, 10 см гача бўлган чуқурликдаги махсус инида ўтади. Қўнғизлар тухумини ана шу инига қўяди ва келажак авлодини боқиб учун уруғларни шу ерга ташиб қиради. Коврак уруғлари билан озиқланади, шу билан мазкур ўсимлик турининг кўнайишига тўқинлик қилади.

Соябонғули ўсимлик бўлган коврак ўсадиган чўлларда ва тоғларда яшайди. Ўрта Осиёнинг эндемик тури ҳисобланади.



**Скакун десятипятнистый — *Cicindela decempustulata* Men.**

Очень подвижный жук яркого зеленого цвета с белыми пятнами на надкрыльях. Длина тела 14—16 мм. Размножается откладкой яиц. Личинки развиваются в почве, где выкапывают себе вертикальную норку и поджидают жертву. Питается разными видами насекомых, принося тем самым пользу.

Встречается в южных районах по берегам водоемов, на открытых местах, речных отмелях.

**Сакровчи қўнғиз — *Cicindela decempustulata* Men.**

Ранги тиниқ яшил, қанот қалқонида йирик оқ холлар бўлган жуда ҳам ҳаракатчан қўнғиз. Танасининг узунлиги 14—16 мм. Тухум қўйиб қўпаяди. Қуртлари тупроқда ривожланади. У ерда тик ин қуради ва ўлжани пойлаб ётади. Ҳар хил ҳашаротлар билан озиқланиб, катта фойда келтиради.

Жанубий районларда сув ҳавзалари бўйида, очик жойларда ва дарёларнинг саёз қирғоқларида учрайди.



**Семейство Водолюбы — *Hydrophilidae***

**Водолюб черный — *Hydrous aterinus* L.**

Крупный жук (длина тела 34—40 мм) овальной формы, блестяще-черной окраски. Усики булавовидные. Задние ноги плавательные. Размножается откладкой яиц, заключенных группой в особую яйцевую оболочку, которую прикрепляет к водным растениям. Личинки-хищники охотятся за рачками, личинками насекомых, червями, а жуки питаются растительными

**Сувсеварлар оиласи — *Hydrophilidae***

**Қора сувсевар — *Hydrous aterinus* L.**

Овал шаклдаги йирик (танасининг узунлиги 34—40 мм) қўнғиз. Ранги қора, ялтироқ. Мўйлови тўғноғичсимон. Орқа оёқлари сузувчи. Тухумини махсус тухум қобиғига тўп-тўп қилиб ўралган ҳолда сув ўсимликларига бириктириб қўяди. Йиртқич қуртлари қисқичбақаларни, турли ҳашаротлар қуртини тутиб ейди, чувалчанларни овлайди, қўнғизлари эса ўсимликлар қол-

остатками. Приносят пользу тем, что уничтожают личинок множества вредных насекомых (комаров, мошек и др.).

Встречается в Средней Азии. Обитает в водоемах со стоячей водой.

диги билан озиқланади. Қўплаб зарарли ҳашаротлар (чивин, пашша ва бошқалар) қуртини қириб фойда келтиради.

Ўрта Осиёда учрайди. Суви оқмайдиган сув ҳавзаларида яшайди.

### Семейство Мертвоеды — *Silphidae*

**Могильщик-изыскатель — *Necrophorus investigator* Zett.**

Жук среднего размера (длина тела 11—24 мм), черной окраски. Надкрылья с двумя поперечными оранжевыми полосами не закрывают все брюшко. Взрослые особи и личинки являются санитарами, так как питаются падалью, чем способствуют ликвидации трупов. Яйца откладывает в трупы мелких зверьков, птиц, которых затем закапывает в почву.

Встречается в Средней Азии и Казахстане — в самых разнообразных ландшафтах.

### Ўлимтиқхўрлар оиласи — *Silphidae*

**Гўрков-қидирувчи қўнғиз —  
*Necrophorus investigator* Zett.**

Ўртача йирик (танасининг узунлиги 11—24 мм), ранги қора қўнғиз. Қанот қалқонида тўқ сариқ тусли иккита йўли бор, у қорин қисмини тўлиқ қопламайди. Вояга етган индивидлари ва қуртлари санитар ҳисобланади, чунки улар ўлимтиқлар билан озиқланади, шу билан ўлак-саларни йўқ қилади. Тухумини ҳам майда йиртқичлар, қушларнинг ўлимтигига қўяди ва кейин уларни тупроққа кўмиб қўяди.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда хилма-хил ландшафтда учрайди.



### Семейство Карапузики — *Histeridae*

**Карапузик большой — *Pachyscelis inaequalis* Ol.**

Тело длиной 10—13 мм, голое, блестящее, черного цвета. Селится в навозе. Питается различными растительными остатками, падалью, пометом животных, а также уничтожает личинок мух и других насекомых, развивающихся в навозе. Полезен как санитар.

Распространен в горах Средней Азии.

### Дўмбоқ қўнғизлар оиласи — *Histeridae*

**Катта дўмбоқ қўнғиз — *Pachyscelis inaequalis* Ol.**

Танасининг узунлиги 10—13 мм, туксиз, қора, ялтироқ. Асосан гўнгда бўлади. Ҳар хил ўсимликлар қолдиги, ўлимтиқлар, ҳайвонлар нажаси билан озиқланади, шунингдек, пашша ва бошқа ҳашаротларнинг гўнгда ривожланаётган қуртларини қиради. Санитар сифатида фойдали.

Ўрта Осиёдаги тоғларда тарқалган.



### Семейство Пластинчатые — *Scarabaeidae*

**Кравчик черный — *Lethrus rosmarus* Ball.**

Жук средней величины (длина тела 14—22 мм), черный, блестящий. Голова большая, снабжена сильными жвалами. Грудь широкая, поперечная. Бу-

### Пластинка мўйловлилар оиласи — *Scarabaeidae*

**Дастурхончи қўнғиз — *Lethrus rosmarus* Ball.**

Ўртача йирик, танасининг узунлиги 14—22 мм, ранги қора, ялтироқ қўнғиз. Боши катта, юқориги жағи кучли ривожланган. Қўкраги кенг, кўндалангига



лава усиков бокаловидная. Селится по краям посевов богарных зерновых культур. Живет в глубоких вертикальных норках. Лет начинается ранней весной. Питается, подгрызая молодые всходы злаков и других растений, тем самым сильно вредит полям, огородам, пастбищам. Особенно страдают от него пропашные культуры (кукуруза, подсолнечник).

Распространен в Средней Азии. В Узбекистане обитает в пустынной и предгорной зонах.



#### Кравчик-головач — *L. apterus* L.

Жук средней величины (длина тела 15—24 мм), черный. Голова очень большая, резко отделена от груди. Жвалы крупные, с роговидными придатками. Самцы имеют отростки на челюстях — зубцы-рога, которыми пользуются в драке между собой. Питается растениями, срезая части их и запасая в норках, подготовленных для развития личинок. Этим он наносит большой вред сельскохозяйственным культурам.

Встречается в Средней Азии. Обитает в пустынной и степной зонах, часто селится по краям посевов зерновых и других культур.

жойлашган. Чўдмоқ мўйловининг ён томонлари бокалсимон кўринишда. Баҳорикорликда галла экинлари майдони атрофида, ўзи ерга чуқур қилиб қурган тик инда яшайди. Эрта баҳорда учиб чиқади. Бошоқли ва бошқа ўсимликларнинг ёш ниҳолларини кемириб, дала, полиз ва яйловларга катта зарар етказиши. Қатор оралари ишланадиган экинлар (маккажўхори, кунгабоқар) бу ҳашаротдан айниқса қаттиқ зарарланади.

Ўрта Осиёда тарқалган. Ўзбекистонда чўл ва тоғ олди зоналарида яшайди.

#### Каттабош дастурхончи кўнғиз — *L. apterus* L.

Ўртача йирик (танасининг узунлиги 15—24 мм), ранги қора кўнғиз. Боши жуда катта бўлиб, кўкрак қисмидан кескин ажралиб туради. Жағлари ҳам йирик, шохсимон ўсиқлар бор.

Ургочиларининг жағларида шох-тишлар бўлиб, улар бири билан уришганда ана шу тишларини ишга солиди. Ўсимликлар билан озиқланади. Ўсимликларнинг бир қисмини қирқиб олиб, қуртларини боқиб учун инига ғамлаб қўяди. Шу йўл билан улар қишлоқ хўжалик экинларига катта зарар етказиши.

Ўрта Осиёда Чўл ва дашт зоналарида кўпинча галла ва бошқа экинлар экилган майдонлар атрофида учрайди.



#### Навозник гигантский — *Synapsis fmolus* Sols.

Один из крупных видов навозников. Тело широкое, овальное, темно-коричнево-черное, длиной 42—50 мм. Наличник с зубцами на переднем крае. Переднеспинка с буграми. Передние ноги копательные. Питается навозом. Лепит крупные навозные шары, в которые откладывает яйца, а затем закапывает их в норку. Приносит пользу, обогащая пустынные почвы гумусом.

Встречается в Средней Азии — в пустынях и полупустынях, в местах выпаса скота.

#### Катта гўнғўнғиз — *Synapsis fmolus* Sols.

Гўнғўнғизларнинг йирик турларидан. Танаси кенг, овал шаклда, тўқ жигарранг-қора, узунлиги 42—50 мм. Часнак шох олдинга бўртиб чиққан. Орқасининг олдинги қисми бўртикли. Олдинги оёқлари қазувчи тишда тузилган. Гўнғ билан озиқланади. Йирик гўнғ шарчасини бир-бирига ёпиштириб, уларга тухум қўяди, кейин уни инига кўмиб яширади. Чўл тупроқларини чириндига бойитиш билан фойда келтиради.

Ўрта Осиёда чўл ва чала чўл зоналарда, чорва моллари ўтлатиладиган жойларда учрайди.

**Лунный копр — *Copris lunaris* L.**

Жук средних размеров (длина тела 17—23 мм), продолговато-овальной формы, блестяще-черный. Наличник у самцов с длинным изогнутым, а у самок с коротким и тупым «рогом». Передний край передне-спинки без выемки. Питается навозом. Лепит из него 3—4 «груши», куда откладывает по яйцу, и закапывает их в норку. Личинки питаются и растут внутри груши.

Распространен в Средней Азии — в пустынной и предгорной зонах.

**Ялтироқ гўнқўнғиз — *Copris lunaris* L.**

Ўртача йирик (танасининг узунлиги 17—23 мм), шакли чўзиқ-овал, ранги қора, ялтироқ қўнғиз. Эркак қўнғизнинг часпак шохи узун, урғочилариники калта ва тўмтоқ. Орқасининг олдинги қирраси ўйиқсиз. Гўнг билан озиқланади. Гўнгдан 3—4 та «нокча» ясаб, уларга биттадан тухум қўяди ва кейин уларни инига қўмиб яширади. Қўртлари ҳам ана шу «нокчалар» ичида озиқланади ва ривожланади.

Ўрта Осиёда чўл ва тоғ олди зоналарида тарқалган.



**Копр испанский — *C. hispanus* L.**

Этот вид копра по размерам несколько больше лунного и встречается чаще. Передне-спинка с выемкой. Длина тела 18—24 мм. У самцов длинный, сильно изогнутый вовнутрь рог, у самки он отсутствует. Строит норки там, где находится навоз, и, зарываясь в него, съедает его полностью. Для личинок отыскивает мягкий овечий навоз и сразу зарывает его. В подземной камере из него лепит 3—4 «груши», куда откладывает по яйцу, остается их охранять.

Распространен в Средней Азии — в пустынной и предгорной зонах.

**Испан гўнқўнғизи — *C. hispanus* L.**

Қўнғизнинг бу тури ялтироқ гўнқўнғизига қараганда бир оз йирикроқ ва унга қараганда қўпроқ учрайди. Орқасининг олд қисми ўйиқли. Танасининг узунлиги 18—24 мм. Урғочисининг шохлари бўлмади. Эркаклариники узун бўлиб, олд томонга қучли эгилган. Гўнг бор жойга ин қуради ва унинг ичига ковлаб кириб олиб, гўнгни бутунлай еб битиради. Қўртлари учун юмшоқ қўй гўнги қидириб топиб, уларни тезда қўмиб қўяди. Ер ости инида ундан 3—4 та «нокча» ясаб, уларга биттадан тухум қўяди ва уларни инида қўриқлаб ўтиради. Қўртлари ҳам ана шу «нокча» ичида озиқланади ва ривожланади.

Ўрта Осиёда чўл ва чала чўл зоналарда учрайди.



**Скарабей священный — *Scarabaeus sacer* L.**

Крупный жук (длина тела 21—37 мм), широкоовальный, черный, блестящий. Голова с большим наличником с шестью широкими зубцами по переднему краю. Лоб между глазами с двумя бугорками. Питается овечьим навозом. Для выращивания личинок жук лепит навозный шар, пользуясь передними ногами, как лопатой и резцом, катит его в сторону от навозной кучи и зарывает в норку в почве.

**Авлиё бўхча қўнғизи — *Scarabaeus sacer* L.**

Йирик (танасининг узунлиги 21—37 мм келадиган), кенг овал шаклидаги, ранги қора ва ялтироқ қўнғиз. Боши олдинги четидан олтига энли тишча бўртиб чиққан йирик қалқон билан қопланган. Пешонасида қўзлари оралиғида иккита бўртмаси бор. Қўй гўнги билан озиқланади. Қўртларини ўстириш учун қўнғиз гўнгдан шарчалар ясаб, уларни теварак-атрофда думалатиб, ини ичида туцроққа





Яйца откладывает внутрь навозного шара. Вышедшие из яйца личинки питаются этим навозом. Шары делают и самцы и самки. Чаще всего навозные шары используются как пища. Скарабей играет большую роль в почвообразовательном процессе.

Обитает в степной, пустынной и полупустынной зонах — в Средней Азии и Казахстане.

кўмиб қўяди. Бунда у олдинги оёқларидан белкурак ва кескич сифатида фойдаланади. Ана шу шарчалар ичига тухум қўяди. Тухумдан чиққан қуртлари ҳам ана шу гўнг шарчалари билан озиқланади. Шарчаларни тайёрлашда эркак қўнғиз ҳам, урғочи қўнғиз ҳам қатнашади. Кўпинча бундай шарчалар озиқ сифатида истеъмол қилинади. Бу қўнғиз тупроқ ҳосил бўлиши жараёнида ҳам катта роль ўйнайди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг чўл ва чала чўл зоналарида яшайди.



**Туркестанский кукурузный навозник — *Pentodon dubius* Pall.**

Жук небольшого размера (длина тела 15—25 мм), овальной формы, блестяще-коричневого цвета. Голени задних ног сильно расширены. Личинки развиваются в почве, питаются корнями злаковых, хлопчатника и других растений. Лет жуков наблюдается с конца марта по август.

Встречается в Средней Азии и Казахстане — на лёссовых почвах, в горах, предгорьях и на равнинах.

**Туркистон маккажўхори гўнг-қўнғизи — *Pentodon dubius* Pall.**

Унчалик йирик бўлмайдиган (танасининг узунлиги 15—25 мм), шакли овал, жигарранг тусли қўнғиз. Орқа оёқларининг болдир қисми кучли даражада кенгайган. Қуртлари тупроқда ривожланиб, бошоқли ўсимликлар, гўза ва бошқа экинларнинг илдизи билан озиқланади. Мартнинг охири ва бутун апрель ойида қўнғизлари учиб чиқади.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда лёсс тупроқли ерларда, тоғларда, тоғ олди ҳамда текисликларда учрайди.



**Туркестанский носорог — *Oryctes punctipennis* Motsch.**

Крупный жук (длина тела 26—34 мм) удлинённой формы, буро-коричнево-красной окраски. Голени задних ног слегка расширены. У самцов на голове имеется большой изогнутый рог, а у самки — бугровидное возвышение на переднеспинке и небольшой рог на голове. Надкрылья выпуклые. Личинки развиваются в гнилой древесине и в богатой навозом почве, питаются гниющими растениями. Жуки не питаются. Отмечены повреждения личинками корней винограда и плодовых культур в питомниках.

Встречается в Средней Азии и Казахстане — полупустынях, предгорьях на плотных почвах.

**Туркистон шохдор қўнғизи — *Oryctes punctipennis* Motsch.**

Танасининг узунлиги 26—34 мм бўлган, узун, қўнғир жигарранг-қизил тусли йирик қўнғиз. Орқа оёқларининг болдир қисми бир оз кенгайган. Эркак қўнғизнинг бошида эгилган катта шохи, урғочисида кўкрак олдида бўртиб чиққан дўнглик ва бошида кичик шохчаси бор. Қуртлари чириётган ёғочда, гўннга бой тупроқда ривожланиб, чириётган ўсимликлар билан озиқланади. Қўнғизлари озиқланмайди. Қуртлари кўчатзордаги ток ҳамда мева дарахтларининг илдизини зарарлаганлиги кузатилган.

Қозоғистонда, Ўрта Осиёда — чала чўлларда, тоғ этаклариди, қаттиқ ерларда тарқалган.

**Чернолобый хрущик — *Adoretus nigrifrons* Stev.**

Мелкий жук (длина тела 8—10 мм), продолговатой формы, коричнево-черной окраски. Голова черная. Питается листьями, молодыми побегами пескоукрепительных растений, а личинки повреждают корни. Днем жуки прячутся в норках, вечером выходят на поиски пищи. Лет жуков начинается в мае-июне. Вид массовый и широко распространенный.

Встречается в Средней Азии и Казахстане — в песчаных пустынях.

**Қорапешона қўғиз — *Adoretus nigrifrons* Stev.**

Танасининг узунлиги 8—10 мм, шакли чўзиқ, жигарранг-қора тусли майда қўғиз. Боши қора. Қумликларни мустаҳкамлайдиган ўсимликларнинг барги, янги новдалари билан озиқланади, қуртлари эса ўсимлик илдизларини зарарлайди. Қундуз кунлари қўғизлар инига яшириниб олади, тунда озиқ ахтариб ташқарига чиқади. Май-июнь ойларида қўғизлар учиб чиқади. Мазкур тур қўғизлар ёшасига кенг тарқалган турлардан ҳисобланади.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда қумли чўлларда учрайди.



**Хрущик комптус — *A. comptus* Men.**

Очень похож на чернолобого хрущика, отличается только коричневой головой. Тело продолговатое, длиной 12—14 мм, выпуклое, в густых волосках, блестяще-темно-красно-бурое. Личинки живут в почве, питаются корнями древесно-кустарниковых растений; жуки — на цветках. Встречается реже, чем чернолобый хрущик.

Распространен в Средней Азии и Южном Казахстане на песчаных и плотных почвах.

**Комптус қўғиз — *A. comptus* Men.**

Қора пешона қўғизга жуда ўхшайди, фақат боши жигаррангдалиги билан фарқ қилади. Танаси бир оз чўзиқ, узунлиги 12—14 мм, бўртиб чиққан, тук билан қалин қопланган, тўқ қизил-қўнғир тусли, ялтироқ. Қуртлари тупроқда яшаб, дарахт-бута ўсимликлар илдизи билан, қўғизлари, ўсимлик гуллари билан озиқланади. Қора пешона қўғизга қараганда кам учрайди.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистоннинг жанубида қумли ва зич тупроқли ерларда учрайди.



**Мартовский хрущ — *Melolontha afflicta* Ball.**

Тело у него продолговатое, длиной 23—25 мм, коричневой окраски, покрыто мелкими белыми чешуйками, по бокам брюшка белые пятна. Питается листьями деревьев, а личинки — корнями плодовых деревьев, виноградной лозы. Лет жуков наблюдается в середине марта. Опасный вредитель плодовых культур.

Встречается в Узбекистане, Таджикистане — на плотных почвах, в древесно-кустарниковых насаждениях.

**Март қўғизи — *Melolontha afflicta* Ball.**

Танаси чўзиқ, узунлиги 23—25 мм, жигарранг, усти оқ рангли майда тангачалар билан қопланган, қорнининг ён томонларида оқ холлари бор. Қўғизлари дарахтларнинг барги, қуртлари, мевали дарахтларнинг илдизи, ток занги билан озиқланади. Март ойининг ўрталарида қўғизлари учиб чиқиши кузатилади. Мевали дарахтларнинг хавфли зараркунандаси.

Ўзбекистонда, Тожикистонда қаттиқ тупроқли ерларда, дарахт, бутазорларда учрайди.





**Майский, или восточный хрущ — *M. hippocostani* F.**

Тело у него длиной 22—24 мм, продолговато-овальное, выпуклое, черно-бурое. Переднеспинка поперечная, покрыта беловатыми волосовидными чешуйками. Надкрылья красно-буро-коричневые, покрыты беловатыми чешуйками. По бокам брюшных члеников белые треугольные пятна. Яйца откладывает в почву на глубину до 50 см. Личинки питаются корнями и корешками кустарников и деревьев, живут 3 года. Опасный вредитель молодых лесопосадок и саженцев плодовых культур.

Распространен в Средней Азии — в лесонасаждениях.

**Май қўнғизи, яъни шарқ қўнғизи — *M. hippocostani* F.**

Танаси 22—24 мм узунликда, шакли чўзиқ-овалсимон, бўртиб чиққан, ранги қора-қўнғир. Орқасининг олд қисми қўндалангига жойлашган, сирти оқиш туксимон тангачалар билан қопланган. Қанот қалқони қизил-қўнғир-жигарранг, усти оқиш тангачалар билан қопланган. Қорин бўғимларининг ён томонларида учбурчаксимон оқ доғлар бўлади. Тупроққа 50 см гача бўлган чуқурликка тухум қўяди. Қуртлари бута ва дарахтларнинг илдизи ҳамда илдизчалари билан озиқланади, 3 йил яшайди. Ёш ўрмон дарахтлари ва мевали дарахт кўчатларининг хавфли зараркунандаси.

Ўрта Осиёда ўрмон дарахтзорларида тарқалган.



**Туркестанский вредный хрущ — *Polyphylla adspersa* Mots.**

Тело у него длиной 25—30 мм, продолговатое, красно-бурой окраски. Надкрылья покрыты мелкими белыми чешуйками-крапинками. Размножается откладкой яиц в почву, у корней древесных растений. Личинки питаются подземными частями плодовых деревьев, виноградной лозы, хлопчатника, свеклы, картофеля.

Встречается в Средней Азии и Казахстане. Обитает в оазисах, предгорьях.

**Туркистон зараркунанда қўнғизи — *Polyphylla adspersa* Mots.**

Танаси 25—30 мм узунликда, чўзиқ қизил-қўнғир тусда. Қанот қалқони майда оқиш тангачалар билан қопланган. Тупроққа, дарахтлар илдизи атрофига тухум қўйиб қўпаяди. Қуртлари мевали дарахтлар, ток, гўза, лавлаг, картошка ва бошқа ўсимликларнинг ер остки қисми билан озиқланади.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда воҳаларда ва тоғ олди зоналарда учрайди.



**Хрущ Комарова — *Chioneosoma komarovi* Brske**

Тело у него длиной 17—20 мм, овальное, матовое, красновато-бурое; как и надкрылья, покрыто очень густым бело-серым бархатным налетом, за что этот хрущ и получил название мучнистого. Личинки живут в почве, причиняют вред всходам саксаула и других пескоукрепительных растений. Лет жуков наблюдается с апреля по июнь.

Встречается на песчаных массивах пустынь Кызылкум и Каракумы.

**Комаров қўнғизи — *Chioneosoma komarovi* Brske**

Танасининг узунлиги 17—20 мм, шакли овал, ранги хира, қизғиш-қўнғир, қанот қалқони сингари бахмалсимон оқ-қулранг тук билан қалин қопланган. Шунинг учун мазкур қўнғизга шу ном берилган. Қуртлари тупроқда яшаб, саксовул ва қумни мустаҳкамлайдиган бошқа ўсимликларнинг ниҳолларига катта зарар етказди. Апрель ойидан бошлаб бутун июнь давомида қўнғизлари учиб чиқиши кузатилади. Қизилқум ва Қоракум чўлларида учрайди.

**Амфикома — *Amphicoma kus-chakevitschi* Ball.**

Жук небольшого размера (длина тела 4,5—5,3 мм), продолговатой формы. Голова, густо опушенная, и переднеспинка темные или пурпурно-фиолетовые, покрыты черными волосками. Надкрылья желто-бурые в серо-черных волосках. Личинки питаются корнями мака и других травянистых растений. Жуки обитают на маке и тюльпанах, объедают пыльники. Перелетая с цветка на цветок, жуки, с одной стороны, являются хорошими опылителями, с другой, объедавая генеративные органы, наносят ущерб цветкам мака.

Встречается в Средней Азии и южной части Казахстана. Обитает на равнинах, в предгорьях и горах.

**Амфикома — *Amphicoma kus-chakevitschi* Ball.**

Унча йирик бўлмаган (танасининг узунлиги 4,5—6,3 мм) шакли чўзиқ қўнғиз. Боши тук билан қалин қопланган ва орқасининг олд қисми қорамтир ёки тўқ қизил-бинафша тусда, усти қора рангли тук билан қопланган. Қанот қалқони сарғиш-қўнғир тусли, туклари кулранг-қора. Қўртлари қизғалдоқ ва бошқа ўт ўсимликларнинг илдизи билан озиқланади. Қўнғизлари қизғалдоқ ва лола гулларига ёпирилиб, уларнинг чангдони билан озиқланади. Қўнғизлар гулдан-гулга қўниб, бир томондан, уларнинг чангланшига ёрдам берса, иккинчи томондан генератив органларини еб қўйиб, гулига катта зарар етказади.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистоннинг жанубий қисмида тарқалган. Текисликларда, тоғ этакларида ва тоғларда яшайди.



**Бронзовка окаямленная — *Oxythyrea cinctella* Schaum.**

Жук небольшого размера (длина тела 10—13 мм), продолговато-овальной формы, черноблестящий. На боковых краях переднеспинки узкая белая полоска. Надкрылья усеяны белыми пятнышками. Питается на цветках плодовых, огородно-бахчевых культур, кукурузы, пшеницы и дикой цветущей растительности.

Распространен в Средней Азии и на юго-востоке Казахстана — на равнинах и в горах до высоты 2500 м, на сухих открытых пространствах.

**Ҳошияли бронза қўнғиз — *Oxythyrea cinctella* Schaum.**

Унча йирик бўлмаган (танасининг узунлиги 10—13 мм), шакли чўзиқ, ранги қора ялтироқ қўнғиз. Орқасининг олд томони ёнларида энсиз оқ йўл бор. Қанот қалқонида оқ ҳоллари бор. Мевали дарахтлар, сабзавот-полиз экинлари, маккажўхори, буғдой ва ёввойи ҳолда ўсадиган бошқа ўсимликлар гули билан озиқланади.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда текисликларда ва денгиз сатҳидан 2500 м баланд бўлган тоғларда, қуруқ очиқ ялангликларда тарқалган.



**Бронзовка мохнатая (Оленка) — *Epicometis hirta* Poda**

Небольшой (длина тела 10—13 мм), черной окраски жучок, густо покрытый беловато-бурыми длинными волосками. Поперек надкрылий проходят белые полоски. Личинки развиваются в почве, питаются разлагающимися растительными остатками.

**Тукли бронза қўнғиз — *Epicometis hirta* Poda**

Унча йирик бўлмаган (танасининг узунлиги 10—13 мм), ранги қора, оқиш-қўнғир тусли узун-узун тук билан қалин қопланган қўнғиз. Қанот қалқонида кўндаланг оқ йўллари бор. Қўртлари тупроқда ривожланади, ўсимликларнинг парчалана-



Жуки летают весной и в начале лета. Они сильно вредят, объедая цветки плодовых деревьев, декоративных растений.

Широко распространена в Средней Азии и Казахстане. Селится на равнинах и в предгорьях.

ётган (чириётган) қолдиги билан озикланади. Қўнғизлари баҳорда ва ёзнинг бошларида учиб чиқиши кузатилади. Улар мевали дарахтлар, манзарали ўсимликларнинг гулини еб, катта зарар етказди.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда кенг тарқалган. Текисликларда ва тоғ этакларида яшайди.



**Бронзовка золотистая — *Cetonia aurata* L.**

Красивый, средних размеров (длина тела 15—21 мм), продолговато-овальной формы, золотисто-зеленого цвета жук с белыми пятнами на надкрыльях. Яйца откладывает летом в скопления гниющих листьев, в дупла деревьев, где и развиваются личинки. Взрослые жуки объедают цветки, плоды и листья древесных насаждений, являются хорошими опылителями.

Распространена повсеместно. Обитает в садах, лесных посадках.

**Тилларанг бронза қўнғиз — *Cetonia aurata* L.**

Чиройли, ўртача йирик (танасининг узунлиги 15—21 мм), олтин ранг-яшил тусли, қанот қалқонида оқ холлар бўлган қўнғиз. Ёзда чириётган барглар тўпламига, дарахтлар ковагига тухум қўяди. Қуртлари ҳам ўша жойда ривожланади. Вояга етган қўнғизлар дарахтларнинг гули, меваси, барги билан озикланади. Шу билан бирга улар яхши чанглатувчи ҳам ҳисобланади.

Ҳамма жойда тарқалган. Мевали боғларда ва ўрмон дарахтзорларида яшайди.



**Семейство Пестряки — Cleridae**

**Пестряк пчелиный (Пчеложук) — *Trichodes apicarius* L.**

Средней величины красивый жук с блестящими красными надкрыльями и темными перевязями. Хищник. Личинки ведут скрытый образ жизни, живут в ульях, где поедают личинок и куколок пчел, нанося вред пчелиной семье. Жуки питаются на цветках зонтичных, сложноцветных, где и откладывают яйца. Вышедшие из яиц личинки прикрепляются к пчелам, прилетающим на цветки, и с ними попадают в улей.

Распространен в северных районах Средней Азии.

**Чипор қўнғизлар оиласи — Cleridae**

**Асалари чипор қўнғизи (ари қўнғиз) — *Trichodes apicarius* L.**

Ўртача йирик, қанот қалқони ялтироқ қизил ва қорамтир боғлами бўлган чиройли қўнғиз. Йиртқич. Қуртлари яширинча ҳаёт кечиради, асаларилар уясида яшайди, у ерда асаларилар қурти ва гумбакларини еб қўйиб, асалари оилаларига катта зарар етказди. Қўнғизлари соябонгулдошларнинг, мураккабгулдошларнинг гули билан озикланиб, ўша ерда тухум қўяди. Тухумдан чиққан қуртлари гулларга қўнган асалариларга ёпишиб олиб, улар билан асалари инларига келади.

Ўрта Осиёнинг шимолий районларида тарқалган.





## Семейство Златки — *Buprestidae*

### Златка бухарская — *Iulodis bucharica* Sem.

Красивый жук блестяще-зеленого цвета. Тело у него крупное (длиной 30—35 мм), широкоовальное, выпуклое. Надкрылья зеленые или медно-бронзовые с многочисленными белыми пятнами и полосками из волосков, расположенных в пять продольных рядов. Размножается откладкой яиц в почву у корней верблюжьей колючки, развивается в корнях этого растения. Окукливается в почве в крупных овальных коконах. Питается на саксауле, кандыме и других кустарниках. Редкий вид. Подлежит охране.

Встречается в южных районах Узбекистана — в юго-западной части пустыни Кызылкум, в предгорьях.

### Златка изменчивая — *I. variolaris* Pall.

По сравнению с бухарской златкой отличается более беспорядочным расположением белых пятен и полосок и меньшими размерами тела (от 28 до 33 мм). Личинки повреждают корни пескоукрепительных кустарников — саксаула, кандыма, верблюжьей колючки. Жуки появляются рано — в апреле и питаются молодыми листьями верблюжьей колючки, люцерны, изеня и других растений.

Распространена в Средней Азии. Селится в пустынях Кызылкум и Каракумы.

### Черная джузгуновская златка — *Capnodis excisa* Men.

Жук блестяще-черного цвета, с металлическим отливом.

Тело у златки длиной 23—37 мм, продолговатое, крупное, покрыто белым восковым налетом. Личинки развиваются в корнях и стволах джузгунов (кандымов). Жуки питаются на цветках и листьях. Лет наблюдается в апреле-июне.

Обитает в песчаных пустынях Средней Азии.

## Тилла құнғизлар оиласи — *Buprestidae*

### Бухоро тилла құнғизи — *Iulodis bucharica* Sem.

Ялтироқ яшил рангли чиройли құнғиз. Танаси йирик (узунлиги 30—35 мм), кенг овалсимон, бұртган. Қанот қалқони яшил тусда ёки бронза рангда, устида кўп оқ холлари ва узунасига кетган беш қатор тукли йўллари бор. Янтоқ атрофидаги тупроққа тухум қўйиб кўпаяди ва шу ўсимлик илдиэларида ривожланади. Тупроқда овал шаклдаги пиллаларда гумбакка айланади. Саксовул, қандим ва бошқа буталарда озиқланади. Муҳофаза қилинади.

Ўзбекистонда Қизилқум чўлларидаги жануби-ғарбий қисмида, тоғ олди этакларда учрайди.

### Ўзгарувчан тилла құнғиз — *I. variolaris* Pall.

Бухоро тилла құнғизидан фарқ қилган ҳолда, танасидаги оқ холлари ва йўллари тартибсиз жойлашган ва танаси кичик (28 дан 33 мм гача) бўлади. Қуртлари қумларни мустаҳкамлайдиган буталар — саксовул, қандим, янтоқ илдиэларини зарарлайди. Қўнғизлари апрель ойида пайдо бўлади, янтоқ, беда, изень ва бошқа ўсимликлар илдизи билан озиқланади.

Ўрта Осиёда тарқалган. Қорақум ва Қизилқумнинг чала чўл ва чўл зоналарида яшайди.

### Юлғун қора тилла құнғизи — *Capnodis excisa* Men.

Қора рангли, ялтироқ, металл сингари товланадиган құнғиз. Танаси 23—37 мм, шакли чўзиқ, ўзи йирик, сирти оқ мум гўбор билан қопланган. Қуртлари жузгуннинг илдизи ва поясида ривожланади. Қўнғизлари ўсимлик гуллари ва барги билан озиқланади. Қўнғизлари апрель — июнь ойларида учиб чиқади.

Ўрта Осиёнинг қумли чўлларида яшайди.





**Саксауловая златка — *Lampetis argentata* Men.**

Жук продолговатой формы (длина тела 19—23 мм), бронзово-медного цвета. Яйца откладывает в ствол саксаула. Личинки питаются древесиной, жуки — побегами и листьями саксаула. Лет жуков наблюдается в апреле-июне.

Обитает в пустыне Кызылкум — в саксаульниках.

**Саксовул тилла қўнғизи — *Lampetis argentata* Men.**

Шакли чўзиқ (танасининг узунлиги 19—23 мм), бронза-мистусли қўнғиз. Саксовул танасига тухум қўяди. Қуртлари дарахтининг ёғочлиги, қўнғизлари эса пояси, барги билан озиқланади. Апрель-июнь ойларида учиб чиқади.

Қизилқум чўлида — саксовулзорларда яшайди.



**Семейство Божьи коровки, или Кокциnellиды — *Coccinellidae***

**Семиточечная божья коровка — *Coccinella septempunctata* L.**

Жук ярко-красного цвета, шаровидной формы с семью черными точками на надкрыльях. Небольшая голова сильно втянута в переднегрудь. Яйца ярко-оранжевые, столбчатые откладывает в колонии тлей и других насекомых. Личинки и жуки активно питаются насекомыми на плодовых деревьях, хлопчатнике, люцерне, овоще-бахчевых культурах. Осенью жуки отправляются на зимовку в горы. Одно из самых полезных насекомых, уничтожающих тлей, червецов, щитовок, паутинного клеща и других вредных насекомых.

Распространена повсеместно, обитает во всех природных зонах и на брошенных землях.

**Хонқизи қўнғизлари, яъни тугмача қўнғизлар оиласи — *Coccinellidae***

**Етти нуқтали хонқизи — *Coccinella septempunctata* L.**

Тиниқ қизил рангли, шарсимон қанот қалқонида 7 та қорануқта бўлган қўнғиз. Унча катта бўлмаган боши кўкрак олдига кириб кетган. Тиниқ тўқ сариқ тухумини ширалар ва бошқа ҳашаротлар колониясига қўяди. Қуртлари ва қўнғизлари мевали дарахтлар, гўза, беда, сабзавот-полиз экинлари зараркундалари билан озиқланади. Кузда қўнғизлар қишлаш учун тоғларга учиб ўтади. Шира, қалқондорларни, ўргимчаккана ва бошқа зарарли ҳашаротларни қирадиган энг фойдали ҳашаротлардан бири.

Ҳамма жойда тарқалган, барча табиий зоналарда ва ташландиқ ерларда учрайди.



**Коровка бахчевая, или Эпильячна — *Epilachna chrysomelina* F.**

Жук шаровидной формы, красно-бурой окраски. Тело длиной 7—8 мм, сверху сильно выпуклое, снизу плоское. На надкрыльях по шесть черных пятен со светлыми ободками. Личинки и жуки питаются листьями, плодами картофеля и других огородных и бахчевых растений. Известен как вредитель огородно-бахчевых культур.

Встречается на юге Сурхандарьинской области.

**Полиз тугмача қўнғизи — *Epilachna chrysomelina* F.**

Шарсимон шаклдаги, қизилқўнғир тусли қўнғиз. Танасининг узунлиги 7—8 мм, уст томони жуда бўртиб чиққан, остки томони ясси. Қанот қалқонида чети оч хошияли олтитадан қора холи бор. Қуртлари ва қўнғизлари картошка, сабзавот ва полиз экинларининг барги, меваси билан озиқланади. Сабзавот-полиз экинлари зараркунадаси сифатида маълум.

Сурхондарё вилоятининг жанубида учрайди.

**Семейство Чернотелки —  
Tenebrionidae**

**Чернотелка шаровидная, или  
гигантская — *Pisterotarsa gi-  
gantea* F. W.**

Крупный жук (длина тела 26—32 мм) черного цвета с шаровидными надкрыльями. Яйца откладывает в почву. Личинки питаются корнями пустынных растений. Всеяден. Днем прячется в норке, в сумерки отправляется на поиски пищи.

Обитает исключительно в песчаных пустынях Средней Азии.

**Медляк степной — *Blaps halo-  
phila* F. W.**

Тело у него длиной 20—25 мм, черное, матовое. Надкрылья вытянуты в короткий «хвостик», крыльев нет. Яйца откладывает в почву на глубину 3—5 см под укрытия растений. Личинки питаются корнями, высеянными семенами и ростками злаков, бахчевых, чем наносят вред полевым культурам. Характерная особенность этого вида жуков — принятие защитной позы, когда их потревожат. При этом они упираются головой в землю, поднимают вверх брюшко, на конце которого находится неприятно пахнущая защитная жидкость. Отсюда народное название этого жука — «воночка».

Широко распространен в степных и пустынных районах Средней Азии и Казахстана.

**Медляк песчаный, или Парви-  
коллис — *B. parvicollis* Seidl.**

Тело у него длиной 18—24 мм, вытянутое, черное, матовое, часто бурое. Надкрылья с хвостовидно оттянутыми вершинами. Личинки питаются молодыми пустынными растениями, жуки — на кустах боялыша, кейреука, полыни. Лет наблюдается с апреля по август.

Встречается в Средней Азии и Казахстане — в полупустынных и пустынных зонах с более уплотненными почвами.

**Қора танли қўнғизлар ои-  
ласи — Tenebrionidae**

**Катта қора танли қўнғиз —  
*Pisterotarsa gigantea* F. W.**

Танасининг узунлиги 26—32 мм, ранги қора, қанот қалқони юмалоқ, йирик қўнғиз. Тупроққа тухум қўяди. Қуртлари дашт ўсимликларининг илдизи билан озиқланади. Ҳаммахўр. Қундуз қунлари инига яшири-ниб олади, кечқурун озиқ излашга тушади.

Ассосан Ўрта Осиёдаги қумли чўлларда яшайди.



**Чўл сусткаши — *Blaps halophila*  
F. W.**

Танасининг узунлиги 20—25 мм, ранги хира қора. Қанот қалқони калта «дум» бўлиб чўзилган, қанотлари йўқ. Тухумини тупроққа, ўсимликлар билан ҳимояланган жойга 3—5 см чуқурликка қўяди. Қуртлари ўсимликлар илдизи, сепилган уруғ ва ғалла, полиз мевалар ўсимтаси, полиз экинларини илдизи билан озиқланиб уларга катта зарар еткази. Қўнғизлар мазкур турининг характерли хусусияти шундаки, безовта қилинганда дарҳол ҳимояланиш вазиятида бўлади. Бунда улар тумшугини ерга тираб, қорнини юқорига кўтарди, қўланса ҳидли суюқлик ажрати. Шу туфайли «сассиқ қўнғиз» деб аталади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда дашт ва чўл районларида кенг тарқалган.



**Қум сусткаши — *B. parvicollis*  
Seidl.**

Танасининг узунлиги 18—24 мм, бўйига чўзиқ, хира қора, кўпинча қўнғиз рангда бўлади. Қанот қалқонининг учи думсимон узун. Қуртлари чўлдаги ёш ўсимликлар, қўнғизлари эса кейреук, шувоқ ва бошқа ўсимликлар билан озиқланади. Апрельдан бошлаб, бутун август ойи ичи қўнғизлари учиб чиқади.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда тупроғи анча зичлашган чала чўл ва чўлларда учрайди.





**Чернотелка закаспийская — Sternodes caspicus Pall.**

Один из крупных и красивых видов чернотелок. Тело покрыто белым восковым налетом в виде продольных белых полос на надкрыльях. Личинки живут в почве и питаются корнями всходов пустынных растений, жуки питаются растительной трухой. Активна ночью. Очень редкий вид, является украшением пустынь. Подлежит охране.

Вид, эндемичный для песчаных пустынь Узбекистана и Туркменистана.

**Каспий орти қора қўнғизи — Sternodes caspicus Pall.**

Қора танли қўнғизлар ичида энг йириги ва чиройлиси. Танаси мумсимон оқ ғубор билан қошланган, қанот қалқони устидан оқ йўл ўтган. Қуртлари гупроқда яшаб, чўл ўсимликлари ниҳолларининг илдизи билан, қўнғизлари эса ўсимликлар кукони билан озиқланади. Тунда актив бўлади. Жуда ноёб тур, чўлларга чирой бағишлайди. Шунга кўра, муҳофаза қилиш керак.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг қумли чўлларидаги эндемик тур.



**Тентирия — Tentyria gigas Fald.**

Черный жук небольшого размера (длина тела 17—23 мм), продолговатой формы. Передне-спинка немного уже надкрылий. Личинки питаются всходами пустынных растений, жуки — на их зеленых частях. Характерный элемент фауны чернотелок пустыни Кызылкум.

Встречается в Узбекистане, Таджикистане, восточной части Туркменистана и Южном Казахстане. Обитает в аридной зоне — на равнинах и в предгорьях, доходя до гор.

**Тентирия қора қўнғизи — Tentyria gigas Fald.**

Ўртача йирик (танасининг узунлиги 17—23 мм), шакли чўзинчоқ қора қўнғиз. Орқасининг олд қисми қанот қалқонидан бир оз энсиз. Қуртлари чўл ўсимликларининг ниҳоллари билан, қўнғизлари эса уларнинг яшил қисмлари билан озиқланади. Мазкур тур қўнғизлар Қизилқум чўли фаунасининг характерли элементларидан бири. Ўзбекистон, Туркменистоннинг шарқий қисмида ва Қозоғистоннинг жанубида учрайди. Арид зонада яшайди.



**Заратропус — Sarathropus fallax G. M.**

Тело у него длиной 12—18 мм, овальное, черной окраски. Бочковой край передне-спинки распластан. Личинки и взрослые жуки питаются пустынными растениями. Биология не изучена.

Эндемик песчаной пустыни. Встречается в Кызылкуме и в Муонкумах.

**Заратропус қора қўнғизи — Sarathropus fallax G. M.**

Танасининг узунлиги 12—18 мм, овал шаклда, ранги қора. Орқаси, олдинги қисмининг ён четлари қат-қат. Қуртлари ва вояга етган қўнғизлари чўл ўсимликлари билан озиқланади. Унинг биологияси ўрганилмаган.

Қумли чўлнинг эндемик тури ҳисобланади. Қизилқумда ва Муонқумда учрайди.



**Окнера — Ocnera pilicollis Fald.**

Жук средних размеров (длина тела 21—27 мм), округлой формы, с резкой зернистостью на передне-спинке и надкрыльях. Надкрылья с продольными ребрами. Личинки питаются корешками растений, жуки — детритом. Обитает на закреп-

**Окнер қора қўнғизи — Ocnera pilicollis Fald.**

Ўртача йирик (танасининг узунлиги 21—27 мм), шакли юмалоқ, орқасининг олд қисми ва қанот қалқонининг усти донадор қўнғиз. Қанот қалқонининг қовургалари узунасига жойлашган. Қуртлари ўсимликларининг майда илдизлари, қўн-

ленных песках и супесчаных почвах. Днем прячется в норках грызунов.

Характерный представитель пустынь Средней Азии.

Изящное насекомое светло-желтой окраски. Брюшко с тонким и длинным стебельком, соединяющимся с грудью. Вершина брюшка черная. Длина тела 15—27 мм. Устраивает одноячейковое гнездо в земляной норке. Охотится на гусениц совок, обитающих в почве, которых откапывает и парализует. Обезвреженную гусеницу затаскивает в норку, где на нее откладывает яйцо, и норку заваливает сверху песком и камешками. Аммофила приносит большую пользу, уничтожая гусениц озимой и других совок.

Распространена повсеместно. Чаще всего встречается в пустынях.

### Қазувчи арилар оиласи — *Sphecidae*

Қум аммофиласи — *Ammophila sabulosa* L.

Оч сарик рангли, носик ҳашарот. Қорнида кўкрагига бирикадиган ингичка ва узун поячаси бор. Қорнининг учки қисми қора. Танасининг узунлиги 15—27 мм. Ерда якка уяли ин қуради. Тунламларнинг тупроқдаги қуртларини овлайди: уларни тупроқдан қовлаб топиб, палажлайди. Кейин инига ташиб қиради ва унга тухум қўяди. Сўнгра инининг устини қум ва тошчалар билан беркитади. Аммофила кўк қурт тунлами ва бошқа тунламларнинг кўплаб қуртларини йўқотиб, фойда келтиради.

Ҳамма жойда тарқалган. Кўпроқ чўл зоналарида учрайди.





**Бембек носатый — *Bembex rostrata* L.**

Полосатая оса с широким брюшком, размером с медоносную пчелу (длина тела 18—25 мм), с большой скоростью летающая над самой землей. В сыпучем песке выкапывает глубокие норки, в которых заготавливает для своих будущих личинок различных насекомых, в частности слепней, мух и др. Характерно то, что бембек не парализует жертву, как другие роющие осы, а сразу убивает. Добыв муху, он затаскивает ее в глубь норы и на ней откладывает яйцо. Затем он в течение двух недель продолжает ловить и приносить в норку все новых и новых мух. Примерно около 60 мух средней величины или более двух десятков слепней нужно для развития каждой личинки.

Встречается повсеместно — на песчаных почвах.

**Узунбурун бембек — *Bembex rostrata* L.**

Қорин қисми кенг бўлган йўл-йўл ари. Ўлчами асаларига тенг келади (танасининг узунлиги 18—25 мм), ер бағирлаб катта тезликда уча олади. Социлувчан қумда ўзига чуқур ин қуради ва ундан келажак насли учун хилма-хил ҳашаротларни, хусусан сўна, пашшаларни ғамлаб қўяди. Бембек ўлжасини фалажламайди, балки бир йўла нобуд қилади. Пашшани тутиб олиб, инига ташиб киради ва унга тухум қўяди. Кейин икки ҳафта давомида пашша овлашни давом эттиради ва тутганларини инига ташиб келтиради. Ҳар битта қуртининг ривожланиши учун ўртача йирикликдаги 60 та пашша ёки 20 та сўна керак бўлади.

Ҳамма жойда қумли тупроқларда учрайди.



**Сцелифрон, или Пелопей — *Sceliphron destilatorium* Ill.**

Оса длиной 15—18 мм, с желтым и черным рисунком на брюшке. Для своего потомства строит наружные постройки из глины и воды, помещая их под большими камнями, а в населенных пунктах — на чердаках и айванах. Внутри гнездо состоит из сот в виде трубочек, куда сцелифрон откладывает по одному яйцу и заготовленных для своих личинок убитых или парализованных пауков и мелких насекомых.

Распространен по всей Средней Азии — в пустынях и оазисах.

**Сцелифрон, яъни пелопей — *Sceliphron destilatorium* Ill.**

Узунлиги 15—18 мм, қорин қисмида сариқ ва қора тусли нақши бўлган ари. Келажак насли учун катта тошлар остига тупроқ ва сувдан ин қуриб олади. Аҳоли яшайдиган пунктларда эса том орасига ва айвонларга қуради. Қурган инида ҳар қайси уяси найча шаклида бўлиб, ҳашарот унга биттадан тухум қўяди ва қуртлари учун нобуд қилган ўргимчаклар ҳамда майда ҳашаротларни тайёрлайди.

Ўрта Осиёда ҳамма жойда — чўл ва воҳаларда тарқалган.



**Пчелиный волк — *Phlanthus triangularum* L.**

По внешнему виду похож на обыкновенную осу. Все сегменты брюшка с широкими желтыми полосками, суженными к средней части. Длина тела 12—16 мм. Гнездо строит глубоко в почве. Охотится на медоносных пчел, убивая их ударом жала в мозг, и заготавливает их для выкармливания личинок. Опасный

**Асалари бўриси — *Phlanthus triangularum* L.**

Ташқи кўринишидан оддий арига ўхшайди. Қорин қисмининг ҳамма сегментлари ўртасига томон торайиб борадиган энли сариқ йўлли. Танасини узунлиги 12—16 мм. Тупроқда чуқур қилиб ин қуради. Асалариларга ҳужум қилиб, найзасини улар миясига санчиб нобуд қилади ва қуртларини боқиш учун инига ғамлаб

вредитель пчеловодства. Встречается повсеместно.

қўяди. Асаларичиликдаги ашаддий зараркунанда.

Ҳамма жойда учрайди.

## Семейство Складчатокрылые осы — Vespidae

### Восточный шершень — *Vespa orientalis* F.

Крупных размеров (до 3 см длиной) рыжая оса, строящая всем хорошо известные «осиные» гнезда. Живет семьей, строит многокамерные, как соты, гнезда из бумагоподобной массы, выскобленной из древесины деревьев, в которые откладывает яйца. Для выкармливания личинок заготавливает мух, медоносных пчел, других насекомых. Укус шершня болезнен. Наносит вред пчеловодству. Повреждает плоды фруктовых деревьев и винограда.

Широко распространен в зоне пустынь, предгорьях Средней Азии.

## Тахланма қанотли арилар оиласи — Vespidae

### Шарқ қовоқариси, яъни замбир — *Vespa orientalis* F.

Йирик (узунлиги 3 см гача этади) малла ранг ва ҳаммага маълум ин қурадиган ари. Оила бўлиб яшайди, ёғочдан қириб олган қоғозга ўхшаш массада қўп катакли ин қуради ва ўша ерга тухум қўяди. Қўртларини боқиш учун пашша, асаларилар ва бошқа ҳашаротлардан озиқ тайёрлайди. Бу қовоқари чакса оғрийди. Асаларичиликка зарар етказди. Мевали дарахтлар ва токка ҳам зарар етказди.

Ўрта Осиёда даштларда, тоғ олди зоналарда кенг тарқалган.



### Оса обыкновенная — *Paravespula vulgaris* L.

Средних размеров оса (длина тела 16—20 мм). Голова желтая, брюшко черное с желтыми прерывистыми полосами из волосков. Для постройки своих гнезд использует отщепленные и перетертые челюстями волокна древесины, которые смачивает клейкой слюной и водой и тонким слоем наносит на гнездо. После высыхания получается рыхлая бумажная масса. В гнезде находится одна самка, откладывающая яйца, и рабочие осы, подразделяющиеся на строителей гнезда, нянек, ухаживающих за личинками, и охранников. Размножается откладкой в ячейку гнезда по одному яйцу. Вылупившихся личинок кормит изо рта пережеванными насекомыми. Осенью рабочие осы и самцы погибают.

Оса обыкновенная, собирая нектар и пыльцу, участвует в опылении растений. Она уничтожает вредных насекомых. Может повреждать плоды винограда.

Распространена повсеместно.

### Оддий ари — *Paravespula vulgaris* L.

Ўртача ари (танасининг узунлиги 16—20 мм). Боши сарик, қорни қора, сариқ туклардан иборат узук-узук йўллари бор. Ин қуриш учун жағларида қириб олган ёғоч қириндиларидан фойдаланади, уларни ёпишқоқ сўлаги ва сув билан намлаб ини сиртини юпқа қилиб қоплаб чиқади. У қуригандан кейин ичи бўш қоғоз масса ҳосил бўлади. Инида тухум қўядиган битта урғочиси ишчи арилар бўлиб, улар ин қурувчи қўртларига қаровчи ва қоровулларга бўлинади. Уясидаги ҳар бир катакчага биттадан тухум қўйиш йўли билан қўпаяди. Тухумдан очиб чиққан қўртларини оғзида чайнаётган ҳашаротлар билан боқади. Кузда ишчи арилар ва эркак арилар нобуд бўлади.

Оддий арилар нектар ва гулчанги йиғиш орқали ўсимликларнинг чангганишида иштирок этади. Улар зарарли ҳашаротларни қиради. Шу билан бирга токнинг мевасига (узумга) зарар етказиши мумкин.

Ҳамма жойда тарқалган.





**Французская оса — Polystes gallicus F.**

Среднего размера оса (длина тела 11—13 мм). Отличается от других ос более узким и длинным брюшком. Строит овальные бумажные гнезда, состоящие из одного или нескольких рядов сот, которые подвешивает к стеблям растений. В каждую ячейку гнезда самка откладывает по одному яйцу. Личинок выкармливает убитыми насекомыми — личинками листоедов, гусеницами и др. Повреждает плоды фруктовых деревьев и винограда.

Распространена в Средней Азии — в равнинной и предгорной зонах.

**Француз бингаги — Polystes gallicus F.**

Ўртача ари (танасининг узунлиги 11—13 мм). Қорин қисми энсиз ва узун бўлиши билан бошқа арилардан фарқ қилади. Бир ёки бир неча қатор мумкатакдан иборат овал шаклдаги қоғоз ин қуради ва уларни ўсимликлар поясига осиб қўяди. Уясининг ҳар бир катагига урғочи ари биттадан тухум қўяди. Қуртларини нобуд қилган ҳашаротлар-барғхўр қўнғизларнинг қурти, ғумбақлари ва бошқалар билан боқади. Мевали дарахтлар мевасининг ва узумбошларни зарарлайди.

Ўрта Осиёда, текисликларда ва тоғ олди зоналарда тарқалган.



**Германская оса — Paravespula germanica L.**

Тело у нее длиной 13—15 мм, черное, грудь с желтой перевязью, брюшко с желтым изменчивым рисунком. Строит шарообразные бумажные гнезда на чердаках домов, под навесами, на деревьях, в брошенных норах грызунов или в других укрытиях в земле. Общественное насекомое. Размножается откладкой яиц в ячейки гнезда. Личинок кормят рабочие осы-кормилицы.

Встречается повсеместно.

**Герман бингаги — Paravespula germanica L.**

Танасининг узунлиги 13—15 мм, ранги қора, кўкрагида сариқ боғлам бор, қорин қисми ўзгарувчан сариқ нақшли. Томларнинг орасига, бўғотларга, дарахтларга, кемирувчиларнинг ташлаб кетган инига ёки ердаги бошқа берк жойларга қоғоздан шарсимон (юмалоқ) ин қуради. Жамоа бўлиб яшайдиган ҳашарот. Уяси катақларига тухум қўйиш йўли билан кўпаяди. Қуртларини ишчи арилар боқади.

Ҳамма жойда учрайди.



**Оса пиллюльная — Eumenes sp.**

Небольшого размера оса (длина тела 13—15 мм), черной окраски. Брюшко тонкое с черными и желтыми полосками. Для своего потомства строит из глины, смоченной клейкой слюной, плотные, тонкостенные «кувшинчики» с узким отверстием, не размокаемые от дождя. Наполнив свое сооружение гусеницами, оса запечатывает его глиной.

Распространена повсеместно.

**Хумчи ари — Eumenes sp.**

Унча йирик бўлмаган (танасининг узунлиги 13—15 мм), қора рангли ари. Қорин қисми ингичка, қора ва сариқ йўллари бор. Авлоди учун ёпишқоқ сўлаги ёрдамида лойдан юпқа деворли пишиқ «кўзачалар» ясайди; улар оғзи ёмғир шиммайдиган ва ингичка бўлади. Бу уясини қуртлари билан тўлдириб, оғзини лой билан бекитиб қўяди.

Ҳамма жойда тарқалган.

**Семейство  
Scoliidae**

**Сколия-гигант — *Scolia maculata* Dr.**

Тело у нее темное, покрыто черными и рыжими волосками длиной до 45 мм. На втором и третьем члениках брюшка имеются по две пары больших желтых пятен. Крылья дымчатые. Почти всю жизнь самка сколии проводит в почве в поисках добычи и лишь для спаривания и для того, чтобы подкормиться на цветках, вылезает наверх. Личинки паразитируют на личинках жука носорога и других пластинчатоусых жуков. Самка сколии, найдя личинку жука в почве, парализует ее и откладывает на ее брюшко одно яйцо. Вышедшая личинка сколии пожирает жертву постепенно и превращается в куколку.

Встречается в Средней Азии на равнинах и в предгорьях. Полезное насекомое, уничтожает личинки хрущей. Нуждается в охране.

**Сколии —  
Scoliidae**

**Сколия арилар оиласи —  
Scoliidae**

**Катта сколия — *Scolia maculata* Dr.**

Танаси қорамтир, усти қора ва малла ранг тук билан қопланган, узунлиги 45 мм гача. Қорин қисмининг иккинчи ва учинчи бўғимида икки жуфтдан сариқ тусли йирик холи бор. Қанотлари қулранг. Урғочилари деярли бутун ҳаётини тупроқда ўтказиб, фақат жуфтлашиш ва озиқланиш вақтида юқорига кўтарилади. Қуртлари шохли қўнғизнинг ва пластинка мўйловли бошқа қўнғизларнинг қуртларида паразитлик қилади. Урғочи сколиянинг ўзи тупроқдан қўнғизлар қуртини топиб, уни фалажлайди ва қорин қисмига биттадан тухум қўяди. Тухумдан чиққан сколия қуртлари ўлжасини еб, аста-секин гумбакка айланади.

Ўрта Осиёда текисликларда ва тоғ олди зоналарда учрайди. Қўнғизларнинг зарарли турларини қириб, фойда келтиради. Муҳофаза қилинади.



**Сколия желтая — *Scolia flavipes* Ev.**

Более мелкий вид сколий. Тело длиной 17—20 мм, черное; брюшко с желтыми широкими пятнами. Паразитирует на личинках мелких пластинчатоусых и других жуков. Полезное насекомое.

Встречается в пустынной и полупустынной зонах на песчаных почвах.

**Сариқ сколия — *Scolia flavipes* Ev.**

Сколияларнинг бирмунча майда тури. Танасининг узунлиги 17—20 мм, ранги қора, қорин қисмида энли сариқ холлари бор. Пластинкасимон мўйловли, бошқа майда қўнғизлар қурти билан озиқланади. Фойдали.

Чўл ва чала чўл зоналарда кумли тупроқларда учрайди.



**Сколия степная — *Scolia hirta* Schrk.**

**Чўл сколияси — *Scolia hirta* Schrk.**

Ташқи кўринишидан катта сколияга жуда ўхшайди. Лекин ундан майдароқ (28—34 мм) бўлади, фақат боши қора ва қорин қисмида тўртта холи ўрнида сариқ тусли иккита энли йўл кўзга тапланиб туради. Бронза қўнғиз ва бошқа қўнғизларни овлаб, шуларга тухум қўяди.

Ўрта Осиёнинг чўл зоналарида учрайди.

Внешне очень похожа на гигантскую сколию, но меньшего размера (28—34 мм), только голова черная, да вместо четырех пятен на брюшке отчетливо видны две желтые широкие полосы. Охотится на личинок бронзовок и других жуков, на которых откладывает яйца.

Встречается в степных районах Средней Азии.





**Сколия черная — *Scolia* sp.**

Отличается от других видов сколий черной окраской тела и крыльев. Паразитирует на личинках пластинчатоусых жуков. Лет ос наблюдается в июле-августе.

Распространена в Средней Азии.

**Қора сколия — *Scolia* sp.**

Танаси ва қанотлари қора бўлиши билан бошқа турдаги сколиялардан фарқ қилади. Пластинкасимон мўйловли қўнғизларнинг қўртларида паразитлик қилади. Июль-август ойларида арилариининг учини кузатилади.

Ўрта Осиёда тарқалган.



**Семейство Муравьи — *Formicidae***

**Черный муравей — *Lasius niger* L.**

Мелкое насекомое. Брюшко у основания образует стебелек. Тело длиной 4,5—9 мм, черное, гладкое, блестящее. Живет семьями, где основную массу составляют бесплодные рабочие муравьи, лишённые крыльев. Гнезда строит в земле или гнилом дереве. Уничтожает вредных насекомых и сам служит пищей для птиц и других позвоночных животных.

Распространен повсеместно. Обитает в почве, подстилке, на земляных кочках. Часто встречается в домах.

**Чумолилар оиласи — *Formicidae***

**Қора чумоли — *Lasius niger* L.**

Майда ҳашарот. Қорин қисмининг асосида пояча ҳосил бўлади. Танасининг узунлиги 4,5—9 мм, ранги қора, силлиқ, ялтироқ. Асосий кўпчилиги насл бермайдиган қанотсиз ишчи чумолилардан иборат оила бўлиб яшайди. Ерга ёки чириётган дарахтларга ин қуради. Зарарли ҳашаротларни қиради, ўзи эса қушлар ҳамда бошқа умуртқалиларга озиқ бўлади.

Ҳамма жойда тарқалган. Тупроқда, тўшамаларда, тупроқ уюмларида яшайди. Кўпинча уйларида учрайди.



**Фазтончик — *Cataglyphis aenescens* Nyl.**

Длинноногое неутомимое в беге насекомое. Активный хищник. Питается насекомыми и другими беспозвоночными. Гнездо строит в плотном грунте или песке, между камнями. На бегу задирает вверх брюшко, что напоминает фазтон.

Встречается в Средней Азии — в пустынях и полупустынях. Полезное насекомое.

**От чумоли — *Cataglyphis aenescens* Nyl.**

Оёқлари узун ҳашарот, юғриб чарчамайди. Актив йиртқич. Ҳашаротлар ва бошқа умуртқасизлар билан озиқланади. Қаттиқ ерга ёки қумга, тошлар орасига ин қуради. Югурганда қорин қисмини юқорига кўтариб юриб, извошни эслатади.

Ўрта Осиёда чўл ва чала чўлларда учрайди. Фойдали.



**Кампонотус — *Camponotus turkestanicus* Em.**

Крупный черный муравей (длина тела 11—18 мм). Живет в почве или сухой древесине. Строит большие гнезда. Играет большую роль в почвообразовательном процессе. Может повреждать древесные постройки, протачивая ходы.

Распространен повсеместно.

**Туркистон кампонотуси — *Camponotus turkestanicus* Em.**

Йирик қора чумоли (танасининг узунлиги 11—18 мм). Тупроқда ёки қуриган ёғочларда яшайди. Улар катта-катта ин қуриб олади. Тупроқ ҳосил бўлиши жараёнида катта роль ўйнайди. Ёғочдан қурилган иморатлар ёғочида ўзига йўл очиб, катта зарар етказилади.

Ҳамма жойда тарқалган.

### **Муравей-жнец — *Messor aralocaspicus* Ruzsky**

Крупный муравей. Голова большая, коричневая, с крупными жвалами. Тело бурое или черное. Питается исключительно созревающими семенами различных растений. Активно собирая семена пустынных и пастбищных растений, причиняет вред тем, что не способствует их возобновлению и распространению. Строит гнезда в почве, на глубину до 1 м и более. Вылет крылатых муравьев наблюдается в марте-апреле.

Встречается в Средней Азии — в лёссовых эфемерных пустынях, обычно в пустыне Кызылкум, в Джизакской и Каршинской степях.

### **Ўроқчи чумоли — *Messor aralocaspicus* Ruzsky**

Йирик чумоли. Боши катта, жигарранг, юқори жағлари ҳам катта. Танаси қўнғир ёки қора тусда. Турли хил ўсимликларнинг асосан пишган уруги билан озиқланади. Чўл ва яйлов ўсимликларининг уругини актив равишда йиғиб олиши билан ўсимликларнинг янгидан кўпайиши ва тарқалиши учун тўсқинлик қилади. Шу туфайли катта зарар етказди. Тупроққа 1 м гача чуқурликда ва ундан ҳам чуқурроққа ин қуради. Март-апрель ойларида қанотли чумолиларнинг учиши кузатилади.

Ўрта Осиёда лёсс-эфемерли чўлларда, одатда, Қизилқум чўлида, Жиззах ҳамда Қарши даштларида учрайди.



### **Отряд чешуекрылые, или Бабочки — *Lepidoptera***

Один из наиболее крупных и широко известных отрядов насекомых. Тело и крылья их покрыты чешуйками (волосками), создающими самые причудливые формы рисунка крыла и разнообразные расцветки. Ротовые органы сосущего типа в виде длинного, спирально закрученного хоботка, который очень эластичен, подвижен и прекрасно приспособлен к питанию жидкой пищей (нектаром). Крыльев две пары. Передние крылья всегда больших размеров, чем задние. Размножаются откладкой оплодотворенных яиц на растения, под кору, в землю и другие места. Личинки бабочек — гусеницы червеобразной формы, имеют три пары грудных ног и пять пар ложных брюшных ног; окукливаются открыто или в коконе. Куколка яйцевидно вытянутой формы с заостренным задним концом. Гусеницы в основном растительноядные: питаются листьями, цветками и плодами травянистых и древесных растений, а иногда подтачивают стволы деревьев и кустарников (стеклянницы и древоточцы). В редких случаях

### **Тангача қанотлилар, яъни капалаклар туркуми — *Lepidoptera***

Хашаротларнинг энг йирик ва кенг қўламда маълум бўлган туркумларидан бири. Танаси ва қанотлари тангачалар (тук) билан қопланган. Шунинг учун қанотлари хилма-хил ва ажойиб нақшли бўлади. Оғиз органлари сўрувчи типда, узун, спиралсимон буралган хартумчага ўхшайди. У жуда эгилувчан ва серҳаракат, суюқ озиқлар (нектар) билан озиқланишга яхши мослашган. Қанотлари икки жуфт. Олдинги қанотлари доим орқа қанотларидан катта. Ўсимликларга, уларнинг пўстлоги остига, ерга ва бошқа жойларга уруғланган тухум қўйиб кўпаяди. Капалаклар қурти чувалчангсимон шаклда, уч жуфт кўкрак оёқлари ва беш жуфт сохта қорин оёқлари бор; очиқ ҳолда ёки пилла ичида ғумбакка айланади. Ғумбаги тухумсимон чўзик, орқа учи ингичка; асосан ўсимликхўр бўлади; ўт ва дарахтларнинг барги, гули ва меваси билан озиқланади, баъзан эса дарахт ва буталарнинг танасини кемиради. Камдан-кам ҳолда ғумбаклари ҳайвонот озиқлар: жун, мум ва бошқалар билан озиқланади. Вояга етган



гусеницы питаются продуктами животного происхождения: шерстью, воском и др. Взрослые бабочки питаются на цветках нектаром и являются хорошими опылителями цветковых растений. Многие известны как вредители сельскохозяйственных культур, лесных насаждений. Среди бабочек много изумительно красивых видов, украшающих природу и нуждающихся в охране.

Отряд чешуекрылых включает 85 семейств. В Узбекистане встречается около 800—1000 видов.

капалаклар и ўсимликлар гулининг шираси билан озиқланали ва гулли ўсимликларни яхши чанглатувчи ҳисобланади. Кўпчилиги қишлоқ хўжалик экинлари ва дарахтлар зарарку-нандаси сифатида маълум. Капалаклар орасида жуда кўплаб чиройли турлари ҳам бўлиб, улар табиати безайди ва муҳофаза қилишга муҳтождир.

Тангачақанотлилар туркуми 85 га оилани ўз ичига олган. Ўзбекистонда 800—1000 га яқин тури учрайди.



### Семейство Пестрянки — Zygaenidae

Пестрянка туркменская — *Zygaena truchmena* Ev.

Красивая бабочка — ярко-красная с синими и желтыми пятнами на крыльях. Размах крыльев 18—24 мм. В гемолимфе содержится синильная кислота, с чем связана предостерегающая окраска. Гусеницы питаются листьями верблюжьей колючки, джиды, туранги, тамарикса и других растений.

Встречается по берегам рек, вдоль арыков, заросших древесно-кустарниковой растительностью. Редкий вид, подлежит охране.

### Чипор капалаклар оиласи — Zygaenidae

Туркман чипор капалаги — *Zygaena truchmena* Ev.

Қанотларида кўк ва сариқ холлари бор тиниқ қизил рангли чиройли капалак. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 18—24 мм. Гемолимфаси таркибида синиль кислота бўлиб, уларнинг огоҳлантирувчи ранги шунга боғлиқ. Қуртлари янтоқ, жийда, турангил, тамарикс ва бошқа ўсимликларнинг барги билан озиқланади.

Дарёлар, ариқлар бўйида, дарахт-бутазорларда учрайди. Кам учрайдиган тур, муҳофаза қилинади.



### Семейство Древоточцы — Cossidae

Древоточец пахучий — *Cossus cossus* L.

Крупная бабочка. Размах крыльев 75—104 мм. Усики пластинчатые. Тело плотное, опушенное. Крылья серо-бурые с черными волнистыми линиями. Яйца откладывает в трещины коры ив, тополей, карагачей, дуба, плодовых деревьев. Гусеницы толстые, мясистые, с темно-бурой головой и розовато-красноватым телом, обладают неприятным запахом. Они проделывают широкие, преимуще-

### Ёғочтешар капалаклар оиласи — Cossidae

Сассиқ ёғочтешар — *Cossus cossus* L.

Йирик капалак. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 75—104 мм. Мўйловлари пластинкасимон. Танаси пишиқ, тук билан қопланган. Қанотлари кулранг-қўнғир, тўлқинсимон қора йўллари бор. Тол, терак, қайрағоч, эман, мевали дарахтлар пўстлоғи остига тухум қўяди. Қуртлари йўғон, серэт, боши тўқ қўнғир, танаси қизғиш-пушти рангда, қўланса ҳид чиқаради. Улар дарахтлар ёғочлигида

ственно продольные ходы в древесине.

Широко распространен в лесной зоне Средней Азии. Обитает также в оазисах. Опасный вредитель.

Ўзига узунасига кетган кенг йўл очади.

Ўрта Осиёнинг ўрмон зоналарида кенг тарқалган. Аҳоли яшайдиган пунктларда, боғларда ва паркларда яшайди. Хавфли зараркунанда ҳисобланади.



### Семейство Пальцекрылки — Alucitidae

Пальцекрылка — *Alucita pentadactyla* L.

Очень нежное насекомое с изящными расщепленными (как перья) крыльями (на 2—3 лопасти) светлой окраски. Гусеницы развиваются на травянистых растениях (вьюнке, клевере). Лет наблюдается в июне-июле.

Обитает в горах. Редкая форма.

### Панжақанотлилар оиласи — Alucitidae

Панжақанот — *Alucita pentadactyla* L.

Оч тусли қанотлари патга ўхшаш титилган (2—3 парракли), жуда нозик ва чиройли ҳашарот. Қуртлари ўт ўсимликлардан печак, себарга ва бошқаларда ривожланади. Уларнинг учиси июнь-июль ойларида кузатилади.

Тоғларда яшайди. Кам қолган турлардан ҳисобланади.



### Семейство Толстоголовки — Hesperiiidae

Толстоголовка тире — *Thymelicus lineola* O.

Небольшого размера бабочка однообразно желтой окраски и с белыми пятнами на крыльях. Размах крыльев 28—34 мм. Гусеницы питаются на травянистой растительности. Лет бабочек наблюдается в июне-августе.

Распространена в степной, полупустынной и предгорной зонах.

### Йўғонбошлилар оиласи — Hesperiiidae

Тире йўғонбошлиги — *Thymelicus lineola* O.

Ранги бир хил сариқ, унча йирик бўлмаган ва қанотларида оқ холлари бор капалак. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 28—34 мм. Қуртлари ўт ўсимликлар билан озиқланади. Июнь-август ойларида капалакларнинг учиб чиқиши кузатилади.

Чўл, чала чўлларда ва тоғ олди зоналарда тарқалган.



### Толстоголовка Морфей — *Heteropterus morpheus* Pall.

Отличается от предыдущего вида черновато-оливково-бурыми крыльями. На передних крыльях около вершины имеются светлые пятна. Размах крыльев 32—35 мм. Гусеницы питаются на вейнике и других дикорастущих злаковых. Лет бабочек наблюдается в июне-июле.

Обитает на лесных полянах, полях и сухих песчаных участках.

### Йўғонбош морфей — *Heteropterus morpheus* Pall.

Қанотлари қорамтир оч жигарранг-қўнғир тусли бўлиши билан олдинги турдан фарқ қилади. Олдинги қанотларининг учига яқин оқиш холи бор. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 32—35 мм. Қуртлари буғдойиққамиш ва бошқа ёввойи ғалладошларда озиқланади. Июнь-июль ойларида капалаклар учиб чиқиши кузатилади.

Ўрмон ялангликларида, дала-ларда ва қуруқ қумли майдонларда яшайди.





**Семейство Парусники —  
Papilionidae**

**Махаон — *Papilio machaon* L.**

Одна из самых красивых бабочек Палеарктики: ярко-желтой окраски, с голубыми полосками и красными пятнами на нижних крыльях. Размах крыльев 65—80 мм. Гусеницы крупные, зеленые, с черными бархатистыми поперечными полосами и красными точками на члениках брюшка. Питаются на зонтичных и рутовых. Лет бабочек наблюдается в мае-июле и сентябре. Характерной особенностью гусениц махаона является способность выщипывать мешковидные железы, расположенные позади головы в виде красной вилки, чем отпугивают врагов.

Встречается в Средней Азии, Казахстане — в пустынной, предгорной и горной зонах. Численность этого вида сильно сократилась, и он находится на грани исчезновения. Подлежит охране.



**Елканлилар оиласи — Pa-  
pilionidae**

**Махаон — *Papilio machaon* L.**

Палеарктиканинг энг чиройли капалакларидан бири: ранги тиниқ сариқ, пастки қанотларида ҳаворанг йўллари ва қизил холлари бор. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 65—80 мм. Қуртлари йирик, яшил, қўндалангига жойлашган бахмалсимон йўллари қора ва қорин қисмининг бўғимларида қизил нуқталари бор. Соябонгулдешлар ва рутадошларда озиқланади. Май-июль ойларида ва сентябрда капалаклари учиб чиқиши кузатилади. Бу капалак қуртларининг характерли хусусияти шундан иборатки, бошининг орқасида жойлашган қизил санчқи бурилишидаги халтачасимон безларини дўппайтириш қобилиятига эга, шу билан ўзини душмандан ҳимоя қилади.

Ўрта Осиёда чўл, тоғ олди этаги ва тоғли зоналарда учрайди.

Мазкур турнинг сони кескин камайиб кетган ва у ҳозир йўқолиб кетиш даражасида. Муҳофаза қилинади.

**Аполлон — *Parnassius apollo* L.**

Бабочка очень красивая, крупная (в размахе крыльев 80—85 мм). Крылья белые, края полупрозрачные; на передних крыльях черные пятна, на задних — по два красных пятна с белыми глазками, окаймленных черным ободком. Гусеницы черные, бархатистые, питаются и развиваются на очитке. Лет в июне-июле. Дает одно поколение.

Встречается в горных и высокогорных районах Средней Азии. Редкий вид.



**Аполлон — *Parnassius apollo* L.**

Жуда чиройли, йирик капалак. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 80—85 мм. Қанотлари оқ, четлари ярим шаффоф; олдинги қанотларида қора холи, орқа қанотларида оқ қўзчали иккитадан қизил холи бор, уларнинг чети қора хошияли. Қуртлари қора рангда, бахмалсимон; семизакларда яшайди ва улар билан озиқланади. Июнь-июль ойларида капалакларининг учиб чиқиши кузатилади. Бир марта насл беради.

Ўрта Осиёнинг тоғли ва баланд тоғли районларида учрайди. Кам қолган тур.

**Аполлон тьяньшаньский — *P. tianschanicus* Ober.**

По сравнению с предыдущим видом характеризуется более мелкими размерами (размах крыльев 70—75 мм), наличием красных, окантованных темной

**Тьяньшань аполлони — *P. tianschanicus* Ober.**

Анча майдалиги (қанотларини ёзгандаги кенглиги 70—75 мм), олдинги ва орқа қанотларида тўқ тусли йўллар билан хошияланган қизил доғ борлиги

полосой пятен как на передних, так и задних крыльях. Гусеницы питаются на ложной заячьей капусте (*Pseudosedum u Rodolia*). Лет бабочек наблюдается в июне-июле.

Обитает в высокогорных районах Тянь-Шаня и Памиро-Алая — в горных долинах — и доходит до высоты 4800 м над уровнем моря. Очень редкий вид. Нуждается в охране.

билан олдинги турдан фарқ қилади. Қуртлари сохта қуён қарами билан озикланади. Июнь-июль ойларида капалаклари учиб чиқиши кузатилади.

Тяньшань ва Помир Олойнинг баланд тоғли районларида — водийларда яшаб, денгиз сатҳидан 4800 м баландликкача бўлган жойларга ҳам кўтарилади. Жуда кам қолган тур. Муҳофаза қилинади.



**Аполлон черный, или Мнемозина — *P. mnemosyne* L.**

Бабочка белая, крупная (размах крыльев 50—60 мм). Крылья белые, полупрозрачные. На передних крыльях — по два черных пятна, на внутреннем крае задних крыльев — темная кайма. Гусеницы питаются на растениях семейства хохлаток. Лет бабочек наблюдается с середины мая по август.

Распространен в горных районах Средней Азии и Казахстана. Редкий вид, подлежит охране.

**Қора аполлон, яъни мнемозина — *P. mnemosyne* L.**

Оқ рангли, йирик капалак (қанотларини ёзгандаги кенглиги 50—60 мм). Қанотлари ҳам оқ, ярим шаффоф. Олдинги қанотларида иккитадан қора холи бор, орқа қанотларининг ички чети қорамтир ҳошияли. Қуртлари шотарадошларга мансуб ўсимликлар билан озикланади. Майнинг ўрталаридан бошлаб то август охири чиги капалаклари учиб чиқиши кузатилади.

Ўрта Осиёдаги тоғли районларда ва Қозоғистонда тарқалган. Кам қолган тур. Муҳофаза қилинади.



**Гипермнестра солнечная, или Парусник гелиос — *Hypermnestra helios* Nick.**

Крупная красивая бабочка бело-желтой окраски с черными и красными пятнами на крыльях. Размах крыльев 40—50 мм. Гусеницы питаются на парнолистнике. Лет бабочек наблюдается с апреля до середины июня.

Эндемик Средней Азии. Встречается в пустыне, реже — в тугаях. Подлежит охране. Назван в честь древнегреческого бога солнца — Гелиоса, а также одной из дочерей Ливийского царя Даная — Гипермнестры.

**Қуёш гипермнестраси, яъни елканли гелиос. — *Hypermnestra helios* Nick.**

Чиройли йирик капалак бўлиб, ранги оқ-сарик, қанотларида қора ва қизил холлари бор. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 40—50 мм. Қуртлари қўшпироқлар билан озикланади. Апрель ойидан бошлаб июннинг ўрталаригача капалакларнинг учиб чиқиши кузатилади.

Ўрта Осиёнинг эндемик тури. Даштларда, камроқ тўқайларда учрайди. Муҳофаза қилинади. Қадимги грекларда қуёш худоси бўлган Гелиос, шунингдек, Ливия подшоси Данаянинг қизи Гипермнестра номига қўйилган.





**Аполлоний — Parnassius apollonius Ev.**

Один из красивейших видов аполлонов. Бабочка крупная. Крылья белые, у основания слегка опылены черными чешуйками. На передних крыльях два черных пятна и два красных глазка. На задних крыльях ряд черных пятен по внешнему краю и два красных глазка. Размах крыльев 60—73 мм. Гусеницы питаются на заячьей капусте. Лет бабочек наблюдается с середины мая до начала июля. В год дает одно поколение.

Встречается высоко в горах Средней Азии (на Туркестанском хребте). Нуждается в охране.

**Аполлоний — Parnassius apollonius Ev.**

Аполлонларнинг энг чиройли турларидан бири. Йирик капалак. Қанотлари оқ, асоси қора рангли тангачалар билан бир оз қопланган. Олдинги қанотларида иккита қора холи ва иккита қизил кўзчаси бор. Орқа қанотларининг ташқи чети бўйлаб қатор холлари ва иккита қизил кўзчаси бор. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 60—73 мм. Қуртлари қуён карамининг ўзаги билан озиқланади. Май ойининг ўрталаридан бошлаб июль ойи бошларигача капалакларининг учиб чиқиши кузатилади. Бир йилда бир марта насл беради.

Ўрта Осиёдаги баланд тоғларда (Туркистон тизма тоғида) учрайди. Муҳофаза қилинади.



**Семейство Белянки — Pieridae**

**Боярышница — Aporia crataegi L.**

Бабочка с белыми полупрозрачными крыльями, на которых выделяются темные жилки. Размах крыльев 50—60 мм. Яйца откладывает на нижней стороне листьев яблони, груши, боярышника, абрикосов и других деревьев. Гусеницы питаются и живут на этих деревьях и в конце лета делают общее «зимнее гнездо». Окукливаются на ветвях и стволах кормового растения. Лет бабочек наблюдается в конце мая, июне и июле. Повреждает горные сады: объедает листья, бутоны, цветки плодовых культур.

Распространена повсеместно, особенно в горных районах.

**Оқ капалаклар оиласи — Pieridae.**

**Дўлана капалаги — Aporia crataegi L.**

Қанотлари ярим шаффоф оқ капалак бўлиб, қорамтир томирлари кўриниб туради. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 50—60 мм. Олма, нок, дўлана, ўрик ва бошқа дарахтлар баргининг орқа томонига тухум қўяди. Қуртлари ана шу дарахтларда озиқланади. Ёз охирига бориб умумий «қишлоқчи уя» қуради. Ем-хашак ўсимликлари шохчаларида ва танасида гўмбака айланади. Майнинг охирида, июнь ва июль ойларида капалакларининг учиб чиқиши кузатилади. Тоғдаги мевали боғларнинг зарарқунандаси: мевали дарахтларнинг барги, шонаси ва гуллариини еб зарар етказади.

Ҳамма жойда, айниқса тоғли районларда тарқалган.

**Белянка капустная, или Капустница — Pieris brassicae L.**

Бабочка белая, довольно крупных размеров. У самок на передних крыльях по два черных пятна, у самцов они отсутствуют. Нижняя сторона крыльев

**Карам капалаги — Pieris brassicae L.**

Оқ рангли, анчагина йирик капалак. Урғочиларининг олдинги қанотларида иккитадан қора холи бор, эркакларида бўлмайди. Қанотларининг орқа

желтоватая. Развивается и питается на дикорастущих и культурных крестоцветных. Повреждает капусту и другие огородные растения. Дает 2—3 поколения в год. Лет наблюдается с мая по сентябрь.

Встречается повсеместно — на полях, огородах, открытых пространствах.

томони сарғиш. Ёввойи ва маданий крестгулдошларга мансуб ўсимликларда ривожланади ва улар билан озиқланади. Карам ва бошқа сабзавот экинлари зараркунадаси. Бир йилда 2—3 марта насл беради. Май ойидан бошлаб, то сентябрь охири ичида капалаклари учиб чиқиши кузатилади.

Ҳамма жойда — далаларда, томорқаларда, очиқ ерларда учрайди.



**Белянка репная, или Репница — P. gaeae L.**

Отличается более мелкими размерами и наличием на передних крыльях у самцов одного, а у самок двух черных пятен. Размах крыльев 35—40 мм. Развивается и питается на культурных и дикорастущих крестоцветных. Повреждает огородные растения — капусту, репу, свеклу и другие. Лет наблюдается с мая по сентябрь.

Распространена повсеместно. Встречается чаще, чем капустная белянка.

**Шолғом капалаги — P. gaeae L.**

Анча майда бўлиши, эркак капалакларининг олдинги қанотларида биттадан, урғочиларида иккитадан қора холи борлиги билан фарқ қилади. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 35—40 мм. Маданий ва ёввойи крестгулдошларда ривожланади ва озиқланади. Сабзавот экинлари, яъни карам, шолғом, лавлаги ва бошқаларга зарар етказилади. Май-сентябрь охири капалакларининг учиб чиқиши кузатилади.

Ҳамма жойда тарқалган. Карам капалагига қараганда кўп учрайди.



**Белянка брюквенная, или Брюквенница — Pieris napi L.**

Отличается от капустной и репной белянок более темным опылением крыльев, наличием двух черных пятен и более широкой черной каймы на передних крыльях. Размах крыльев 35—40 мм. Вредит брюкве, репе и другим огородным растениям.

Распространена повсеместно.

**Брюква капалаги — Pieris napi L.**

Қанотларининг бирмунча қорамтирлиги, олдинги қанотларида иккита қора рангли холи ва анча кен қора ҳошияси борлиги билан карам оқ капалаги ва шолғом капалагидан фарқ қилади. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 35—40 мм. Брюква, шолғом ва бошқа дала экинларини зарарлайди.

Ҳамма жойда тарқалган.




**Зорька — Anthocharis cardamines L.**

Небольшая красивая бабочка светлой окраски. Весной своим появлением украшает природу. Крылья светло-серые. Самки и самцы отличаются. У самцов на

**Тонг капалаги — Anthocharis cardamines L.**

Оқиш тусли унча йирик бўлмаган чиройли капалак. Баҳорда пайдо бўлиши билан табиат гўзаллашади. Қанотлари оч кулранг. Урғочиси билан эркаги



передних крыльях у вершины имеется большое оранжевое пятно. Размах крыльев достигает 30—40 мм. Гусеницы голубовато-зеленые с белыми полосами вдоль тела. Гусеницы питаются на дикорастущих крестоцветных, а бабочки — нектаром цветов. Лет бабочки наблюдается в апреле-июне.

Встречается в Средней Азии. Численность ее сильно сократилась. Нуждается в охране.

бир-биридан фарқ қилади. Эркагининг олдинги қанотлари учига яқин тўқ сариқ йирик холи бўлади. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 30—40 мм. Қуртлари кўкимтир, яшил танаси бўйлаб оқ йўл ўтган. Қуртлари ёввойи крестгулдошларда, капалаклари гулларнинг шираси билан озиқланади. Апрель-июнь ойларида капалаклари учиб чиқиши кузатилади.

Ўрта Осиёда учрайди. Уларнинг сони кескин камайиб кетган. Муҳофаза қилиш зарур.



**Белянка резедовая — *Leucochloe claridicae* Pz.**

Крылья белого цвета, размах их 30—45 мм. Нижняя поверхность задних крыльев с зелеными пятнами. Гусеницы питаются на гулявнике, бурачниковых, дикорастущих и культурных крестоцветных. Лет наблюдается с мая по август. В отдельные годы бабочка может вредить капусте, редьке, редиске, репе и другим крестоцветным.

Распространена повсеместно — на огородах, в саду.

**Резеда оқ капалаги — *Leucochloe claridicae* Pz.**

Қанотлари оқ рангда, уларни ёзгандаги кенглиги 30—45 мм. Орқа қанотларининг орқа томонида яшил холлари бор. Қуртлари қуртэна, момақалдиروقда, ёввойи ва маданий крестгулдошларда озиқланади. Май-август ойларида капалаклари учиб чиқиши кузатилади. Айрим йилларда капалаклар карам, турп, шолғом ва бошқа крестгулдошларни зарарлаши мумкин.

Ҳамма жойда тарқалган. Полизларда, мева боғларида учрайди.



**Лимонница — *Goneopteryx rhamni* L.**

Самки бабочек зеленоватые, самцы лимонно-желтые. Посередине каждого крыла имеется оранжевая точка. Зимуют взрослые бабочки, вылетают из зимовки ранней весной (в марте). Гусеницы питаются листьями только что распутившейся крушины. Лет бабочек нового поколения наблюдается с конца июня до октября.

Распространена в Средней Азии — на равнине и в предгорьях на древесно-кустарниковой растительности.

**Лимонранг капалак — *Goneopteryx rhamni* L.**

Капалакнинг урғочилари оч яшил, эркаклари лимонранг-сарик. Ҳар қайси қанотининг ўртасида тўқ сариқ нуқтаси бор. Вояга етган капалаклари қишлайди, эрта баҳорда (мартда) қишлаш жойидан учиб чиқади. Қуртлари фақат тоғжумрутнинг тўкилган барглари билан озиқланади. Июнь ойининг охирларидан октябрь ойигача янги капалаклар учиб чиқиши кузатилади.

Ўрта Осиёда — текисликларда ва тоғ олди зоналарда да-рахтбуталар орасида учрайди.

**Зорька Фаустуса — *Zegris fausti* Chr.**

Красивая крупная бабочка со светлыми крыльями. Передние крылья молочные с ярко-оранжевой широкой каймой на верхних углах и с одним сердцевидным черным пятном. Задние крылья сероватые с одним светло-красным пятном. Размах крыльев 38—40 мм. Кормовое растение до сих пор неизвестно. Редкий вид. Подлежит охране.

Эндемик Средней Азии. Обитает в песчаной пустыне и полупустыне.

**Фауст тонг капалаги — *Zegris fausti* Chr.**

Қанотлари оқиш бўлган чиройли йирик капалак. Олдинги қанотлари сут каби оқ, юқориги бурчакларида тиниқ тўқ сариқ ҳошияси ва биттадан юраксимон қора холи бор. Орқа қанотлари оч кулранг, оч қизил биттадан холи бор. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 38—40 мм. Озиқланадиган ем-хашак ўсимлиги ҳанузгача номаълум. Қам қолган турлардан бири. Муҳофаза қилинади.

Ўрта Осиёнинг эндемик тури. Қумли чўл ва чала чўлларда учрайди.



**Степная желтушка — *Colias erate* Esp.**

Самцы ярко-желтого цвета, самки — грязно-белого. На передних и задних крыльях у них по краям имеется широкая черная кайма, на передних — по одному пятну. Гусеницы питаются на люцерне, диких мотыльковых, на горохе, фасоли и других диких и сорных растениях, объедая листья. Лет бабочек наблюдается с апреля по ноябрь.

Распространена повсеместно — в долинах, предгорьях и горах, а также в оазисах на люцерниках.

**Чўл сариқ капалаги — *Colias erate* Esp.**

Эркаги тиниқ сариқ, ургочиси хира оқ тусли капалак. Уларнинг олдинги ва орқа қанотлари четида энли қора ҳошияси, олдинги қанотларида эса биттадан оқ холи бор. Қуртлари беда, ёввойи капалакгулдошлар, нўхат, ловия ва бошқа, ёввойи ҳамда бегона ўтларнинг барглари билан озиқланади. Апрель ойдан то ноябрь ойи ичида капалаклари учиб чиқиши кузатилади. Қуртлари бедага зарар етказиши маълум.

Ҳамма жойда тарқалган. Водийларда, тоғ этагида ва тоғларда, шунингдек, воҳалардаги бедазорларда учрайди.



**Семейство голубянки — *Lycaenidae***

**Голубянка Икар — *Lycaena icarus* Rott.**

Небольшая булавовидная бабочка с размахом крыльев 25—30 мм. Самки окрашены в голубовато-коричневые тона, самцы нежно-голубые, с рядом глазков на задних крыльях. Гусеницы питаются на люцерне, доннике и других бобовых. Лет наблюдается с мая по сентябрь.


Распространена повсеместно. Обитает в травянистой растительности на лугах, полях, лесных полянах, равнинах и в предгорьях. Хороший опылитель люцерны и других цветковых растений.


**Кўк капалаклар оиласи — *Lycaenidae***

**Икар кўк капалаги — *Lycaena icarus* Rott.**

Унча йирик бўлмаган, қанотларини ёзгандаги кенглиги 25—30 мм келадиган тўғноғичсимон капалак. Ургочилари кўкимтир-жигарранг, эркаклари оч кўк рангда, орқа қанотларида бир нечта кўзи бўлади. Қуртлари беда, қашқарбеда ва бошқа дуккақдошларда озиқланади. Май-сентябрь ойи ичида капалаклари учиб чиқиши кузатилади.

Ўтлоқларда ўтлар орасида, далаларда, ўрмон ялангликларида учрайди. Беда ва бошқа гулли ўсимликларнинг яхши чағлатгичи ҳисобланади.





**Червонец пятнистый, или Многоглазка — *Chrysophanus virgaureae* L.**

Красивая бабочка, огненно-красного цвета. Размах крыльев 30—35 мм. Верхняя сторона крыльев у самцов красновато-золотистая с черной каймой, у самки — золотисто-желтая с черными пятнами. Гусеницы питаются и развиваются на щавеле. Лет бабочек наблюдается в июне-августе.

Распространена в Средней Азии — на опушках леса, лугах, в поймах рек и предгорьях. Вид стал редким, нуждается в охране.

**Қизил чинор, яғни кўп кўзли капалак — *Chrysophanus virgaureae* L.**

Оловранг-қизил чиройли капалак. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 30—35 мм. Эркаклари қанотининг устки томони қизғиш тилларанг, ҳошияси қора, урғочилариники тилларанг-сарик, холлари қора. Қуртлари отқулоқ ўсимлигида озиқланади ва яшайди. Июнь-августда капалаклари учиб чиқиши кузатилади.

Ўрта Осиёда ўрмон ялангликлариди, ўтлоқ ва дарё кайирлариди учрайди. Кам қолган тур. Муҳофаза қилинади.



**Семейство Нимфалиды — Nymphalidae**  
**Переливница — *Apatura* sp.**

Крупная бабочка. Верхняя сторона крыльев у самок чернобурая, у самцов — с великолепным фиолетовым отливом. Гусеницы живут и питаются на тополе и иве. Лет наблюдается в июле-августе.

Обитает в предгорных районах.

**Нимфалидлар оиласи — Nymphalidae**  
**Жилвадор капалак — *Apatura* sp.**

Йирик капалак. Урғочилари қанотининг устки томони қора-қўнғир, эркаклариники бинафша ранг товладиган. Қуртлари терак ва толда озиқланади ва яшайди. Июль-август ойлариди капалаклари учиб чиқиши кузатилади.

Тоғ олди районлариди тарқалган.



**Ленточник Камилла — *Limenitis camilla* L.**

Бабочка темно-коричневой окраски с белой широкой перевязью на задних крыльях и белыми пятнами на передних, по форме и цвету имеет сходство с сухими или живыми листьями. Гусеницы питаются на жимолости и снежноягоднике. Лет бабочек наблюдается в мае-июне.

Распространена в предгорьях и горах среди древесно-кустарниковой растительности. Редкий вид, нуждается в охране.

**Камилла тасмалиси — *Limenitis camilla* L.**

Қорамтир-жигарранг тусли капалак, орқа қанотлариди кенг оқ боғлами ва олдинги қанотлариди оқ холлари бор, шакли ва ранги қуруқ ёки янги барғни эслатади. Қуртлари шилви ва бошқалар билан озиқланади. Май-июнь ойлариди капалаклари учиб чиқиши кузатилади.

Ўрта Осиёда тоғ олди зоналари ва шаҳарларда дарахт-буталар орасиди учрайди. Кам қолган тур. Муҳофаза қилинади.

**Данаида Хризипп — *Danais chrysippus* L.**

Характеризуется своеобразной окраской: передние крылья у нее буро-желтые с черным краем и вершиной, прорезанной косой перевязью из белых пятен; задние — ярко-желтые. Размах крыльев 58—62 мм. Гусеницы питаются на ваточнике. Лет бабочек наблюдается в июне-июле и в сентябре.

Обитатель тропиков. В Узбекистане встречается в южных районах в предгорной и горной зонах. Редкий вид, подлежит охране.

**Хризипп данаиды — *Danais chrysippus* L.**

Ўзига хос ранги билан фарқ қилади: унинг олдинги қанотлари қўнғир-сарик, четлари ва учи қора, оқ холлардан иборат қия боғлами бор; орқа қанотлари тиниқ сарик. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 58—62 мм. Қуртлари ўсимликнинг шохчаларида озиқланади. Июнь-июль ва сентябрь ойларида капалакларининг учиб чиқиши кузатилади.

Тропикларда яшайди. Ўзбекистонда жанубий районларда тоғ олди ва тоғли зоналарда учрайди. Кам қолган тур. Муҳофаза қилинади.



**Траурница — *Vanessa antiopa* L.**

Красивая бабочка. Крылья у нее сверху бархатистые, фиолетово-коричневые с широкой желтоватой каймой, перед которой находится ряд синих пятнышек; размах — до 7,5 см. Гусеницы питаются на тополе, иве, боярышнике. Лет наблюдается очень рано — в конце апреля и в июне-июле.

Встречается в горах Средней Азии — в зарослях древесно-кустарниковой растительности. Редкий вид, подлежит охране.

**Мотамсаро капалак — *Vanessa antiopa* L.**

Чиройли капалак. Қанотларининг устки томони бахмалсимон, бинафша-жигарранг, энли сарғиш ҳошияси олдида кўк доғлари бор. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 7,5 см. Қуртлари терак, тол, дўланада озиқланади. Капалаклари жуда эрта — апрелнинг охири ва июнь-июлда учиб чиқиши кузатилади.

Ўрта Осиё тоғларида дарахт-бутазорларда учрайди. Кам қолган тур. Муҳофаза қилинади.



**Репейница, или Чертополоховка — *Pyrameis cardui* L.**

Довольно крупная дневная бабочка. Характерная особенность ее состоит в том, что она прячет передние крылья, которые ярко окрашены, между задними так, что видны только их кончики. Наружная сторона крыльев буровато-розовая с черными пятнами, вершина передних крыльев черная, в белых пятнах. Гусеницы развиваются на различных сложноцветных — чертополохе, кузинии, карраке, крапиве и других растениях. Куколка прикрепляется открыто на этих растениях. В Узбекистане дает пять поколений. Лет ба-

**Чакамиғ, яъни кушқўнмас ўт капалағи — *Pyrameis cardui* L.**

## Ктырь — *Stiphopogon* sp.

Более мелкая муха-ктырь. Тело у нее стройное, серебристой окраски, покрыто густыми длинными волосками. Личинки и взрослые особи — хищники. Взрослые очень агрессивны и хватают добычу на лету.

Обитатель открытых пространств — степей и пустынь.

## Қтир — *Stiphopogon* sp.

Анча майда қтир-пашша. Танаси чиройли, кумушсимон рангда, узун тук билан қалин қопланган. Қуртлари ва вояга етган индивидлари йиртқич. Вояга етган индивидлари агрессив бўлиб, учиб юриб ўлжасини тутаяди.

Очиқ кенгликларда — чўл ва даштларда яшайди.

## Семейство Долгоножки — Tipulidae

**Муха-долгоножка — *Tipula* sp.**

Крупный комар. Отличается стройным телом (длиной 16—18 мм), длинными крыльями и очень длинными ногами. Усики нитевидные. Относится к древнейшим видам двукрылых. Питается соками растений. Яйца откладывает в почву. Личинки развиваются в перегное, питаются растительными остатками, но могут повреждать корни огородных растений.

Встречается в Средней Азии. Селится на влажных лугах, лесных полянах.

## Узуноёқ чивинлар оиласи — Tipulidae

**Узуноёқ пашша — *Tipula* sp.**

Йирик чивин. Танаси чиройли (узунлиги 16—18 мм); оёқлари жуда узун бўлиши билан фарқ қилади. Мўйлови ипсимон. Қўш қанотлиларнинг энг қадимги турларига қиради. Ўсимликлар шираси билан озиқланади. Тупроққа тухум қўяди. Қуртлари чириндида ривожланади. Ўсимликлар қолдиғи билан озиқланади, дала экинлари илдизини зарарлаши мумкин.

Ўрта Осиёда учрайди. Ўрмон ялангликларидаги сернам ўтлоқларда яшайди.

## Семейство Слепни — *Tabanidae*

Бычий слепень — *Tabanus bovinus* L.

Один из наиболее крупных видов, темно-бурой окраски. Усики у него короткие, серой окраски. Длина тела 19—24 мм. Хорошо видит. Самки питаются кровью крупных животных, самцы поменьше и питаются соком на цветках. Личинки слепней живут во влажной почве, вокруг водоемов и питаются органическими остатками, червями, моллюсками и другими беспозвоночными.

Распространен повсеместно в местах выпаса скота.

## Сўналар оиласи — *Tabanidae*

Қорамол сўнаси — *Tabanus bovinus* L.

Тўқ қўнғир рангли йирик ҳашарот турларидан бири. Мўйлови калта, кулранг тусда. Танасининг узунлиги 19—24 мм. Қўзи яхши кўради. Урғочилари қорамолларнинг қонини сўриб озиқланади. Эркаклари урғочиларидан кичикроқ бўлади ва ўсимликлар гулининг шираси билан озиқланади. Қуртлари нам тупроқда, сув ҳавзалари атрофида яшайди ва органик қолдиқлар, чувалчанглар, моллюскалар ва бошқа умуртқасизлар билан озиқланади.

Чорва моллари ўтлатиладиган ҳамма жойда тарқалган.



## Слепень Семенова — *T. semenovi* N. Ols.

Крупная муха (длина тела 13,5—17 мм) серой окраски. Ноги у нее серые, лапки черные. Яйца откладывает на ажрек, курмак и деревья, растущие около воды, рек и родников. Вышедшие из яиц личинки падают в воду и живут в верхних слоях влажной почвы по берегам рек, родников. Лет взрослых мух наблюдается в июне-августе.

Горноазиатский вид. Обитает в поясе древесно-кустарниковой растительности и арчовников. Кровососущее двукрылое. Нападает на лошадей, коз и крупный рогатый скот.

## Семёнов сўнаси — *T. semenovi* N. Ols.

Танаси кулранг, йирик (танасининг узунлиги 13,5—17 мм) пашша. Оёқлари кулранг, панжалари қора. Ажриқ, курмак ва сувга яқин жойда ўсадиган дарахтларга тухум қўяди. Тухумдан чиққан қуртлари сувга тушади ва дарё бўйлари ҳамда булоқлар атрофидаги нам тупроқнинг юза қатламида ҳаёт кечиради. Июнь-августда капалаклари учиб чиқади.

Осиё тоғли зонасининг вакили. Дарахт-буталардан иборат ўсимликлар ҳамда арчазорлар минтақасида яшайди. Қон сўрувчи қўш қанотлиларга кирди. От, эчки ва қорамолларга ҳужум қилади.



## Слепень Голова бледный — *T. golovi pallidus* N. Ols.

Крупная муха серой окраски. Лет наблюдается в конце июня-августе. Активный кровосос. Нападает на лошадей, ослов, рогатый скот и людей. Дает три поколения в год.

Встречается в Средней Азии — по южным склонам гор, в поясе низкогорий, по берегам рек.

## Голов рангпар сўнаси — *T. golovi pallidus* N. Ols.

Кулранг тусли йирик пашша. Июннинг охири — август ойларида капалаклари учиб чиқиши кузатилади. Актив қон сўрувчи. Отларга, эшакларга, қорамолларга ва ҳатто одамга ҳам ҳужум қилади. Йил давомида уч марта насл беради.

Ўрта Осиёда тоғларнинг жанубий ёнбағрида, паст тоғли минтақада, дарёлар бўйида учрайди.





**Слепень**  
**Chrysops sp.**

Отличается изумрудно-золотистыми глазами. Брюшко в основании с желтыми пятнами. Кровососущее двукрылое. Нападает на крупный рогатый скот и лошадей.

Обитает в пустынях и низкогорьях.

**Златоглазик —**

**Олтинкўз сўна — Chrysops sp.**

Кўзларининг зумрад-олтинсимон бўлиши билан фарқ қилади. Қорин қисмининг асосида сариқ холлари бор. Қон сўрувчи қўш қанотлиларга қиради. Қорамолларга ва отларга хужум қилади.

Чўлларда ва паст тоғли зоналарда учрайди.



**Семейство Жужжалы — Bombyliidae**  
**Печальница обыкновенная — Anthrax morio L.**

Тело у нее короткое (длиной 8—12 мм), коренастое, покрыто длинными волосками. Хоботок игловидный, хорошо приспособлен для высасывания нектара. Окраска тела и крыльев черная, лишь вершина их светлая. Личинки — паразиты других насекомых, развиваются в кубышках саранчовых, в гусеницах и куколках бабочек. Взрослые мухи питаются нектаром цветков.

Распространена повсеместно. Полезное двукрылое, уничтожает вредных насекомых.

**Визилдоқ пашшалар оиласи — Bombyliidae**  
**Росмана ғамгин визилдоқ — Anthrax morio L.**

Танаси калта (узунлиги 8—12 мм), йўғон, узун тук билан қопланган. Хартумчаси нинасимон, гуллар ширасини сўришга яхши мослашган. Танаси ва қанотлари қора, фақат учки қисми очроқ. Қуртлари бошқа ҳашаротлар паразити бўлиб, чигирткалар кўзачасида, капалаклар қурти ва гумбакларида ривожланади. Вояга етган пашшалар ўсимликлар гулининг шираси билан озиқланади.

Ҳамма жойда тарқалган. Фойдалиги қўш қанотлилар бўлиб, зарарли ҳашаротларни қиради.



**Печальница маврская — Anthrax maura L.**

Брюшко у нее толстое, серой окраски с черными и белыми полосами. Крылья черные, только вершина их прозрачная. Длина тела 6—10 мм. Личинки развиваются в коконах некоторых наездников.

Распространена повсеместно. В Узбекистане обитает во всех ландшафтах. Вид редкий, нуждается в охране.

**Мавр ғамгин визилдоғи — Anthrax maura L.**

Қорин қисми йўғон, кулранг, қора ва оқ холлари бор. Қанотлари қора, фақат учки қисми шаффоф. Танасининг узунлиги 6—10 мм. Қуртлари айрим яйдоқчилар пилласида ривожланади.

Ҳамма жойда тарқалган. Ўзбекистонда барча ландшафтларда учрайди. Кам учрайдиган тур, муҳофаза қилиш керак.



**Семейство Журчалки, или Сирфиды — Syrphidae**

**Сирф веночный — Syrphus collaris F. W.**

Безобидная муха, очень похожа на осу. Тело у нее длиной 10—13 мм, темное с металлическим отливом; на каждом сегменте (членике) брюшка — по два полулунных желтых пятна. Взрослые мухи питаются нектаром цветков; личинки — хищни-

**Шилдирама пашшалар, яъни сирфидлар оиласи — Syrphidae**

**Баргак сирфи — Syrphus collaris F. W.**

Кўринишидан арига жуда ўхшайдиган беозор пашша. Танасининг узунлиги 10—13 мм, металл каби ялтироқ, қорамтир; қорин қисмининг ҳар қайси бўғимида сариқ рангли яримойсимон иккитадан холи бор. Вояга етган пашшалари гуллар

ки, уничтожают тлей в садах, огородах и на хлопчатнике, чем приносят большую пользу.

Встречается повсеместно.

**Ильница цепкая — *Eristalis tenax* L.**

Изящная, яркоокрашенная, средних размеров (длина тела 12—15 мм) муха. Брюшко у нее с желтыми и черными полосами. Превосходно летает и подолгу может зависать в воздухе. Взрослые мухи питаются на цветках. Личинки живут и развиваются в сточных водоемах, питаются мелкими позвоночными и из-за длинной дыхательной трубки напоминают крысиный хвост. Взрослые мухи — опылители цветковых растений.

Встречается всюду.

**Шмелевидка — *Valucella bombylans* L.**

Муха средних размеров. Тело ее густо покрыто волосатым покровом. Брюшко с черными и желтыми полосами из волосков. Очень похожа на шмеля, но в отличие от него сидит спокойно на растениях. Личинки живут в гнездах шмелей и ос. Взрослые — опылители цветковых растений.

Широко распространена в Средней Азии и Казахстане.

**Семейство Настоящие мухи — *Muscidae***

**Домашняя муха — *Musca domestica* L.**

Всем хорошо известная домашняя муха, один из самых постоянных спутников человека. Тело ее длиной 7—9 мм, серой окраски. Грудь и брюшко сероватые или черные. Ноги и усики опушенные. Личинки всеядны, проходят развитие в кухонных отбросах, помойных ямах, навозе, а взрослые особи питаются большей частью жидкими веществами.

Встречается повсеместно. Опасна как переносчик кишечных заболеваний.

шираси билан озиқланади. Йиртқич қуртлари эса боғлардаги, дала экинлари ва ғўзадаги ширани қириб катта фойда келтиради.

Ҳамма жойда тарқалган.

**Балчиқ шилдирама пашшаси — *Eristalis tenax* L.**

Ранги тиниқ, чиройли, ўртача йирик (танасининг узунлиги 12—15 мм) пашша. Қорин қисми сариқ, қора йўллари бор. Яхши учади ва узоқ вақт ҳавода муаллақ ҳолатда тура олади. Вояга етган пашшалар гуллар билан озиқланади. Қуртлари қўлмак сувларда яшайди ва ривожланади, майда умуртқасизлар билан озиқланади, узун нафас олиш найи уни каламуш думига ўхшатиб кўрсатади. Вояга етган ҳашаротлар гулли ўсимликларни чангловчилардир.



**Арисимон шилдирама пашша — *Valucella bombylans* L.**

Ўртача пашша. Танаси тук билан қалин қопланган. Қорин қисмида туклардан иборат қора ва сариқ йўллари бор. Қовоғарига жуда ўхшайди, лекин ўсимликда тинч қўниб ўтириши билан ундан фарқ қилади. Қуртлари қовоғари ва сариқарилар инида яшайди. Вояга етган ҳашаротлар гулли ўсимликларни чангловчилардир.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда кенг тарқалган.



**Асл пашшалар оиласи — *Muscidae***

**Уй пашшаси — *Musca domestica* L.**

Ҳаммага яхши таниш бўлган уй пашшаси одамнинг доимий йўлдоши ҳисобланади. Танаси 7—9 мм га етади, ранги кулранг. Кўкрак ва қорин қисми оч кулранг ёки қора. Оёқлари ва мўйлови тукли. Қуртлари ҳаммахўр, бутун ривожланиши ошхонада, ювинди чуқурлари, гўнгда ўтади, вояга етган пашшалар эса асосан суюқ ҳолатдаги моддалар билан озиқланади. Ҳамма жойда учрайди. Ичак касаллиқларини тарқатувчи сифатида хавфли.





**Муха черная навозница —  
*Mesembrina meridiana L.***

Небольшая муха (длиной 11—13 мм), коренастая, черной окраски. Крылья у нее прозрачные, желтоватой окраски. Личинки — хищники, живут в помете крупного рогатого скота, в навозе. Является санитаром.

Распространена в орошаемой зоне. Встречается на листьях, стволах деревьев. Хищник.

**Қора гўнг пашшаси — *Mesembrina meridiana L.***

Унча йирик эмас (танасининг узунлиги 11—12 мм), қора рангли миқча пашша. Қанотлари шаффоф, сарғиш. Йиртқич қуртлари қорамоллар нажасида, гўнгда яшайди. Санитар ҳашарот ҳисобланади.

Сугориладиган зоналарда тарқалган. Дарахтлар баргида, танасида учрайди. Йиртқич.



**Семейство Серые мясные мухи — *Sarcophagidae***

**Вольфартова муха — *Wohlfartia magnifica Schin.***

Довольно крупная муха (длиной 10—15 мм) светло-серой окраски. На груди три продольные темные полосы, на брюшке — черные пятна. Крылья прозрачные со множеством жилок. Питается на цветках, трупах животных. Живородящая. Самки могут отложить до 200 личинок, которые паразитируют на позвоночных животных. Яйца откладывают в ранки, уши, глаза, нос, что вызывает тяжелые заболевания — миазы.

Распространена в Средней Азии — в пустынной и полупустынной зонах.

**Кулранг гўшт пашшалари оиласи — *Sarcophagidae***

**Вольфарт пашшаси — *Wohlfartia magnifica Schin.***

Анча йирик (узунлиги 10—15 мм), ранги оч кулранг пашша. Қўкраги бўйлаб тўқ тусли учта йўл ўтган. Қорин қисмида қора холлари бор. Қанотлари шаффоф, сертомир. Гулларда, ҳайвон ўлимтикларида озиқланади. Тирик туғади. Урғочи пашша 200 тағача бола туғади, улар умуртқасизларда паразитлик қилади. Тухум қўядиган пашша эса тухумини ҳайвонларнинг шикастланган жойларига — қулоқларига, қўзларига, бурнига қўйиб, оғир касаллик — миазларни келтириб чиқаради.

Ўрта Осиёда чўл ва чала чўл зоналарда тарқалган.





## Класс Паукообразные — Arachnida

Ядовитые членистоногие представлены классом паукообразных — Arachnida и многоножек — Myriapoda. Класс паукообразных подразделяется на несколько отрядов: скорпионы (Scorpiones), сольпуги (Solifugae), пауки (Aranei) и др.

Паукообразные отличаются от насекомых тем, что тело их состоит из двух отделов: головогруды и брюшка. Усики отсутствуют, глаза простые. К головогруды прикрепляются конечности — хелицеры, педипальпы и четыре пары ходильных ног. Тело покрыто хитинизированной кутикулой.

К особенностям паукообразных относится наличие у них ядовитых и паутинных желез. Ядовитые железы у скорпионов расположены в конечном членике брюшка, а у пауков — на концах хелицер. Все паукообразные являются хищниками, и ядовитые железы у них служат эффективным средством нападения на жертв.

Размножаются половым путем. Большинство откладывает оплодотворенные яйца, но есть и живородящие, такие, как скорпионы. У пауков яйца оплетаются паутинным коконом, которые самка сохраняет в гнезде или носит с собой. Скорпионы носят детенышей на спине.

Живут в почве, в норах грызунов и других животных. Пауки строят ловчие сети и убежища.

В мире насчитывается около 35000 видов паукообразных. На территории Узбекистана выявлено около 20 видов ядовитых паукообразных.

Ядовитые пауки, скорпионы, фаланги в природе уничтожают большое количество вредных видов насекомых, тем самым приносят большую пользу. В то же время укусы этих видов паукообразных опасны для человека и сельскохозяйственных животных. В настоящее время яды ядовитых

## Ўргимчаксимонлар синфи — Arachnida

Заҳарли бўғимоёқлилар ўргимчаксимонлар (Arachnida) ва кўпоёқлиларга (Myriapoda) бўлинади.

Ўргимчаксимонлар синфи бир қанча туркумларга: чаёнлар (Scorpiones), сольпуглар (Solifugae), ўргимчаклар (Aranei) ва бошқаларга бўлинади.

Ўргимчаксимонлар танаси икки бўлимдан, бош-қўкрак ва қориндан иборат бўлиши билан ҳашаротлардан фарқ қилади. Мўйлови йўқ, кўзлари оддий. Бош-қўкрак қисмига оёқлари — хелицералари, педипальпаси, тўрт жуфт юриш оёқлари бириккан. Танаси хитинлашган кутикула билан қопланган.

Ўргимчаксимонларнинг хусусиятларидан бири заҳарли ва ўргимчак ипи ишлаб чиқарадиган безлар бўлишидир. Чаёнларда заҳарли модда ишлаб чиқарадиган безлар қориннинг охириги бўғимида, ўргимчакларда эса хелицераси учидан жойлашган. Ҳамма ўргимчаксимонлар йиртқич бўлиб, заҳарли модда ишлаб чиқарадиган безлари қушандаларидан ҳимояланиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Жисий йўл билан кўпаяди. Кўпчилиги уруғланган тухум кўяди, чаён кабилар эса тирик туғади. Ўргимчакларнинг тухуми ўргимчак ипларидан тўқилган пилла ичида жойлашган бўлиб, уларни урғочилари инида сақлайди ёки ўзи билан олиб юради. Чаёнлар боласини орқасида опичлаб юради.

Ўргимчаксимонлар тупроқда, кемирувчилар ва бошқа ҳайвонлар инида яшайди. Ўргимчаклар тутқич тўр тўқийди ва ўзига ин қуради. Дунё бўйича ўргимчаксимонларнинг қарийб 35 000 тури бор.

Заҳарли ўргимчаклар, чаёнлар, қора қуртлар табиатда кўплаб зарарли ҳашаротларни қириб, шу йўл билан катта



членистоногих изучаются с целью использования их в медицине.

фойда келтиради. Шу билан бирга уларнинг чақиши одам ва чорва моллари учун хавфли. Ҳозирги вақтда захарли бўғимоёқлиларнинг захаридан табобатда фойдаланиш учун қузатиш ишлари олиб борилмоқда.



## Отряд Скорпионы — Scorpiones

Это древнейший среди наземных членистоногих отряд. Скорпионы бывают средних или крупных размеров (5—20 см). Тело их состоит из головогруди и удлиненного брюшка (10 члеников), заканчивающегося ядовитым аппаратом. Педипальпы превращены в мощные хватательные клещи.

Скорпионы — обитатели стран с жарким климатом. Селятся под камнями, в дувалах и других укромных местах. На охоту выходят ночью. Ходят медленно, приподняв вверх хвост. Скорпионы — хищники, свою добычу схватывают клещами и убивают ядом.

Скорпионы живородящи. Укол их очень болезнен.

Скорпионы уничтожают много вредных видов насекомых, тем самым поддерживая баланс в природе.

В Средней Азии встречается 7 видов скорпионов.

## Чаёнлар туркуми — Scorpiones

Бу ер юзасидаги бўғимоёқлиларнинг энг қадимги туркумидан бўлиб, ўрғача ёки йирик (5—20 см) бўлади. Танаси бошқўкрак ва узунчоқ қорин қисмидан (10 та бўғимдан) иборат бўлиб, учки қисми захарли аппарат билан тугайди. Педипальпаси бақувват қисқичга айланган.

Чаёнлар иссиқ иқлимли мамлакатларда яшайди. Тошлар остида, деворлар орасида ва бошқа пастқам жойларда бўлади. Тунда ов қилади. Думини юқорига қўтарган ҳолда секин юради. Чаёнлар йиртқич, ўлжасини қисқичи билан ушлаб олади ва захари билан нобуд қилади.

Чаёнлар тирик туғади. Улар чаққанда кучли оғриқ пайдо бўлади. Чаёнлар кўплаб зарарли хашаротларни йўқотади ва шу билан табиатда мувозанатни сақлаб туради.

Ҳозир 15 га яқин тури учрайди. Шулардан 7 тури Ўрта Осиёда тарқалган.



## Пестрый скорпион — Buthus eupeus Koch.

Длина его тела 60—65 мм; окраска сильно варьирует — от светло-желтой, красноватой до зеленоватой, часто с пятнами. Селится пестрый скорпион под камнями, оставшей корой, в норках других животных, в дувалах. Живородящ, носит своих детенышей на спине. Сильно ядовит. Ядовитая железа находится на конце хвоста и открывается кривым острым жалом. Укол болезнен и опасен, особенно для маленьких детей. Питается живой добычей — насекомыми, многоножками, пауками.

Встречается в Средней Азии повсеместно.

## Чипор чаён — Buthus eupeus Koch.

Танасининг узунлиги 60—65 мм. Ранги оч сариқ қизғишдан яшилгача, кўпинча холли бўлади. Тошлар остида, бошқа ҳайвонларнинг ташландиқ инида, деворларда бўлади. Тирик туғади, болаларини орқасида опичлаб юради. Кучли захарли. Захар безлари думининг охирида жойлашган бўлиб, ўткир учли найза билан очилади. Чаққанда кучли оғриқ пайдо бўлади ва жуда хавфли. Айниқса ёш болалар учун жуда хавфлидир. Тирик хашаротлар кўпоёқлилар, ўргимчаклар билан озиқланади, катта фойда келтиради.

Ўрта Осиёда ҳамма жойда учрайди.

**Черный скорпион — *Buteolus melanurus* Koch.**

Тело его длиной 50—55 мм, черной окраски. Размножается, как все скорпионы, живорождением. Активный хищник, поедает мелких насекомых.

Встречается на юге Узбекистана. Редкий вид.

**Қора чаён — *Buteolus melanurus* Koch.**

Танасининг узунлиги 50—55 мм, қора. Ҳамма чаёнлар сингари тирик туғиб кўпаяди. Актив йиртқич, майда ҳашаротлар билан озиқланади.

Ўзбекистоннинг жанубида учрайди. Кам сонда қолган тур.



**Отряд Сольпуги, или Фаланги — *Solifugae***

Крупные членистоногие (длиной 5—9 см). Тело их состоит из расчлененной головогрудки, несущей крупные хелицеры с клешнями, педипальпы и четыре пары ног. Брюшко крупное, полшаровидное, разделено десятью члениками. Тело покрыто многочисленными волосками и щетинками. Очень быстро бегают. Размножаются откладкой оплодотворенных яиц в заранее вырытую ямку. Активные хищники. Днем прячутся в укрытиях, ночью охотятся. Очень прожорливы. Питаются насекомыми, ящерицами, птенцами мелких птиц, а также их трупами. Ядовитых желез у сольпуг нет. Пищу они разрывают мощными хелицерами.

**Бийлар, яъни фалангалар туркуми — *Solifugae***

Йирик бўғимоёқлилар (узунлиги 5—9 см). Танаси бўғимларга бўлинган бош кўкрак қисмидан иборат бўлиб, қисқичли хелицираси, педипальпалари ва тўрт жуфт оёғи бўлади. Қорин қисми йирик, ярим шарсимон, ўнта бўғимга бўлинган. Танаси кўп толалар ва туклар билан қопланган. Жуда тез югуради. Олдиндан тайёрлаб қўйган чуқурчага уруғланган тухум қўйиш йўли билан кўпаяди. Актив йиртқич. Кундузи пана жойларга яшириниб олади, тунда ов қилади. Жуда очкўз. Ҳашаротлар, калтакесаклар, қушларнинг жиш болалари, шунингдек, уларнинг ўлимтиклари билан озиқланади. Уларнинг заҳар беи бўлмайди. Озиқни кучли хелицералари билан майдалайди.



**Закаспийская фаланга — *Galeodes caspicus* Bir.**

Крупное паукообразное (длиной 50—70 мм), с сильно волосистым телом буро-желтой окраски, с мощными хелицерами, направленными вперед. Очень быстро бегают и прыгает. Днем прячется под камнями, в норах грызунов и других животных. Активна ночью. Хищник, поедает насекомых, многоножек, пауков, ящериц, птенцов мелких птиц и грызунов. Ядовитых желез у фаланг нет, но могут прокусить кожу человека и вызвать воспаление или занести инфекцию. Размножается откладкой яиц в своих норах. Самец после спаривания старается быстро убежать, чтобы не быть тут же съеденным.

**Закаспий бийи — *Galeodes caspicus* Bir.**

Бўғимоёқлиларнинг йирик вакили (узунлиги 50—70 мм), қўнғир-сариқ тук билан қалин қопланган кучли хелицерлари олдинга йўналган. Жуда тез югуради ва сакрайди. Кундузи тошлар остига, бошқа кемирувчилар ва ҳайвонлар инига яшириниб олади. Тунда актив бўлади. Йиртқич, ҳашаротларни, кўпоёқлиларни, ўргимчакларни, калтакесакларни, қушларнинг жиш болалари ва бошқа кемирувчиларни еб битиради. Уларда заҳар безлар бўлмайди, лекин одамни чақса, касаллик юқтириши мумкин. Ўз инига тухум қўйиш йўли билан кўпаяди. Эркаклари жуфтлашгандан кейин тезда яширинишга, яъни шу заҳотиёқ ем бўлишдан қочиб улгуради.



Распространена в пустынях и полупустынях Средней Азии.

Ўрта Осиёда чўл ва чала чўлларда тарқалган.



## Отряд Пауки — *Aranei* — Ўргимчаклар туркуми — *Aranei*

Это самый большой отряд паукообразных, насчитывающий более 20 000 видов. Встречаются пауки всюду.

Форма тела у пауков шарообразная. Маленькая головогрудь и яйцевидное брюшко, часто нечленистое. Размеры различны (от 0,8 до 11 см). Окраска тела также разнообразна. На конце хелицер, которыми паук схватывает и убивает добычу, находится проток ядовитой железы. На брюшке расположены паутинные бородавки, открывающиеся паутинными трубочками. Паутина, выделяемая из этих трубочек, используется для построения ловчей сети и коконов. Размножаются половым путем. Яйца откладывают в коконы, которые помещают в гнезда. Кокон охраняют и заботятся о нем.

Пауки — прожорливые хищники. Питаются насекомыми, из которых высасывают содержимое тела.

Продолжительность жизни пауков — от года до нескольких лет.

Пауки полезны тем, что уничтожают много вредных видов насекомых.

Ўргимчаксимонларнинг энг катта туркуми бўлиб, 20 000 дан ортиқ тури бор. Ҳамма жойда учрайди.

Ўргимчакларнинг танаси шарсимон (юмалоқ). Кичик бош-кўкраги ва тухумсимон қорни кўпинча бўғимларга бўлилмаган. Ўлчами 0,8 дан 11 см гача боради. Танасининг ранги ниҳоятда хилма-хил. Хелицералари учидан захар чиқадиган йўли бор. Ўргимчак хелицераси ёрдамида ўлжасини тутиб олади ва нобуд қилади. Қорин қисмида ўргимчак иплари ишлаб чиқарадиган сўғаллари бўлиб, улар ингичка найчалар билан тугайди. Бу найчалардан ажралиб чиқадиган ўргимчак иплари тутқич тўр тўқиш ва пилла ўраш учун сарфланади. Жинсий йўл билан кўпаяди. Инидаги пиллаларга тухум қўяди. Пиллаларни ўзи сақлайди ва муҳофаза қилади.

Ўргимчаклар очкўз йиртқич. Ҳашаротлар билан озиқланиб, улар танасининг моддасини сўради.

Ўргимчаклар бир йилдан бир неча йилгача яшайди.

Ўргимчаклар кўплаб зарарли ҳашаротларни қириб, фойда ҳам келтиради.



## Семейство Тенетники — *Theridiidae*

Паук-крестовик обыкновенный — *Araneus diadematus* L.

Брюшко у него серо-бурое. На спинной стороне имеются светлые пятна, образующие фигуру, похожую на крест. Размножается откладкой яиц в коконы, которые подвешивает в укромных местах. Питается мелкими насекомыми.

Распространен повсеместно. Обитает в лесах, на полях, в садах. Часто встречается в домах.

## Тўр тўқувчи ўргимчаклар оиласи — *Theridiidae*

Росмана бутли ўргимчак — *Araneus diadematus* L.

Қорин қисми кулранг-қўнғир. Орқасида оқиш холлари бор, улар бутга ўхшаш шакл ҳосил қилади. Пана жойларга осиб қўядиган пиллаларига тухум қўяди. Майда ҳашаротлар билан озиқланади.

Ҳамма жойда тарқалган. Ўрмонларда, далаларда, боғларда яшайди. Кўпинча хонадонларда учрайди.

**Каракурт обыкновенный — *Latrodectus mactanus tridecim-guttatus* Rossi.**

Один из самых ядовитых пауков бархатно-черной окраски, с красными точками-вмятинами на брюшке. Длина тела самки 16—20 мм, самца — 4—7 мм. Селится в норках-логовах, которые строит в углублениях почвы, в норах грызунов, часто под кустами полыни, растягивая у входа тенету. Размножается откладкой яиц в белые коконы, которые помещает в гнезда. Характерная особенность самки — съедать самца после оплодотворения. Ядовит особенно в период половой зрелости самок — в июне-июле. Больше всего страдает от укуса каракурта скот на пустынных пастбищах.

Встречается в Средней Азии, Казахстане — в сухих степях, полупустынях и пустынях. Излюбленные места обитания — глинисто-песчаные, целинные земли с полынно-эфемеровой растительностью.

**Росмана қорақұрт — *Latrodectus mactanus tridecim-guttatus* Rossi.**

Бахмалсимон-қора рангли энг заҳарли ўргимчаклардан бири. Қорин қисмида ботиқ қизил нуқталар бор. Урғочилари танасининг узунлиги 16—20 мм, эркакларники 4—7 мм. Тупроқда, чуқурларда қурган инда, кемирувчилар уясида, кўпинча шuvoқ ўсимликлари туши остида учрайди. Инига яшириб қўядиган оқ пиллаларига тухум қўйиш йўли билан кўпаяди. Урғочи қорақуртнинг характерли хусусияти жуфтлашгандан кейин эркакларини еб қўйишидир. Урғочилари жинсий вояга етганда — июнь-июлда айниқса заҳарли бўлади. Чўл яйловларида ўтлатиладиган чорва моллари қора қурт чақишидан энг кўп зарарланади.

Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда қуруқ даштларда, чўлларда ва чала чўлларда учрайди. Уларнинг энг яхши кўрадиган жойи гил-қум тупроқли, шuvoқ-эфемерлар ўсадиган кўриқ ерлардир.



**Белый каракурт — *L. pallidus pavlovskiyi* Charit.**

Длина тела у белого каракурта 15—20 мм, окраска — белокремовая. На брюшке самки четко выражены черные пятна. Гнезда строит на кустарниках, чем отличается от других каракуртов этого семейства. Размножается откладкой яиц в белые коконы, которые подвешивает к стенке убежища. Питается насекомыми, попадающими в ловчую сеть. Иногда самка поедает самца. Сильно ядовит.

Встречается в южных районах Узбекистана — в Шерабадской, Нишанской степях и Кызылкуме, а также на юге Туркменистана. Обитает на пустынных территориях, покрытых полынью, янтаком, терескеном, саксаулом, кандымом и другой растительностью.

**Оқ қорақұрт — *L. pallidus pavlovskiyi* Charit.**

Танасининг узунлиги 15—20 мм, ранги оқ-оч сариқ. Урғочисининг қорин қисмида қора холлари бор. Улар яққол кўзга ташланади. Буталарга ин қуради, шу хусусияти билан у оиланинг бошқа вакиллари билан фарқ қилади. Пана жойлар деворига осиб қўядиган оқ пиллаларига тухум қўйиб кўпаяди. Тутқич тўрига илиниб қоладиган ҳашаротлар билан озиқланади. Баъзан урғочилари эркакларини еб қўяди. Жуда заҳарли.

Ўзбекистоннинг жанубий районларида — Шеробод, Нишон чўлларида ва Қизилқумда, шунингдек, Туркменистоннинг жанубида учрайди. Шuvoқ, янтоқ, терескен, саксовул, қандим ва бошқалардан иборат чўлли территорияларда яшайди.





**Семейство Эрезиды — Eresidae**

**Паук-волк стегодипус — *Stegodypus lineatus* Latr.**

Белый паук с тремя парами черных точек на брюшке. Длина тела у него 9—16 мм. Гнезда строит на высоте 30—40 см от земли. Откладывает всего один кокон (количество яиц в коконе 180—200 штук). Ядовит. Питается мелкими насекомыми, пауками.

Встречается в Узбекистане и Туркменистане — в пустынной и полупустынной зонах.

**Эрезиды — Eresidae**

**Стегодипус (бүри ўргимчак) — *Stegodypus lineatus* Latr.**

Қорин қисмида учта қора нуқтаси бор оқ ўргимчак. Танасининг узунлиги 9—16 мм. Ердан 30—40 см баландликка ин қуради. Биттагина пилласи бўлиб, унга 18—20 та тухум қўяди. Заҳарли. Майда ҳашаротлар ва ўргимчаклар билан озиқланади.

Ўзбекистонда ва Туркменистонда чўл ва чала чўл зоналарда учрайди.



**Эрезус Нигер — *Eresus niger* Pet.**

Наиболее крупный из ядовитых пауков (длиной до 25—30 мм), бархатисто-черного цвета. Самцы отличаются меньшими размерами и ярко-красным брюшком с 4—6 черными точками. Гнезда устраивает большей частью в предгорьях на рыхлых почвах, часто на окраинах посевов богарных зерновых культур. Самка откладывает по 1 кокону, который помещает в норку на глубине 10 см, и бережно его охраняет. Вышедшие из кокона паучки в первое время держатся на спине матери. Питается различными насекомыми, пауками и беспозвоночными. Ядовит.

Встречается в полупустынной и предгорной зонах.

**Йирик қорақурт (эрезус) — *Eresus niger* Pet.**

Заҳарли ўргимчакларнинг энг йириги бўлиб, узунлиги 25 дан 30 мм гача етади. Ранги баҳмалсимон-қора. Эркаклари урғочиларидан майдалиги ва тиниқ қизил қорин-қисмида 4—6 та қора нуқталар бўлиши билан фарқ қилади. Қўпинча тоғ олди районларда юмшоқ тупроқли ерларга, баҳорикорликдаги ғалла экинзорлари атрофига ин қуради. Урғочилари биттадан пилла қўйиб, уни инига 10 см чуқурликка яширади ва жуда эҳтиёткорлик билан қўриқлайди. Пилладан чиққан ўргимчаклар дастлабки вақтда онасининг орқасига ёпишиб олган ҳолда бўлади. Улар хилма-хил ҳашаротлар, ўргимчаклар ва умуртқасизлар билан озиқланади. Заҳарли.

Чўл ва чала чўл зоналарда учрайди.

**Семейство Пауки-волки — Lycosidae**

**Тарантул — *Lycosa singoriensis* Latr.**

Крупный паук (длиной 25—30 мм), от бурой до рыжей окраски, покрыт густыми волосками. Селится в вертикальных норках на глубине 50—100 см. Охотится только ночью, выходя из норки. Яйца откладывает в белый кокон, который носит на брюшке, прикрепляя к паутинным бородавкам. Ядовит, может прокусить кожу человека. Полезен тем, что уничтожает множество вредных насекомых.

Обитает в пустынной и полупустынной зонах Средней Азии.

**Бўри ўргимчаклар оиласи — Lycosidae**

**Тарантул (бий) — *Lycosa singoriensis* Latr.**

Ранги қўнғирдан малла тус гача, узунлиги 25—30 мм бўлган йирик ўргимчак. Танаси тук билан қалин қопланган. Тий қурилган инда (50—100 см чуқурда) яшайди. Фақат тунда овга чиқади. Қорин қисмидаги ўргимчак сўғалларига бириктириб қўйган оқ пилласига тухум қўяди. Заҳарли. Одам терисини узиб олиши мумкин. Кўплаб зарарли ҳашаротларни йўқотиб, фойда келтиради.

Ўрта Осиёда чўл ва чала чўл зоналарда учрайди.



**Семейство Клубиониды — Clubionidae**

**Хиракантиум — *Chiracanthium* sp.**

Мелкий паук (длиной 7—9 мм) с желтоватым брюшком. Ядовит, хотя и уступает в ядовитости видам рода *Latrodectus*.

Обитатель степной зоны. Изредка встречается в предгорьях.

**Клубионидлар оиласи — Clubionidae**

**Хиракантиум — *Chiracanthium* sp.**

Узунлиги 8—9 мм келадиган, қорин қисми сарғиш майда ўргимчак. Заҳарлилиги бўйича *Latrodectus* авлоди турларидан кейинда турса-да, лекин у ҳам заҳарли.

Чўл зонасида яшайди. Баъзан текислик ва тоғ олди зоналарда ҳам учрайди.



**Литефантус — *Lithyphantes pauculiamus* Walk.**

Очень похож на обыкновенного каракурта. Тело длиной 12—14 мм, на брюшке изогнутое в виде полумесяца красное пятно. Гнезда строит в земле. Живет также в покинутых домах, в трещинах дувалов, где растягивает ловчие сети-тенеты.

Встречается в Средней Азии.

**Литефантус — *Lithyphantes pauculiamus* Walk.**

Оддий қорақуртга жуда ўхшайди. Танасининг узунлиги 12—14 мм, қорин қисмида ярим-ойсимон эгилган қизил доғи бор. Ерга ин қуради. Шунингдек, ташландиқ уйларда, девор ёриқларида яшаб, ўша жойларга тутқич тўр тўқийди.

Ўрта Осиёда учрайди.





**Семейство Пауки-круго-  
пряды — Araneidae**

**Агриопа осовидная — *Agriopa  
bruennichi***

Красивый паук, похожий на осу. Тело у него длиной 7—8 мм, стройное, яркоокрашенное, с желтыми и черными полосами на брюшке.

Распространен повсеместно. Обитает в лесной зоне.

**Юмалоқ тўр тўқувчи ўр-  
гимчаклар оиласи — *Ara-  
neidae***

**Бингаксимон агриопа — *Agri-  
opa bruennichi***

Арига ўхшаш чиройли ўр-гимчак. Танаси 7—8 мм узунликда, тиниқ рангли, қорин қисмида сариқ ва қора йўллари бор.

Ҳамма жойда тарқалган. Ўрмон зонасида яшайди.



**Агриопа лопастная — *Agriopa  
lobata* Pall.**

Красивый паук, светлой окраски, с широким брюшком. Ловит насекомых, подстерегая их на деревьях.

Распространен повсеместно — в предгорьях и горах.

**Парраксимон агриопа — *Agri-  
opa lobata* Pall.**

Қорин қисми кенг, оқиш, чиройли ўргимчак. Ҳашаротларни дарахтлардан ахтариб тутиб ейди.

Ҳамма жойда — тоғ олди ва тоғли районларда тарқалган.



**Семейство Бокоходы —  
*Thomisidae***

**Бокоход — *Misumena* sp.**

Тело у него плоское, длиной до 10 мм, светлой окраски (от светло-зеленой, светло-желтой до белой). Передние две пары ног заметно длиннее задних. Ловчих тенет не делает. Передвигается одинаково хорошо вперед, боком и назад. Большой частью сидит на цветках и листьях, где поджидает насекомых. Самки носят яйцевые коконы при себе.


Распространен повсеместно. Вид не изучен.

**Ёнлаб юрүвчи ўргимчак-  
лар оиласи — *Thomisidae***

**Ёнлаб юрүвчи ўргимчак — *Mi-  
sumena* sp.**

Танаси ясси, узунлиги 100 мм гача, оқиш (оч яшилдан оч сариқ ва оқгача). Олдинги икки жуфт оёқлари орқа оёқларидан сезиларли даражада узун. Олдинга томон ёнбошлаб ва орқага бир хилда яхши юра олади. Кўпинча ўсимлик гуллари ва баргларида қўнган ҳолда ҳашаротларни пойлаб ўтиради. Урғочилари тухум қўйган пиллаларини ўзи билан олиб юради.

Ҳамма жойда тарқалган. Мазкур тур ҳали ўрганилмаган.







## Класс Многоножки — Myriapoda

Этот класс объединяет наземных членистоногих с вытянутым телом, состоящим из головы и туловища, множество члеников которого снабжено конечностями. Многоножки ведут скрытый образ жизни: прячутся в почве, под опавшими листьями, камнями. Хищники. Питаются насекомыми и другими членистоногими.

Класс Многоножки подразделяется на несколько отрядов. Главные из них — сколопендровые, мухоловки, костянки, кивсяки.

## Кўпоёқлилар синфи — Myriapoda

Мазкур синфга чўзиқ гавдаси бош ва тана қисмдан ташкил топган, танасининг бўғимларида кўп оёқлар бўлган ерда яшовчи бўғимоёқлилар киради. Улар яширин ҳаёт кечиради: тупроққа, тўкилган барглар, тошлар остига яшириниб олади. Йиртқич саналади. Ҳашаротлар ва бошқа бўғимоёқлилар билан озиқланади.

Бўғимоёқлилар синфи бир неча туркумга бўлинади. Улардан асосийлари кўпоёқлилар, пашшахўрлар ва бошқалардир.

## Отряд Сколопендровые — Scolopendromorpha

Самые крупные многоножки. Встречаются обычно в жарких странах. Живут под камнями, в трещинах скал и других укрытиях. Тело удлинённо-сплюсчённое, состоит из 21—23 члеников. Охотятся ночью. Нападают на насекомых и других беспозвоночных (жуков, прямокрылых, личинок и др.). Ноги приспособлены не только для быстрого бега, но и цепкого захватывания пищи. Размножаются откладкой яиц. Ядовиты. Укус болезнен, но не смертелен для человека.

## Кўпоёқлилар туркуми — Scolopendromorpha

Энг йирик кўпоёқлилар. Одатда, иссиқ мамлакатларда учрайди. Тошлар остида, қоялар ёриғида ва бошқа пана жойларда учрайди. Танаси чўзиқ-ясси, 21—23 та бўғимдан иборат. Тунда овга чиқади. Ҳашаротларга ва бошқа умуртқасизларга (қўнғизлар, тўғриқанотлилар ва уларнинг қуртларига) ҳужум қилади. Оёқлари фақат тез югуришга эмас, балки озиқни қамраб олишга ҳам мослашган бўлади. Тухум қўйиш йўли билан кўпаяди. Заҳарли. Чақса оғритади, лекин одамни нобуд қилмайди.



## Кольчатая сколопендра — Scolopendra cingulata

Крупная многоножка, окрашена в желто-бурый цвет. Характерная особенность — удлиненное, расчлененное на большое количество члеников (21—23) тело. Первая пара ног преобразована в хватательные. Обитает в почве и ведет скрытый образ жизни, выходя на поверхность только по ночам. Активный хищник. Питается различными крупными насекомыми, жуками, прямокрылыми, тараканами, а также моллюсками и пауками.

## Ҳалқали кўпоёқли — Scolopendra cingulata

Йирик кўпоёқли, сариқ-қўнғир тусда. Характерли хусусияти танаси чўзиқ кўп (21—23 та) бўғимга бўлинганлигидир. Олдинги бир жуфт оёғи чангаллаб олишга мослашган. Тупроқда яширин ҳолда яшайди. Фақат тунда юзага чиқади. Актив йиртқич. Ҳар хил йирик ҳашаротлар, қўнғизлар, тўғриқанотлилар, сувараклар, шунингдек, моллюскалар ва ўргимчаклар билан озиқланади. Тухум қўйиш йўли билан кўпая-

Размножается откладкой яиц. Ядовита, и укусы ее бывают очень болезненными, особенно у самок.

Встречается в основном в тропических странах, а также в Средней Азии. Приносит пользу тем, что истребляет множество вредных насекомых, клещей.

ди. Захарли, чаққанда, айниқса ургочилари чаққанда қаттиқ оғритади.

Асосан тропикларда ва Ўрта Осиёда учрайди. Қўплаб зарарли ҳашаротларни ва каналарни қириб фойда келтиради.


## **Отряд Мухоловки, Пашшахўрлар, яъни или Скутигеры — скутигералар туркуми — Scutigero- morpha**

Это стройные многоножки с 15 парами ног. На поверхности их тела имеется слой водонепроницаемой кутикулы, позволяющей обитать в засушливых местах. Очень быстро передвигаются. Селятся в расщелинах, под камнями, а также в домах. Питаются различными видами насекомых. Приносят пользу, истребляя комаров, мух.

Распространены в южных районах.

Булар нозик кўпоёқлилар бўлиб, 15 жуфт оёғи бор. Танасининг юзаси сув ўтказмайдиган кутикула қатлами билан қопланган. Бу унга қурғоқчилик жойларда бўлиш имконини беради. Жуда тез ҳаракатланади. Деворлар ёриғида, тошлар остида, шунингдек, уйларда бўлади. Ҳархил ҳашаротлар билан озиқланади. Қўплаб пашша, чивинларни қириб, фойда келтиради.

Жанубий районларда тарқалган.



# Содержание

ВВЕДЕНИЕ	5
----------	---

## КЛАСС НАСЕКОМЫЕ

ОТРЯД СТРЕКОЗЫ	9
ОТРЯД ТАРАКАНОВЫЕ	16
ОТРЯД БОГОМОЛОВЫЕ	18
ОТРЯД ТЕРМИТЫ	23
ОТРЯД ПРЯМОКРЫЛЫЕ	24
ОТРЯД КОЖИСТОКРЫЛЫЕ, ИЛИ УХОВЕРТКИ	38
ОТРЯД РАВНОКРЫЛЫЕ ХОБОТНЫЕ	39
ОТРЯД ПОЛУЖЕСТКОКРЫЛЫЕ, ИЛИ КЛОПЫ	42
ОТРЯД ЖЕСТКОКРЫЛЫЕ, ИЛИ ЖУКИ	49
ОТРЯД ВЕРБЛЮДКИ	76
ОТРЯД СЕТЧАТОКРЫЛЫЕ	76
ОТРЯД ПЕРЕПОНЧАТОКРЫЛЫЕ	78
ОТРЯД ЧЕШУЕКРЫЛЫЕ, ИЛИ БАВОЧКИ	91
ОТРЯД ДВУКРЫЛЫЕ, ИЛИ МУХИ	119

## КЛАСС ПАУКООБРАЗНЫЕ

ОТРЯД СКОРПИОНЫ	128
ОТРЯД СОЛЬПУГИ, ИЛИ ФАЛАНГИ	129
ОТРЯД ПАУКИ	130

## КЛАСС МНОГОНОЖКИ

ОТРЯД СКОЛОПЕНДРОВЫЕ	137
ОТРЯД МУХОЛОВКИ, ИЛИ СКУТИГЕРЫ	138

# Мундарижа

КИРИШ	6
-------	---

## ҲАШАРОТЛАР СИНФИ

НИНАЧИЛАР ТУРКУМИ	9
СУВАРАКЛАР ТУРКУМИ	16
БЕШИКТЕРВАТЛАР ТУРКУМИ	18
ТЕРМИТЛАР, ЯЪНИ ОҶ ЧУМОЛИЛАР ТУРКУМИ	23
ТЎҒРИ ҚАНОТЛИЛАР ТУРКУМИ	24
ТЎҒРИ ҚАНОТЛИЛАР, ЯЪНИ ҚУЛОҶ ҚАВЛАГИЧЛАР ТУРКУМИ	38
ТЕНГҚАНОТ ХАРТУМЛИЛАР ТУРКУМИ	39
ЯРИМ ҚАТТИҚ ҚАНОТЛИЛАР, ЯЪНИ ҚАНДАЛАЛАР ТУРКУМИ	42
ҚАТТИҚ ҚАНОТЛИЛАР, ЯЪНИ ҚЎНҒИЗЛАР ТУРКУМИ	49
БЎТАЛОҚЛАР ТУРКУМИ	76
ТЎРҚАНОТЛИЛАР ТУРКУМИ	78
ТАНГАЧА ҚАНОТЛИЛАР, ЯЪНИ КАПАЛАКЛАР ТУРКУМИ	91
ҚЎШ ҚАНОТЛИЛАР, ЯЪНИ ПАШШАЛАР ТУРКУМИ	119

## ЎРГИМЧАКСИМОНЛАР СИНФИ

ЧАЁНЛАР ТУРКУМИ	128
БИЙЛАР, ЯЪНИ ФАЛАНГАЛАР ТУРКУМИ	129
ЎРГИМЧАКЛАР ТУРКУМИ	130

## КЎПОЁҚЛИЛАР СИНФИ

КЎПОЁҚЛИЛАР ТУРКУМИ	137
ПАШШАХЎРЛАР, ЯЪНИ СКУТИГЕРАЛАР ТУРКУМИ	138

*На русском и узбекском языках*

МОИСЕЕВ ВЛАДИМИР АЛЕКСАНДРОВИЧ

**ДАВЛЕТШИНА АМИНА ГАЛИМОВНА**

**МИР НАСЕКОМЫХ УЗБЕКИСТАНА**

**(Мир насекомых и других членистоногих)**

**ЎЗБЕКИСТОН ҲАШАРОТЛАР ДУНЁСИ**

**(Ҳашаротлар ва бошқа бўғимоёқлилар дунёси)**

Ташкент «Ўқитувчи» 1997

Переводчик *Р. Авазов*

Редакторы *Н. Г. Плотникова, Н. Иноятова*

Макет и оформление художника *Г. Г. Журнова*

Художественные редакторы *И. Е. Мигерев, В. П. Слабунов, С. Гиленко*

Технический редактор *Э. В. Вильданова*

Корректоры *В. Тараненко, М. Махсудова*

**ИБ № 5344**

Сдано в набор 10.02.92. Подписано в печать 21.07.93. Формат 84×108/16. Бумага офсетная. Кегль 10 б/шп. Гарнитура обыкновенная новая. Печать офсетная. Усл. п. л. 15,12+0,42 форзац. Усл. кр. - отт. 62,16+0,21 супер. Иад. л. 15,45+0,93 форзац. Тираж 3000. Зак. 2468.

Издательство «Ўқитувчи». Ташкент, ул. Навои, 30. Договор 6—374—90/19—371—90.

Ташполиграфкомбинат Государственного комитета Республики Узбекистан по печати. Ташкент, ул. Навои, 30.1997.

**В 1997 г. ИЗДАТЕЛЬСТВО ПЛАНИРУЕТ  
ВЫПУСТИТЬ:**

**1. МОИСЕЕВ В. А. «Тайны природы».**

Книга известного писателя-натуралиста содержит 60 рассказов об удивительном мире растений и животных, полном контрастов и сказочных чудес. Читатель познакомится с необычными явлениями природы, жизнью зверей и птиц, пресмыкающихся, насекомых и редких растений, узнает о блестящем прошлом и разыгравшейся на наших глазах трагедии Арала.

Книга хорошо иллюстрирована: в ней около 400 слайдов.

## **«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ 1997- ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШРДАН ЧИҚАРАДИ**

### **МУФТАХОВ. А. Органик кимёдан олимпиада масалалари.**

Тўпламда район, шаҳар, вилоят, республика ва халқаро олимпиадаларда бир неча йил давомида ўтказилган олимпиада масалаларини ечиш усуллари ҳамда шартлари келтирилган.

### **ПРАТОВ Ў. Ўзбекистоннинг ботаник олимлари.**

Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларига мўлжалланган мазкур китобчада ватанимизнинг кўзга кўринган 80 га яқин ботаник олимларининг ҳаёти ва ижодий фаолияти ёритилган.

### **АБДУСАМЕТОВ А., Зияев Р., Акбаров Б. Кимёдан тестли масала ва машқлар.**

Ушбу қўлланма умумий, анорганик ва органик кимёнинг муҳим бўлимларини ўзида мужассамлаштирган тестли савол ва машқлар тўпламидан иборат. Унда келтирилган тестли саволлар лицей ҳамда ўрта мактаб ўқувчилари ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган бўлсада, ундан олий ўқув юртларига кирувчилар ва умуман, кимё фанига қизиқувчи ва тест бўйича ўзининг билимини синаб кўришни истаган барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

М 74

Моисеев В. А., Давлетшина А. Г.  
Мир насекомых Узбекистана. — Т.:  
Ўқитувчи, 1997. — 144 с.:ил.

